

**ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ**  
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК**  
**УНИВЕРСИТЕТИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Тошкент давлат шарқшунослик университети  
Илмий ишлар ва инновация бўйича проректор

\_\_\_\_\_ проф. Д.Б.Сайфуллаев  
“\_\_\_” июнь 2025 йил.

**ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ  
ҚАДИМГИ ЁЗУВЛАР**

Медиалойиха раҳбари:

Исҳоқов Мирсадик Мирсултанович,  
тариҳ фанлари доктори, профессор  
Худайназаров Исобек Бойсовович,  
катта ўқитувчи

Медиалойиха иштирокчиси:

**Тошкент-2025**

## **МУНДАРИЖА**

- I. КИРИШ
- II. АСОСИЙ ҚИСМ
  - II.1. Ўзбекистон худудидан топилган қадимги буюмли, расмбелги ва пиктографик ёзувлар
  - II.2. Ўзбекистон худудидан топиб ўрганилган қадимги туркий ёзувлари
  - II.3. Қадимги хоразмий ёзув аждодларимиз тафаккурининг ноёб хазинаси
  - II.4. Турон халқларининг қадимги сак (иссиқ) ёзуви
  - II.5. Қадимги бохтарий (оромий бохтарийси) ва юононбохтарий ёзуви Ўзбекистон халқларининг бой ёзув маданияти белгиси
  - II.6. Қадимги суғд тилидаги архивлар – муштарак тарихимиз ва билингвизм тимсоли
  - II.7. Моний ва сурёний-суғд ёзуви намуналари
  - II.8. Раватак архиви – Кушонлар салтанати ҳужжатлари
  - II.9. Кхороштхи ёзуви – Кушонлар даврида ўзлаштирилган ёзув
  - II.10. Қадимги уйғур-туркийси ва мўғул ёзуви
  - II.11. Қадимги кхароштхи ва брахми ёзувларининг Ўзбекистон бўйлаб тарқалиши
  - II.12. Қадимги тангаларда Ўзбекистон халқлари ёзув маданиятининг акс этиши
- III. Хулоса ва тавсиялар
- IV. Мавзуга оид манба ва адабиётлар рўйхати
- V. Иловалар

## СЎЗБОШИ

Инсоният яратган энг буюк кашфиётлардан бири ёзувдир. Ёзув тарихда икки муаммони ҳал қилган. Бунинг бири масофа бўлса, иккинчиси – замон. Ёзув аслида одамзоднинг у ёки бу жамоаси учун доимий амал қилувчи шартли белгилар тизимиdir. Белгилар инсон нутқининг энг кичик бирлиги – нутқ товушини ифода этиш даражасига, яъни ҳарф даражасига етгунича узоқ изланишлар даврини бошдан кечирган. Шу маънода жаҳон миқёсида қоя тошларда, йирик ва майда харсангларда, сопол буюмлар ва метал ашёлар сиртида, ёғоч ва бошқа қаттиқ материаллар юзасида қолдирилган тасвиirlар босқичини ёзув яратиш йўлидаги ҳаракат даври сифатида баҳолаш мумкин. Бироқ тасвир, суврат ҳали ёзув эмас эди. Чунки тасвирда ифода топған мазмунни жаҳоннинг исталган тилида баён этиш мумкин. Белги ёки тасвир қачон ёзув деб тушунилиши мумкин? Чизма белги бирор тилдаги нутқ товушини ифодалаб, шу тил эгаларининг барчаси танийдиган даражада шартли равища амал қилса, ёзув белгиси деб тушунилади. Демак ёзув белгиси шунчаки чизма тасвир эмас, балки инсоннинг тасаввури ва тафаккури асосида амал қилувчи семиотик ифода ҳамдир.

Ўзбекистон халқлари тарихининг исломга қадар бўлган даври минтаقا халқлари маданиятининг муҳим даври ҳисобланиб, бу даврда биринчи ренессансга тамал тоши қўйилган. Ёзув инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти сифатида цивилизацион жараёнларнинг минг йилларга татигувлик йўлини белгилаб берган. Аввало, ёзув инсон фикрини, қолаверса, ўзининг нутқини тасвир ёки чизма шаклларда акс эттириш, фикрий ва нутқий ахборотни масофа ва замон оша узатиш ва сақлаш имконини берди. Бу ўз навбатида инсон учун ўз дунёсини, ўзлигини намоён қилиш ва маънавий такомилнинг чегарасизлиги каби ҳақиқат кўзини очиб берган эди. Шу билан бирга ёзув инсон учун ўз фикру-зикрини, ички дунёсини, атрофидаги воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумотларни шартли белгилар воситасида ифодалашдек ёзма нутқ маданияти, тил имкониятларининг меъёрлашуви учун мисли кўрилмаган имконият майдонини вужудга келтирди. Бир минтақада ёзув ёки, ёзма белгиларнинг мавжуд бўлганлиги цивилизациянинг бошланиш нуқтасини англатади. Айни бир халқ салоҳиятининг натижаси бўлган оламшумул ютуқлар дунё цивилизацияси тараққиётига катта куч ва шиддат беради<sup>1</sup>.

Инсоният ўз фикрини ёки бирор сўзни тасвир орқали ифодалашдан сўзнинг бўғинини, ниҳоят уни ташкил этган алоҳида товуш бирлигини англаб

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри, -Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2022. -Б.

етгунича мураккаб тарихий йўлни босиб ўтган. Зеро ёзув яратиш жараёнининг дастлабки босқичларида инсон ўз нутқининг таркибидан айрим товуш бирликларини ажрата олмаган. Шу сабабли одамзод дастлаб ўз фикрини расм, тасвир кўринишида чизиб кўрсатишга ҳаракат қилган. Бу босқич ёдгорликлари ҳам маълум маънода ахборот ташувчи восита сифатида ёзув тарихининг ilk қадами деб эътироф этилади ва фанда пиктографик босқич деб қаралади. *Пиктолотинча “тасвир, суврат, тасвир”, -графо* эса “чизмоқ” демакдир. Яъни, “*расм чизмоқ*”. Қачонки, ҳар бир пиктографик тасвир бирор тил эгаларининг онгига қатъий ўрнашган сўз ёки жумла маъносини ифода этса, бу тасвирий шакл *идеографик* белги ҳисобланади. Демак *пиктография* ва *идеография* орасида жиддий фарқ бор. Бири яхлит тасвир орқали ахборот беради ва уни исталган тилда одамлар ўз тилларидаги аниқ сўз ёки бутун жумла кўринишида баён этишлари мумкин. Лекин иккинчисидаги тасвирлар рамзийлашиб, доим бир хилда чизиладиган ва айни бир тил эгалари томонида айрим сўз ёки доимий жумла сифатида тушунилади. Масалан, Ўзбекистоннинг Навоий вилоятидаги Сармишсой қоятош суратларини исталган тилда изоҳлаш мумкин. Лекин Миср иероглифларининг идеографик моҳиятини фақат қадимги миср тили орқалигина тушуниш мумкин. Ёки хитой иероглифлари ўзининг ilk идеографик тасвирий шаклларидан кучли даражада стилизациялашиб узоқлашганига қарамай, ҳали ҳануз идеографик шаклда амал қилиб келмоқда. Марказий Осиё минтақаси пиктографик ёдгорликлари идеографик ва иероглифик босқичларга кирмаган. Чунки, бу минтақа ҳалқлари мил.авв. II минг йиллик охири - I минг йиллик бошларидаёқ, шарқ ўлкалари ёзув тарихида рўй берган инқилобий қадамдан, яъни ҳарф-товуш алифбе тизимиға ўтиш воқеълигидан хабардор бўлганлар.

Марказий Осиё – жаҳон миқёсида ёзув яратувчилик ва ilk ёзув маданияти ўчоқларидан бири. Минтақа ёзув маданиятининг қадимги дунё нуқтаи назаридан улкан ютуқ томони шундаки, аввал бошданоқ аждодларимиз ёзувнинг нутқ товушларига мос шартли белгилар тизимини ишлаб чиққанлар. Ҳарфларнинг инсон нутқи товушлари билан муносабатларини ҳисобга ола билиш эса улкан филологик билим ва тасаввурни талаб этар эди. Яъни, милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида бизнинг минтақада инсон нутқ товуш бирликларининг ҳар бирини сўз маъносини ўзгартириши жиҳатидан ажратибгина қолмай, бир ҳарф бир товушни (фонемани) доимий ифодалайдиган шартли белги тизимини жорий қилганлар. Марказий Осиё минтақаси қадимдан туркий ва эроний тилли ҳалқлар биргаликда яшаб келган макондир. Шу муносабат билан ёзув яратиш ҳам асосан икки тилни эътиборга олган ҳолда борган. Милоддан аввалги IV асрга оид “Иссиқ” қўргонидан топилган ёзув туркий ёзувнинг аждоди бўлса, орамий квазиалифбеси асосида сугд, парфия, хоразм ва бохтар тилларига мослаштирилган маҳаллий ёзувлар пайдо бўлган.

Қадимий ёзувлар ўлкамизда ўнлаб хилларга бўлинган: “Иссик” ёзуви, сұғдий, хоразмий, юонон-бохтарий, парфиёний, сурёний туркий ва сурёний сұғдий, монивий сұғдий ва туркий ўрхун-енисей (дулбаржин), кхароштхи, брахми, уйғурча, тибатий, муғулий, манжурий, ниҳоят, қуриявий (корейс алифбеси) кабилар. Булардан кхароштхи ва брахмий ёзувлари орамий асосида Ҳиндистонда пайдо бўлиб, Кушонлар даври маданий алоқалари асносида Марказий Осиёда ҳам тарқалган.

Марказий Осиё ва Ўрта шарқ мінтақалари учун авеста ёзувининг ҳам ўрни алоҳида. Бу ёзув ўрта форс паҳлавий ёзуви асосида юзага келган. Бироқ, Авеста китобининг мураккаб тилига мослаш мақсадида 22 ҳарф белгили ўрта форс алифбесига қўшимча 29 белги киритилган. Шундай қилиб, авеста алфавити 48+3, яъни 51 белгидан иборат бўлган. +3, бу авеста алифбеси ҳарфларининг баъзилари ёнма-ён келганда бошланғич шаклларидан ўзгарган ҳолга кирганлар. Шундай қўш ҳарфли бирикмалар з дона бўлиб, лигатуралар дейилади. 8 ҳарф эса мустақил график шакллардир. Авеста алифбеси муқаддаслаштирилиб, унда фақат Авеста китобининг матнларигина ёзилган. Авестанинг унтилган тилли, бироқ диний амалиёт учунгина ёдаки ўқиладиган матнларини изоҳлаш учун ёзилган тафсирлар ўрта форс паҳлавий ёзувида ёзилган. Бундай шархлар Занд дейилган, яъни “Билиш” китоби.

Марказий Осиё халқлари тарихининг манбашунослиги учун санаб ўтилган ёзувлар билан битилган кўплаб ёдгорликлар етиб келган. Уларнинг палеографик ҳолати, сақланиш аҳволи турлича. Тош, ёғоч, метал буюмлар, чарм, хитой қофози, тўқима мато ва бошқаларда сақланган ёзувлар аксарият ҳолларда бутун эмас. Ёзиш усуслари, график шакллари хилма-хил. Баъзан улардаги ёзув ўқилмаган ҳоллар ҳам бор. Нима бўлганда ҳам, араб ёзуви расман жорий бўлгунигача (743 й.) яратилган ёзма ёдгорликлар тарихимизнинг узоқ ва унтилган сахифаларини тиклаш учун ғоят мухимдир. Шуларни ҳисобга олиб, ушбу ўқув фани шарқшунос-тариҳчи бўлиб етишаётган талабалар авлоди ҳамда ўзини англашни истаган ҳар бир миллат вакили учунмаънавий заруратдир. Ушбу ўқув курсининг зарурлиги ва долзарблиги шу билан белгиланади.

Ёзувнинг ҳозирги ҳарф-товуш алифбели, чизма белгили тизимлари шакллангунига қадар жаҳон миқёсида инсоният узоқ мاشаққатли изланишлар даврларини бошдан кечирган. Бу даврлардаги ахборот имкониятларини асосан икки воситада кўриш мумкин. Бири ашёлар яъни, буюмли белгилар даври (токапу, кипу, вампум чиғаноқлари ва бошқалар), иккинчиси чизма, ўйма, ранг-бўёқ воситаларида шартли тасвирлардир (донгба, иероглифлар, вай, варанг-кшити). Ашёвий (буюмли) даврни ёзув деб аташ қийин. Лекин, ашё шартли белги, эслатувчи (мнемоника) восита сифатида ахборот узатиш ва қабул қилиш оралиғида хизмат қилган. Белги-тасвир воситалари эса нисбатан олға қўйилган

улкан қадам эди. Бироқ тасвиirlарни исталган тилда шарҳлаш мумкин ва улар бирор тилга боғлиқ ҳодиса эмас. Инсоният ўз нутқининг мохиятини англаб етган даврлардан бошлаб айрим нутқ товушларининг турли-туман хоссаларини фарқлашга ҳаракат қилган. Натижада, сўз таркиби товуш бирликларининг хилма-хил комбинацияларидан иборат эканлиги аён бўла борган. Зоро, айрим товуш бирлиги сўз маъносини ўзгартириши билан инсонда илк фонологик тажриба, эмперик тасаввур шаклланган. Бу эса дастлаб “сўз белги”, сўз таркибидаги бўғин бирлигини, ниҳоят айрим товушни англашга олиб келган. Айрим товушлар мустақил ҳолда мавжудлигини билиш эса ўша товуш учун шартли белги зарур эканини англатган.

Айни шу эҳтиёж инсониятни нутқ жараёнида амал қилган товушлар йифиндисини ҳисоблашга ундаган. Ниҳоят, одамлар ўз тилларида амал қилган товушларнинг барчасига мос келадиган ва миқдори жиҳатидан тилдаги барча товушлар миқдорига teng шартли белгилар яратишга киришганлар. Булар бугунги ҳарфлар демакдир. Ҳарфлар эса ҳар қандай ёзувнинг шартли асосидир. Ёзувга айланиши учун ҳарфлар ўзи иштирок этган барча сўзлар учун муштарак функцияга эгалиги билан ва, энг муҳими, муайян жамият аъзолари учун бир хилда тушунарли экани билан муҳимдир.

Чизма шартли белгиларнинг ёзувга айланишининг бош омили белги-тасвир бирликларининг ёзувда чексиз такрорланувчан ҳолда амал қилишидир. Бу эса чекланган миқдордаги белгилар орқали ҳажман катта ахборотни ёзма равища узатиш ёки сақлаш имконидир. Тилнинг сон-саноқсиз лексик бирликлари ва улардан фойдаланиб тузилган матнларда ўн беш, йигирмадан бошлаб эллик ва ундан ортиқ шартли белги, яъни, ҳарф ишлатилиши инсонда нутқ бирликларини англаш, уларни ёзувда акс эттиришдек буюк саводхонлик малакасини вужудга келтирди.

Ёзувнинг товуш-ҳарф (ёки, ҳарф-товуш) мослигига эришиш ва буни муайян жамиятда ҳамма учун бирдек тушунарли воситага айлантириш мураккаб ва мashaққатли изланишлар жараёни эди. Масалан, Миср иероглифларидаги рамзий тасвиirlар кетидан детерминаторлар (грамматик маъно айиргичлари, иероглифларнинг нутқ жараёни билан боғловчи аниқлагич)лар деб аталувчи қўшимча белгилар ишлатилиши сўзларни товуш орқали ўқиш, улар ўртасидаги грамматик боғланишларни тушуниш сари улкан қадам бўлган. Худди шу каби иероглифлардан бошланган хитой ёзуви ҳануз сўз-белги асосини сақлаб келмоқда. Бунинг сабаби хитой тилиниг аморф хусусиятидир. Ҳар бир белги бир сўз бирлигини англатиб, унинг маъноси сўзниң талаффузидаги оҳанг товланишлари, товуш баланд пастлиги сингари нутқий вазиятдан англашилади.

Тил ҳодисасидек буюк неъматнинг ибтидосида одамзоднинг жамоалари “бизлар ва бизлар эмас”лар тарзида ҳар бир жамоа ўз доирасида маълум тил

тизимини шакллантира борган. Бегоналар тили “БИЗ”лар учун бегона. “Бегоналар” тили ўzlари учун “она тили”. Лекин жамиятдаги демографик ўсиш, кўпайиш, бўлинишлар бир жамоа тилининг турли шева, лаҳжаларини юзага келтира борган. Кейинчалик бу ҳодиса аслида бир илдиздан тарқалиб, қариндош тиллар оиласини ташкил қилган. Масалан, Олтой тиллари оиласи, унинг улкан тармоғи туркий тиллар, Европада роман тиллари оиласи, герман тиллари шартли равища қачонлардир ҳинд-европа тил бирлигидан ажралиб чиқсан, Олд Осиё ва Африканинг шимолида шомий тиллар оиласини мисол қилиш мумкин.

Марказий Осиё минтақаси қадимдан ўз аҳолиси, пиктографик ёзув анаъanasига эга бўлган. Минтақамизнинг шимолий ҳудудларида қадимги туркий ёзув кенг ёйилгандা, жанубий-ғарбий ҳудудларга орамий ёзув кириб келган. Мил. авв. II минг йиллик ўрталарида ҳинд-европа тиллари деб аталувчи лингвобирликдан ҳиндуарий тил умумийлигига эга қабилалар ажралиб чиқсан. Кейинчалик, бу қабилаларда ҳам навбатдаги бўлиниш рўй берган. Натижада бир тармоқ ўзини “арянаму”, яъни “арий деб номланувчилар”, ҳозирги Эрон ҳудудларига келиб жойлашган. Иккинчиси эса “аръялар” номи билан Ҳиндистон яrim оролининг шимоли томон миграция қилганлар ва кейинчалик пашту, ҳинд, ўрду сингари халқларнинг аждодлари бўлиб қолганлар. Бу тафсилот схематик содда тарзда берилмоқдаки, бундан мақсадимиз шарқий эроний тилли қавмларнинг мазкур миграцион жараёнларда ҳозирги Ўзбекистоннинг Зарафшон воҳаси, Қашқадарё воҳаси, Тожикистоннинг Суғд вилояти, Помир, Бадахшон тоғлари бўйлаб тарқалгани ҳақида тасаввур беришдир. Шу жумладан, ўзларини *сгудик ноб*, яъни “суғдий қавмлар” деб атаган суғдий тилли халқнинг тақдири ўзига хос кечган. Бу халқ ўзи келиб жойлашган ҳудудларда туб прототуркий аҳоли билан асрлар оша қарийб икки яrim минг йил давомида ёнма-ён яшаб, туркий ва суғдий тарихий-маданий симбиози шаклланишида алоҳида роль ўйнаган. Айниқса, мил. авв. I минг йилликнинг сўнгги чорагидан милодий VIII-IX асрлар ораси суғдий тилли халқнинг тақдирида алоҳида даврга айланган. Бу ўртада Буюк ипак йўли тармоқлари бўйлаб суғдийлар халқаро савдо-иқтисодий, маданий ва маънавий муносабаатларнинг энг фаол иштирокчиларига айландилар. Бу даврда суғдий тил эса халқаро муомала тили вазифасини ўтай бошлади. Шу жиҳатдан олганда ёзув мавжудлиги цивилизациядан дарак берар экан, цивилизация ёзувсиз мавжуд бўлолмаслигини инкор этиб бўлмайди. Аслида, финикияликлардан орамийлар қачон ва қайси омиллар асосида ёзувни қабул қилишган ёки орамийлар қачондан ва қайси сабаблар билан ўз ёзувларини суғдий ёзувга бўшатиб беришган каби саволлар билан боғлиқ масалаларда ҳали чалкашликлар мавжуд. Бу эса муаммонинг долзарб эканлигини кўрсатади.

Орамий алифболи ёзуви қадимий Парфия, Хоразм, Суғд, Бохтар ерларида тарқалди. Тез орада орамий алифбоси маҳаллий тилларга мосланиб,

ҳарфларнинг ички маъноси (функцияси)да силжишлар бўлди. Бу ўзгаришлар орамий алифбоси асосида маҳаллий алифболар пайдо бўлиши эди. Паҳлавий, парфиёний, хоразмий, сұғдий, бохтарий, кхароштҳи, браҳми ёзуви кабилар Марказий Осиё ёзув маданиятининг қадимий даврини акс эттиради. Булардан ташқари дастлабки милодий асрлардан бошлаб буддачилик, монийчилик, ниҳоят христиан динининг шарқда тарқалган несторчилик мазҳаби жамоаларига хизмат қилган маҳсус ёзувлар бўлган. Юқорида келтирилган маълумотлар Марказий Осиё халқарининг қадимда юксак ёзув маданиятига эришганларидан далолатdir. Ҳозирга қадар узоқ ўтмишда, ҳали араб ёзуви кириб келишидан қарийб бир ярим минг йил аввалданоқ, аждодларимиз фонетик алифботизимидан хабардор эканлари, қолаверса, маҳаллий шароитда ўзлари бир неча алифболарни яратганлари ҳақида тўпланган материаллар бу тарихий ноёб жараённинг қанчалик муҳим эканини кўрсатади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

### Ўзбекистон худудидан топилган қадимги буюмли, расм-белги ва пиктографик<sup>2</sup> ёзувлар

Ёзувнинг шаклланиш тарихида 3 та босқич алоҳида намоён бўлган, булар буюмли ёзувлар даври мил. авв. VII-V мингийилликлар (Вампум чиганоқлари, токапу, кипу ва бошқалар), белги-тасвири ёзувлар даври мил. авв. IV-II мингийиликлар (иероглифлар, донгба, вай, варанг-кшити ва бошқалар) ҳамда алфавитли тизимнинг пайдо бўлиши тахминан мил. авв. X аср. Ёзувнинг бундай тараққий этиши тенденцияси Марказий Осиё халқлари жумладан, Ўзбекистон учун ҳам хосдир. Турон халқлари тарихида буюмли (ашёвий) ёзувнинг ўрни ниҳоятда баланд ва жуда қадимдан маълум бўлган. Қадимги халқларда буюмли (ашёвий) ёзувнинг ниҳоятда ривожланганлигини тарих отасининг қолдирган маълумотлари асосида ҳам билсак бўлади. Геродотнинг ёзишича, Аҳамонийлар ҳукмдори Доро I (мил.авв. 522-486 йиллар) скиф (сак, сардори Скунха) қабилалари устига мил. авв. 519 йилда уруш қилганда кўчманчилардан қуш, сичқон, қурбақа ва бешта пайкон солинган ашёлар мажмуасини олади. Бу маълумот тарихчилар томонидан жуда кўп марта муҳокама қилинган ва нарсаларнинг этимологияси хусусида қуидаги умумий фикрга келинган “агар сен қушлар сингари осмонларга учмасанг, сичқонлар сингари ер қарига кирмасанг, қурбақалар сингари ботқоқларга шўнғиб кетмасанг тирик қайтмайсан, шу пайконлар сенга аталган”. Бу маълумот буюмли (ашёвий) ёзувнинг қадимги халқлар ўртасида кенг тарқалганлигининг ёзма манба ёрдамида исботланишидир. Бу каби буюмли ва расм-белги ёзув намуналари Ўзбекистоннинг бир қанча бронзо даври манзилгоҳларидан археологларимиз томонидан топиб ўрганилган, хусусан, **Сополлитепа, Жарқўтон, Тиллабулоқ, Каттабулоқ ва Ғоз қишлоғи пиктографик ёзувлари** шулар жумласидан.

1969-1973 йиллар мобайнида Сополлитепа ёдгорлиги тўлиқ қазиб ўрганилган ва 29 та белги чизилган идишлар топилган, лекин барча сополлларга ҳам белги туширилмаган. Уларни академик А.А.Аскаров шаклларига қараб 8 та гуруҳга ажратган<sup>3</sup>. Бугунги қунгача Жарқўтон даврига оид сополларда 46 хил белги-ёзув битилганлиги аниқланди. Айрим белгилар сополларда 2-3 мартадан учраса, жуда кўп белгилар бир марта чизилган ва шаклан бошқа қайтарилмайди. Сополлитепада битта белги доимо алоҳида ифодаланган бўлса, Жарқўтонда ҳар

<sup>2</sup> Пиктография – (лот. pictus-чизилган, тасвириланган) - ёзувнинг ривожланиш босқичларидан, фонетик ёзувдан олдинги ёзув тури: муайян ахборот мазмунини бирон-бир расм ёки, қатъий кетма-кет келган расмларда акс эттириш усули.

<sup>3</sup> Шайдуллаев Ш., Шайдуллаев А. Туроннинг энг қадимги ёзув тизими, Т., “Фан”, 2024, -Б. 21.

хил шаклларнинг бирга ифодаланиши кузатилди. Пиктографик шаклларнинг бирга ифодаланиши ёзувнинг даврлароша такомиллашуви жараёнини кўрсатувчи аломатдир.

**Жарқўтон** ёдгорлиги қабрларидан жуда кўплаб буюмларнинг митти шакллари топилган. Ашёлар кўпинча жездан ва лойдан ясалган бўлиб, шакл жиҳатидан алтарь, иш ва жанг қуроллари, нарвон, терракота (ҳайкалча) каби кўринишларда ифодаланган. Яна шу нарса ҳам маълумки, митти предметлар ҳеч қачон бир дона эмас, энг камида учта, яъни туркум кўринишда учрайди.

Тадқиқотчилар металлни авайлаб асраш мақсадида предметларнинг ўзини эмас, балки митти образларини ясаб, майит билан бирга кўмган деб хисоблашади. Жарқўтон ёдгорлиги қабрларида учрайдиган митти буюмлар ашёвий ёзув мажмуасидир. Жездан ясалган митти предметлар Сополли маданиятининг эркак, аёл ва ҳаттоки кенотаф қабрларида ҳам учрайди. Академик А.А.Аскаров Жарқўтон IV қабристонида жами 719 та қабр очиб ўрганган. Қабрлардан 24 та митти ашёлар топилган бўлиб, уларнинг 14 таси пичоқ, 5 таси ханжар, 1 таси қозон, 1 таси тоба, 1 таси қошиқ, 1 таси санчқи, 1 таси капгир шаклида ясалган. Митти буюмлар асосан бой инсонлар қабрларида учрайган. Н.А.Аванесова Бўстон VI қабристонидан 3 дона цилиндр шакли предмет, лойдан ясалган митти идиш, лойдан ясалган зооморф юзли одам ҳайкали, доира шакли алтарлар мажмуасини топган ва бу манбалар ашёвий ёзувнинг ривожланган шакли мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Қадимги жарқўтонликлар жез ва оддий лойдан ясалган митти буюмлар ёрдамида бутун бир фалсафий дунёқарашни ифода эта олган. Алтарь - оловпарастларнинг топиниш воситаси, ҳайкалча - олов ҳукмдори Агни тимсоли, учта конуссимон шакли ашёлар саноқ тизими ва дунёнинг уч қатламли эканлигига, яъни ер ости, ер усти мавжудотлари ва осмон жисмларидан иборатлигига ишора этилган. Албатта, уларнинг ҳақиқий маъносини англаш қийин.

**Тиллабулоқдан** топилган ашёвий манбаларнинг типологик таҳлили, ўтказилган радиокарбон таҳлиллар манзилгохнинг мил. авв. XX-XVIII асрларга тааллуқли эканлигини кўрсатди. Сополларда 7 хил белги-ёзув битиклари аниқланди. Айрим белгилар сополларда 2-3 мартадан учраса, бир неча белгилар бир марта чизилган ва шаклан бошқа қайтариilmайди. Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари белгили ёзувлари билан Тиллабулоқ ёдгорлиги пиктографик белги ёзувларинг бир нечтаси шаклан ўхшашдир. Ана шундай белгилар айланга, омоч, хоч шакли бўлиб, улар барча ёдгорликлар пиктографияси учун умумлашган характер касб этади.

**Каттабулоқ** ёдгорлигига жами 42 та белги қайд этилган бўлиб, шундан 32 таси алоҳида, 10 тасида эса белгиларнинг қўшиб ёзилганлиги аниқланди. Ёзув тарихига эътибор берадиган бўлсак, алоҳида чизилганлари пиктографик белги,


қүшиб ёзилганлари эса, пиктографик ёзув деб таърифланган. Булар Окс цивилизацияси жамоаларида пиктографик ёзув фойдаланилганидан дарак беради. Фақат, бир ҳолатда масалага ечим топиш қийин, бу “тил хусусиятларининг ёзув шаклланишига таъсири” масаласи бўлиб, ўрганилаётган маданиятлар аҳолиси-нинг тили бўйича мутахассислар бир қарорга келишганлари йўқ. Окс цивилизацияси аҳолисининг ижодкорлик хусусияти характерли бўлиб, бу аҳоли Марказий Осиё халқлари тарихида жуда қўплаб ижтимоий воқеаларга, моддий маданиятнинг кўплаб турларига, янги техника ва технологияларга асос солган жамоадир. Окс цивилизациясининг табақавий дифференциялашган аҳолиси илк шаҳар маданиятига, давлатчиликка, марказлашган динга асос солиш билан бирга хунармандчилик соҳасида, айникса, кулолчилик чархида ишланган идишларни икки ярусли хумдонларда пишириш технологияларини йўлга қўйганлиги, темирни билганлиги, меъморчилик соҳасини санъат даражасига кўтариб, симметрия ва фортификацияда лабиринт тизимини жорий қилган, айланма механика асосида ишлайдиган аравага асос солган, ҳайвон кучидан фойдаланиб ерга ишлов берганлигини кўрсатади ва пиктографик, расм-белгили ёзув уларнинг тараққиёт босқичига мос деб, хулоса беришга асос бўлади.

**Каттабулоқ** пиктографиясида икки марта илон тасвири туширилган сопол парчаси қайд этилди. Умуман олганда, Сополли маданияти глиптикасида илонлар энг кўп тасвирланган мавжудотлардан бири саналади. Илонлар деярли барча халқлар мифологиясида ва археологик маданиятлар тасвирий санъатида жуда кенг тарқалган. Ҳатто, буни сфрагистрикадаги уроборос яъни думолок шаклдаги, ўз думини чайнаётган илон сифатида талқин қилиш мумкин. Мъяноси, абадий ҳаёт давомийлиги, бойлик рамзи сифатида талқин этилади. Каттабулоқ пиктографиясида энг кўп тасвирланган ифодалардан яна бири доирадир. Инсонларнинг ижтимоий-диний ҳаётида ҳам доира шакли мухим роль ўйнайди. Муҳрлар, тамғалар, туморлар ҳам кўп ҳолатда доира шаклида ясалган. У энг кенг тарқалган геометрик рамз бўлиб, ой ва қуёшни ифодалайди. Айланана бошланиши ҳам, тугаши ҳам, йўналиши ҳам бўлмаган тутгал шаклдир. Каттабулоқ пиктографияси ёзилиш тартиби ва усулларига кўра, Бақтриянинг Сополли, Жарқўтон, Тиллабулоқ, Дашли, Марғиёнанинг Тўғалоқ, Гонур белгили ёзувлари билан бир маданий бирликни ташкил этади ва уларни ягона ном билан “Окс цивилизацияси пиктографияси” ёки итальян археологи Маурицио Тоси таъбири билан айтганда “Турон цивилизацияси” пиктографияси деб аташ мумкин. Окс цивилизацияси пиктографиясининг шаклланишида Хараппа, Эlam ёзув тизимларининг маданий таъсири катта бўлган.

**Ғозтепа** - Шеробод воҳасидаги Уланбулоқсой ўзанининг бошланғич оқимлари Добилсой деб аталади. Добилсойнинг ўнг соҳилида Добилқўрғон

ёдгорлиги жойлашган. Бу ёдгорлик илк темир даврига оидлиги Э.В. Ртвеладзе томонидан 1974 йилда қайд этилган. Добилсой ёдгорлигидан 10-12 км қуйида Фоз қишлоғи жойлашган. Шу қишлоқ худудида 4 та кориз услубида қазилган сунъий сүфориш шоҳобчалари ва учта археологик ёдгорлик жойлашган. Уларнинг энг қадимгиси Ғозтепа бўлиб, илк темир даврига оид. Шу ёдгорлиқдан илк темир даврига тегишли сополлар мажмуалари ва тошдан ясалган кели топилди. Кели юмшоқ таркибли монолит тошдан ясалган бўлиб, баландлиги 22 см, эни 20 см, кели косаси чуқурлиги 12 смни ташкил этади, идишнинг ташки тарафида 13 та пиктографик ёзув мавжуд. Келининг ясалиши илк темир даврига оид тоштарошлиқ санъатидан гувоҳлик берса, вазифаси хусусида унинг зардустийлик динида илоҳийлик маъно касб этади. Ўғир сиртида зардустийлик маросимларига оид воқеликлар ифодаланган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. “Фоз топилмаси”да пиктографик белгиларнинг пиктографик ёзув сифатида ривожланганлиги кузатилади.

Қадимги Шарқда илк цивилизациялар шаклланган, Турон Қадимги Шарқнинг ажралмас бўлгидир. Албатга, ёзувнинг мавжудлиги илк цивилизацияларнинг асосий бслгиларидан бири. Қадимги Шарқ тарихида Шумер, Хитой, Ҳиндистон ва Мисрнинг энг қадимги ёзувлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу худудлар аҳолиси илк ёзув турларини кашф этган халқлар сифатида эътироф этилган. Сополли маданияти ёдгорликларида қайд этилган ашёвий ёзув, пиктографик белгилар асосида қадимги Туронни ҳам илк ёзув тизими шаклланган худудлар қаторига кўшиш мумкин. Ашёларга асосланган ёзув усули инсоният тарихидаги энг қадимги “Эслатувчи” ёзув усули ҳисобланади. Шу ёзув усулининг Бўстон ва Жарқўтон ёдгорликларида аниқланганлиги жез даври аждодларимизнинг ёзувни кашф этиш йўлидаги энг биринчи қадамидир. Пиктография, яъни расмларга асосланган ёзув усули замонавий ёзувнинг шаклланишида энг катта қадам бўлган. “Бақтрия-Марғиёна пиктография ёзувлари” ёки, “Окс цивилизацияси пиктографияси”нинг тарқалиш худуди анча кенг бўлиб, Туроннинг жануби, Шимолий Афғонистон, Марказий ва Шимолий Эроннинг жез даври ёдгорликларида учради ва бир-бирига ўхшашлиги билан характерланади. Бугунги кунгача Окс цивилизацияси пиктографияси 86 кўринишида ифодаланганлиги аниқланди. Айрим белгилар барча ёдгорликлар пиктографиясига хос бўлиб, булар камон, омоч, доира, вертикал чизик, хоч, ўсимликлар, ярим ой, илон каби кўринишиларда ифодаланган. Уларнинг ёзилиш услуби ҳам бир-бирига айнан ўхшайди. Окс цивилизацияси пиктографиясида фикрларнинг тўлиқ ифодаланганлиги кузатилади, улар мазмунан тугалдир. Тасвирларда инсонларнинг ҳаракатлари, воқеа-ходисалар ифода этилган.




Бақтрияning жез даври ёдгорликларида ифодаланган  
пиктографик ёзувлар

Қадимги Турун халқлари ёзуви тарихида қўйидаги асосий даврларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ибтидоси, ашёвий ва пиктографик ёзувлар даври бўлиб, мил. авв. III-II минг йилларни ўз ичига олади. Бу ёзув намуналари Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган жез даври манзилгоҳларида қайд этилганлигини юқорида келтирдик.

Мил. авв. VI-IV асрларда Ватанимиз ҳудудларида арамей (оромий) ёзуви тарқалган (Ойбўйирқалъа). Қадимги Хоразмда жойлашган Катта Ойбўйирқалъа ёдгорлигдан 1979 йилда Мирзамурод Манбатуллаев томонидан топилган, мил. авв. VI-V асрларга оид хумга битилган қисча оромий ёзуви Ўзбекистон ҳудуди учун энг қадимги ҳисобланади. Қўйқирилган қалъа, Амударё хазинасидан ҳам оромий ёзуvida битилган хатлар топилган<sup>4</sup>. Шу ёзув асосида Қадимги Бақтрия, қадимги Суғд, қадимги Хоразм ва Авеста ёзувлари шаклланган. Тадқиқотларга кўра, македониялик Искандар юришидан сўнг ҳам Турун ҳудудида арамей ёзувидан фондаланиб келинган (Тахти Сангин манзилгоҳида кузатилади). Мил. авв. IV асрнинг охиридан мил. авв. II асрнинг охирига қадар арамей ёзуви билан бир қаторда қадимги юонон ёзуви ва тили ҳам қўлланилган. Бу ёзувлар минтақамиз маданий ўлкалари тарихида арамей-юонон ёзувлари уйғунлиги даври кечганлигини кўрсатади. Халқимиз тарихида Кушонлар салтанати даври энг муҳим ўзгаришлар даври бўлиб, салтанатнинг жанубга томон ҳудудий

<sup>4</sup> Чориев З., Шайдуллаев Ш., Аннаев Т. Ўзбекистон ҳудудида ёзув пайдо бўлиши ва тараққиёти. -Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2007. -Б. 21.

кенгайиши ва қадимги ҳинд (кхароштхи), шимолга кенгайиши натижасида аждодларимиз ҳинд ва шимолий ҳудудларда қадимги хитой ёзувлари билан танишади ҳамда диний ва маданий ҳаётларида кенг қўллашади. Сўғд-туркий, бақтрия-туркий ёзувларнинг бирга қўлланилган даври милодий VI-VIII асрларга тўғри келади. Ватанимиз тарихида энг жумбоқли бўлган, ҳозирги кунгача ўқилмаган, фанимизда “номаълум ёзувлар” деб ном олган ёзув тури ҳам мавжуд. Мазкур ёзув намуналари Шимолий Афғонистон (Дашти Навур, Ойхоним), Жанубий Ўзбекистон (Холчаён, Хотинрабод, Коратепа, Фаёзтепа, Кампиртепа), Қозоғистон (Иссиқ қўргони) ҳудудларида қайд этилган. Эслаб ўтилган ёдгорликлар мил. авв. III асрдан то милодий VIII асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Тадқиқотчиларнинг умумий фикрларига қараганда бу ёзув қадимги туркий халқларга тегишли бўлиб, академик Э.В. Ртвеладзе Юечжи қабилалари, В.А.Ливициц эса сакларга тегишли деб ёзсалар, А.С.Омонжолов ва А.А. Аскаров “Иссиқ” битигини туркий ёзув деб ҳисоблайди.



Финикий алифбеси асосида шаклланган ёзувлар

## Ўзбекистон худудидан топиб ўрганилган қадимги туркий ёзувлар

Қадимги туркий ёзув (кўк турк ёзуви) аждодларимизнинг улуг кашфиёти бўлиб, қадим илдизларга бориб тақалади. Ёзувнинг генезиси масаласида яна бир фикр диққатга молик. Унга биноан, ушбу алифбо туркий мұҳитда кашф этилган, шунинг учун унда туркийнинг фонетик-фонологик хусусиятлари яхши инобатга олинган. Шунинг билан бирга, у оромий, сүғд, паҳлавий ёзувларининг кучли таъсирида бўлган. Палеографик кузатувлар, қадимию ёзувларни ўзаро қиёслаш олимларни яна бир фикрга олиб келмоқда. Жумладан, олим А.Аманжоловнинг фикрича, ушбу ёзувнинг тарихи милоддан аввалги I минг йилликларга туташади. Унинг олд Осиё ёзувларига ўзакдош бўлган қадимги юон ва сомий-финикий ёзувлари билан айрим жиҳатдан боғлиқлиги бор. Таъкидлаш керакки, кўк турк алифбосининг тизими ва ёзув принциплари тамоман ўзига хос. У қадимги ҳамда ўртанча эроний тилларнинг товуш қурилишига мослашган орамий ёзувларидан фарқ қиласди. Маълумки, оромий ёзувларида ҳарфлар бир- бирига уланади. Кўк турк хатида эса ҳарфлар уланмай, айри- айри ёзилган. Шундай бўлган дея фа раз ҳам қилайлик. У ҳолда турклар сүғд хати негизида бошқа бир алифбо-уйғур хатини яратганликларини қандай тушунмоқ керак? Маълумки, уйғур хатини яратиш жараённида сүғдийдан у қадар чекиниш содир бўлгани йўқ. Уйғур хати палеографик жиҳатдан сүғдчанинг сўнгги тезкор шаклига жуда яқин туради. Назаримизда, уйғур хатининг кашф этилиши ва ўта оммалашу- ви, ҳатто кийинчалик кўк турк хатини сиқиб чиқарганлигининг сабабларидан бири ҳам унинг китобат ишида қулайлиги бўлган. Суғд алифбосида 22 ҳарф мавжуд эди. Уйғур алифбосида унга бир белги - <л> ҳарфи орттирилиб, 23 ҳарфдан фойдаланилган. Лекин кўк турк матнларида ҳарфлар сони 38-40 атрофида (айрим матнларда бундан ҳам ортиқ). Бизгача сақланиб қолган урхун-енисей битиглари ушбу ёзувнинг илк босқичига оид эмас, балки мазкур обидалар ёзувнинг такомиллашган босқичида яратилган. Демак, ушбу ёзувнинг тарихи бизгача етиб келган ёдгорликлардан-да қадимийдир. Кўк турк хатини баъзи олимлар бир пайтнинг ўзида кенгашиб яратилган, деб ҳам ҳисоблайдилар. Лекин сўнгги ўйилликларда топилаётган ёдгорликлар ушбу ёзувнинг пайдо бўлган даврини милоддан аввалги асрлар билан боғлаш мумкинлигини кўрсатмоқда.


Қадимги турк хати шу қадар кенг ёйилган эдики, ёзувнинг илк ўчоқлари қаерларда бўлган, деган савол ҳам туғилади. Бу масалада ёзув, асосан, кўк турк хоқонликлари даврида Енисей ва Урхун атрофларида ёйилиб, тараққий этган деб қараш кифоя эмас. Бир ёғи Сибирь, Олтой ўлкаларидан Марказий Мўғулистону Шарқий Туркистонга қадар, иккинчи ёғи Афғонистондан тортиб Каспий атрофлари бўйлаб Шарқий Оврўпагача бўлган улкан ҳудуддан топилган ва

топилаётган туркий битиглар илк ўрта асрларда ушбу заминда ёзув маданиятининг ғоят равнақ топганидан далолат бермоқда. Мухими шундаки, мазкур ёдгор-ликларнинг хат шакли хилма-хил.. Уларни палеографик жиҳатдан ягона гурухга бириктириб бўлмайди. Ҳар қайси худудда амал қилган ёзув палеографик жиҳатдан ўзига хос; айрим белгилари, баъзи имло хусусиятлари билан ҳам фарқланиб туради. Жумладан, урхун битигларида қўлланган белгилар сони енисей ва талас битигларидағи белгилар билан баробар эмас. Матнларда бир-биридан фарқ қилувчи белгилар бор, айрим ҳарфларнинг шаклида ҳам ўзгариш рўй берган. Ёки Ўрта Осиё ҳудудида ёзувнинг ўзига хос кўриниши амал қилган. Ёзувнинг бу хусусияти баъзи олимларни турк руний битиглари бир неча алифбода би-тилган деган мулоҳазага ҳам олиб келмоқда. И.Л. Кизласовнинг фикрича, ушбу битигларда саккиз хил алифбо амал қилган. Урхун-енисей ёдгорликлари ўзаро яқин бўлган икки хил алифбо - урхун ва енисей хатида. Қадимги турк ўлкаларидан топилаётган ёзма ёдгорликлар, айниқса, уларда қўлланган хат шаклининг ўзаро фарқли эканлигидан англашиладики, туркий ёзувнинг маданий марказлари бир эмас, бир қанча бўлган.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон заминидан топилаётган илк ўрта асрларга мансуб обидалар мазкур ҳудуд ҳам қадимда кўхна турк ёзувининг маданий ўчоқларидан бири ўтганидан далолат бермоқда. Ўзбекистон еридан топилган археологик ёдгорликлар ичida кўк турк (туркий рун) ёзувли эпиграфик матнлар алоҳида ўринга эга. Мавжуд ёдгорликлар гурухи кейинги даврларда топилаётган битиглир билан бойиб бормоқда. Кўк турк ёзувли ёдгорликлар, асосан, ер остида қолиб кетган қадимий қўргон харобаларидан, эски қабрлардан чиқкан. Ҳозирга келиб бу заминдан топилган битиглар, уқадар кўпсонли бўлмаса ҳам, кўк турк ёзувининг ёйилиш чегаралари, ёзув генезиси ва тарихий такомили, мазкур ўлкада кечган ёзув маданияти тарихи ҳақида янги илмий хуло-саларни айтишга имкон берадиган даражага етди.

**Лўмбитепадан топилган қўзадаги битиг.** 1988 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти томони-дан Андижон вилоятининг Марҳамат туманида жойлашган Лўмбитепа ёдгорлигига қазиш ишлари бошланди. Ушбу ёдгор-лик майдони 60x90 метр, баландлиги 8 метр келадиган тепалик бўлиб, илк ўрта асрларда (V-VIII асрлар) мустаҳкамланган қишлоқ қасри бўлган. Қаср қадимги карвон йўли ёқасида жойлашган. Археологик қатламларнинг кўрсатишича, қасрда ҳаёт бир неча аср давом этгач, IX-X асрларда узилиб қолган. Ушбу ёдгорликда кўплаб ашёлар билан бир қаторда қадимги туркий ёзувли кўза ҳам топилди. Унинг бўйи 20 см. дан сал ортиқ, қорин қисмининг кенглиги 16-17 см., оғиздан елкасигача бир ёқлама банди (тутқичи) бор. Бандининг сиртига пастдан юқорига йўналган қадимий туркий битиг ўйиб ёзилган (чизма-сига қаранг). Битиг чамаси, идишнинг пиширилишидан олдин

битилган. Хати тартибли, эътибор билан ёзилган. Чамаси, кўза бирор амалдор томонидан махсус буютириб тайёрланган кўринади. Битиг ҳарфларининг эпиграфик қиёфаси маълум ёдгорлик- лар орасида бир қадар қадимий кўринишида. Бу бежиз эмас, идиш ёдгорликнинг VI-VII асрга оид қатламидан чиқди. Уни археолог Б. Абулғозиева топган. Кўзадаги битиг жами етти белгидан иборат. Унинг чизмаси шундай: Шундай қилиб, битигдаги етти ҳарфнинг кетма-кетлиги аён бўлади: **к и а м н к ч.**



Шунда ушбу жумладан «Икки умр кечир, икки одам умрини яшагин», «У дунёинг ҳам обод бўлсин» деган маъно келиб чиқади. Қадимги туркларнинг эъти- қодича, инсон ўлгандан кейин, у дунёда ҳаёти давом этади. Шу- нинг учун ҳам улуғларнинг қабрига бальзан қимматли буюмлар қўшиб кўмишган, яқинларининг у дунёси ҳам тўкин-фаровон бўлишини истаб шундай қилганлар. Ким билади, кўзадаги битиг ҳам суюкли кишисидан айрилганинг яхши ниятини ифодалаган чиқар. Муҳими, Лўмбитетадан топилган қадимги туркий битиг VII- VIII асрларга оид туркий обидалардан ёш жиҳатдан қарийб бир- икки аср қадимийдир. Ушбу топилма қадимги туркий битиглар рўйхатини ва улар топилган жойлар географиясини анча бойи- тади, ёзув тарихи хусусида янги хуносаларга олиб келади.

**Кўхна Кеш заминидан топилган битиглар.** Археологлар Қашқадарё вилоятида Китоб шаҳридан 15 км. узоқлиқда Узунқир қишлоғи яқинидаги тарихий тепаликда қадимий шаҳар-қўрғон комплексини очдилар. Бу жойни маҳаллий аҳоли Подаётоғ- тепа деб атайди. Археологларнинг фикрича, Подаётоғ ёдгорлиги хронологик жиҳатдан 2400-2500 йиллар билан белгиланади. У уч комплекс (қатлам)дан иборат бўлиб, остки қисми мелоддан аввалги VI аср Аҳмонийлар давлатининг сўнгти давларига, ўрта қатлами антик давларга, устки комплекси эса илк ўрта аср- ларга мансубдир. Мазкур ёдгорликда шаҳарнинг ҳимоя девори, қабристон, уй-жой, маҳаллалар сақланган. Ёдгорлик шаҳарсоз- лик маданиятининг барча талабларига жавоб беради. Тарихий шаҳарнинг умумий майдони 70 гектар. Қазиша чоғида Подаётоғ ва Сангир ёдгорликларидан жуда кўп буюмлар чиқди. Тош ашёлар, сопол, мисдан ясалган буюм- лар, турли ҳайкалчалар шулар жумласидандир. Қўлга киритил- ган ашёларнинг бари Шахрисабздаги Амир Темур номли мод- дий маданият тарихи музейига келтириб сақланмоқда. Ёдгорликлар орасида бўртма белгили икки сопол парчаси эътиборни ўзига тортади. Археологларнинг сўзича, уларнинг иккови қалъа деворининг ёнгинасидан оқиб ўтувчи Шўробсой лабидан топилган. Сопол ашёлар антик даврнинг бошларига мансуб бўлиб, ёши 2300-2400 йилларга

тўғри келади. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳар икки сопол парчасида ҳам бўртгириб ёзилган белгилар бор. Биринчи сопол парчаси жом идишнинг туби бўлиб, унга «Ч»симон белги битилган. Кичик сопол парчаси эса катта бир кўзанинг қорин қисми бўлиб, унга бўртма илгаксимон белги туширилган (чизмасига қаранг). Ҳар икки сополдаги бўртма шаклларнинг ён-верида бундан бошқа белгиларнинг изи учрамайди. Кўринадики, сопол идишларга бўртти-риб туширилган белгилар қадимиј алифболарнинг ҳарфлари бўлиб, муайян маънони англатган. Айни чоғда, ушбу белгилар уларни ясаган кулол- лар ёки буюм эгаларининг тамғаси (уруг белгилари?) вазифасини ҳам бажарган кўринади.

Кейинчалик Подаётоф комплексини қазув чоғида ер ости қатламидан яна турли белгили сопол парчалари чиқкан. Мухими, сопол идишлар сиртига муҳрланган белгилар илк ўрта асрларда Марказий Осиёда амал қилган ёзувларга туташ. Агар сопол идишларнинг антик босқич-2300-2400 йил бурунги давларга мансуб эканлиги назарда тутилса, ушбу ҳудудларда ёзув маданиятининг ҳам шунинг қадар қадимијлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Идиш сиртидаги белгиларнинг, айниқса, кўк турк алифбосидаги ҳарфларга уйғун эканлиги диққатга молик.

**Чашмимирондан топилган ёзувли ивриқ.** Қашқадарё ви- лояти Дехқонобод тумани Боғичорбоғ жамоа хўжалигининг Чашмимирон қишлоғидан кичик бир ивриқ (кўзача) топилди. Ивриқ ҳозир қишлоқдаги Садриддин Айний номли 10-ўрта мактаб музейида сақланмоқда. Тарих ўқитувчиси Н.Мўминовнинг уқтиришича, уни мактаб ўқувчиларидан бири топиб келтирган. Идишнинг бўйи 10 см., оғиз айланасининг диаметри 5 см. Қорин айланаси 21,5 см. У нисбатан қўпол бўлиб, кўлда ясалган. Оғзидан белига қадар ёпиштирилган банди бор. Сопол сингитиб пиширилмаган кўринади: сиртида қизғиши доғлари қолган. Идиш- нинг ичи қорамтири жигарранг. Сопол тоза тупроқдан ишланган бўлиб, таркибида аралашмалар йўқ. Идишнинг оғзи учган. Мухими, кўзачанинг қорни бўйлаб чизгилар битилган. Ча- маси у кейинчалик ўткир тигли нарса билан тирнаб чизилган. Археологлар аввалига ушбу чизгиларни сұғд хати бўлса керак, деб тахмин қилган эдилар. Лекин бизнинг қузатувимизча, ушбу тартибсиз чизгилар ташқи кўринишдан сұғд хатини эмас, кўк турк ёзувини эслатади. Ивриқ сиртидаги чизгиларда бир-биридан ажратиб ёзилган тўрт белгини кўриш мумкин: уларнинг учтаси ёнма-ён, тўртинчи чизги булардан ҳоли-бир оз жой қолдириб чизилган. Ҳарф деб тахмин этилаётган мазкур белгилар бир-бирига тенг эмас, анча беўхшов. Улар ўнгдан сўлга қараб қуйидаги тартибда: Уни *сингар* деб ўқиш мумкин. Бу сўз қадимги туркий тилда «яrim» маъносини англатган (ДТС, 504). Чамаси, ивриқ суюқликни ўлчаш учун мўлжалланган. Унинг сифими муайян ўлчовнинг ярмини ташкил этган. Устидаги ёзуви эса ана шунга ишорадир.

Ўзбекистон ҳудудидан топилган кўк турк ёзувли битиглар комплекси, асосан эпиграфик матнлардан иборат. Уларнинг кўпи сопол буюмларга битилган. Терига ёзилгани айнан бу ҳудуддан бўлмасада, унга яқин ердаги Муғқалъя вайронасидан сүғд ёдгорликлари билан бирга чикқан. Мазкур ҳудуд ёдгорликлари орасида узукка туширилган, қояга битилгани ҳам бор. Чунончи, бронза узукка туширилган тўрт белгидан иборат битиг Қарамозор тогидаги Муғхонадан топилган. Тошдаги кўк турк битиги эса Саритош қишлоғидан Иркештомга борадиган йўл ёқасида Бундан ташқари, Фарғона шаҳри яқинидаги қадими Ўшхона қалъя харобаси, Қувадан топилган сопол парчасидаги туркий битик, Муғ қалъасидан топилган теридаги туркий битик, ҳам тартибли битилган. Кўшни Боткентдан топилган Қорабулоқ қишлоғидан топилган кўза парчасидаги туркийча битик ҳам шулар жумласидан.

Бу фактлар илк ўрта аср давлатлари, хусусан, Суғдда суғдча билан бир қаторда туркий тилга ҳам алоҳида эътибор қаратилгани, мазкур давлатларда амал қилган икки тиллилик (масалан, сүғд ва турк қўштиллилиги ёки унга қўшни муҳитда қадимги хоразмча билан туркий), Ўрта Осиё халқларининг маданий, сиёсий-ижтимоий муносабатларини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон заминидан топилган битиглар кўк турк ёзувининг тарихи, келиб чиқиши ҳақида янги фикр уйғотиши ҳам та- бий. Аёнки, кўк турк алифбоси бир йўла яратилган эмас. Мазкур ёзув тарихан Урхун-Енисей томондан Ғарбга эмас, Марказий Осиёдан Шарқ томон силжиган кўринади. Унинг асослари, чамаси, Марказий Осиёда шаклланиб, сўнг бошқа турк ўлкалари- Олтой, Урхун водийлари томон тармоқ отган бўлса эҳтимол. Мавжуд топилмалар ана шундан белги бериб турибди.

### **Қадимги хоразмий ёзув аждодларимиз тафаккурининг ноёб ҳазинаси**

Қадимги Хоразм воҳаси Марказий Осиё минтақасида цивилизацион жараёнларнинг ўзига хос ўчоқларидан бири бўлган. Олиб борилган қўп йиллик археологик тадқиқотлар буни яққол исботлади. Амударё ва Сирдарёning дельталари бўйлаб юксак ўтрок дехқончилик, шаҳарсозлик ва шаҳарчилик ижтимоий муносабатлари мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмидаёқ юксак даражада шаклланган эди. Бу ўринда Сувёрган, Амиробод ва Тозабоғёб тарихий-маданий босқичларининг бевосита давомига Хуросондан Жанубий Хоразм орқали келиб қўшилган хорасмийлар миграциясининг пассионар таъсирини алоҳида қайд этиш лозим. Зоро, мил.авв. II минг йиллик охири – I минг йилликнинг 1-чораги давомида Хоразм воҳасининг тарихий тақдирида катта роль ўйнаган, воҳа номининг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлган ушбу ҳодисани чуқур таҳлил этиб, илмий асосланган холосалар ҳалигача чиқарилган эмас. Бу

масалада илмий далил ва исботли гаплардан кўра кўпроқ, И. Маркварт томонидан юонон манбаларидаги “хорасмийлар Парфия билан Марғиёна орасида яшаганлар” деган хабардан келиб чиқиб, киритилган “Катта Хоразм” шартли тушунчасига шунчаки юзаки ёдошиш ва бу орқали Хоразм етакчилигига қандайдир улкан, хатто, Кангҳани (Кангюйни) ҳам бирлаштирган (С.П. Толстов ва унинг издошлари), жанубда Элбрус, Паропамис, Сафедкўх тоғлари ва Хурросонгача тулаш конфедерация бўлганлиги ҳақидаги даъволар бот-бот учраб туради. Ўз навбатида бу масала маҳсус тадқиқотларни талаб қиласи. Айниқса, ҳозирги Хоразм олимчилик анъанасига оид кўплаб илмий-оммабоп нашрларда “Катта Хоразм” тушунчаси маҳаллий ғурур манбаи сифатида кенг тарқалиб кетган. Бу масалага муайян ойдинлик киритиш йўлидаги илмий фикрлар ҳам эътиборга лойиқ. Хоразм воҳасидаги цивилизациянинг тарихий моҳияти, вужудга келиши ва ривожининг бош омили буюк Амударё билан боғлиқ экани Абу Райҳон Беруний томонидан қайд этилган. Бунда Сирдарёниг ҳам ролини албатта эътироф этиш керак. Чунки миллион йиллар давомида бу икки дарёning бир- бири билан тулаш тармоқлари бўлган ва қуи оқимларида пайдо бўлган юксак маданият ўчогида ҳар икковининг ҳам ҳиссаси тенг бўлган, десак хато бўлмайди. Икки буюк дарёning, айниқса, Амударё ўзанларининг бекарорлиги воҳада сугорма дехқончиликни ташкил қилишда жиддий қийинчиликларни юзага келтираси эди. Шу сабабли сув таъминоти масаласида воҳа аҳолисининг ижтимоий ўюшқоқлиги ва бунинг маъмурий бошқарувда алоҳида эътиборда тутилгани диққатга лойиқ. Бундан муҳим хулоса томон бир қадам қолади. Яъни, Хоразм воҳасида давлатчилик, бошқарув функцияларининг турли механизмлари анча барвақт пайдо бўлган.

Ўзбекистон халқларининг энг қадими ёзма маданияти тарихининг ёши 2700 йил атрофида. Мил. авв. VI-IV асрлардан ватанимиз ҳудудида оромий ёзуви тарқалган. Шу ёзув асосида қадимги хоразмий, Авеста, қадимги бохтарий, қадимги сұғд ёзувлари шаклланган. Оромий графикаси асосидаги мустақил хоразмий ёзуви шаклланишининг бошланғич даври мил. авв. IV аср охири- III аср бошларига тўғри келади. Хоразмий ёзув ёдгорликларининг муҳим жиҳати шундаки, улар археологлар томонидан Қадимги Хоразм ҳудудидан топилган. 1938 йилда С.П.Толстов Хоразм тангаларини ўрганиш асосида биринчи марта хоразмий ёзув алифбосини тиклашга уриниб кўрган. Тупроққалъа сарой ҳужжатлари – Элликқалъа туманидан 1938-1949 йилларда академик С.П.Толстов томонидан олиб борилган қазиши машиналари натижасида топиб ўрганилган. Тупроққалъа сарой битиклари милодий I-IV асрларга оид бўлиб, жами 166 тани ташкил этади, шулардан 30 таси яхши сақланган. Буларнинг 18 таси ёғоччўпхатга, 122 таси чармга, қолгани сопол парчаларида ёзилган. Ҳужжатлар қадимги хоразмий ёзувида бўлиб, уларнинг 31 тасини С.П.Толстов, профессор

В.А.Ливиццлар ўқиб ўрганган. Битикларнинг чармга ёзилганлари олди-берди, хатчўпга ёзилганлари ҳисобга олиш, уй, оила бошлиғи, хотини, фарзандлари ва қариндошлари реестри кабилардан иборат.

Маъумки, ижтимоий, сиёсий бошқарув, бошқача айтсак, давлатчиликнинг асосий функцияларидан бири ҳуқуқий ва меъёрий муносабатлардир. Буни эса ёзувсиз тасаввур этиш қийин. Шу муносабат билан Хоразм тарихига назар солсак, бу воҳада ёзув яратишга илк қадам сифатида С.П.Толстов “Қадимги Хоразм” асарида келтирган, лекин ўқилиши ҳақида фикр айтилмаган битикларни эслаш ўринли. Масалан, Султон Вайс тоғининг ғарбий ёнбағри бўйлаб Амударёning қадимги ўзанларидан бирининг ёқасида жойлашган Чилпиқ номли ёдгорлик бор. 1940 йилда С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология ва этнография экспедицияси томонидан ўрганилган. Чилпиқ табиий чўққи устига доиравий тарх асосида пахсадан қурилган девор билан ўралган очиқ ҳволи. Унда яшаш учун мўлжалланган қурилмалар йўқ. Ёдгорлик саҳни ўртасида табиий қоя бўлиб, унинг сирти турли-туман ўйма ва чизма белгилар билан қопланган. Шу хусусияти туфайли Чилпиқ ҳақида зардуштийлик анъанасига кўра майитларни этдан поклаш учун очиқ ҳолда қўйиладиган даҳма деб таҳмин билдирилган. Қоя сиртидаги чизгилар бир қараашда бетартиб, тасодифий чизиқлар, уларнинг турлича комбинацияларига ўхшайди. Бироқ, диққат билан қаралса, уларни хилларга. Масалан X кўринишидаги белгидан тўрттасини санаш мумкин. Лекин уларнинг иккитаси тик, биттаси ёнбошга ётиқ, биттаси тик ва горизонтал чизик кесишибаси шаклида. Чилпиқ яқинидаги Қоратўба номли чўққида мазкур шакллр билан бир қаторда мураккаб чизмалар тўпи ҳам топилгпн. Бунда ромб, трапеция, ўткир қиррали бурчакчап томонга соат милининг 11 га тўғри келувчи параллел чизиқлар кетма-кетлиги, ўнг томонга соат милининг 1 рақами қиялигига ўтган икки чизиқнинг пастки учи бир-бирига тиркалган учбурчак ва ромб шаклларининг ичидан ўтган. Қуйироқдан кўндаланг тўлқинсимон қалин чизик ўтган. Ундан қуйироқда икки ватор катак, бирида катак сони ўнта, иккинчисида – ун битта. Катаклар қаторининг икки боши ўнг томонга қия икки чизик билан беркитилган. Чапдаги қия чизиқнинг пастки учи олдидан чап томонга P симон шакл уланган. Ундан ўнгроқда X симон белги. Бу чизгилар тўпи бизнингча рамзий маъно жамоаси туаржойининг шартли тасвири, деб қабул қилинса, чизик остида шу жамоа фойдаланадига ер майдони маъносига эга дейиш мумкин. Қоратўбада юқоридаги каби катакларнинг тўрт, беш қаторликлари ҳам борки, буни аниқ ўлчамли дехқончилик жамоа майдонига ёки уй хўжалик бирлигига ишорат дейиш мумкин. С.П.Толстов ушбу панжарасимон катакларни пиктографик белги, яъни “уй” деб таҳмин билдириган. Олимнинг фикрича, Қоратўба чизгиларидағи бир қатор белгиларни Хараппа маданияти даврига хосprotoхинд ёзуви белгилари билан қиёс қилиш мумкин. Бундан

ташқари С.П.Толстов Қоратұба қоятош чизгиларининг айрим аналогларини Олд Осиё, Ўрта шарқ(протоэлам), илк хетт иероглифлари, Узок Шарқда илк хитой ёзуви босқичларида ҳам учратиш мүмкін деб қайд этади. Қоратұба қоясидаги чизмалар орасыда ҳарфли ёзувга үхашаш еттита белги ажралиб туради. Буни Финикия(Канъон) ёзуввидан орамий ёзуви ажралиб чиққан дастлабки даврлардаги лапидар, яъни ҳарф бирликлари уланмайдиган эпиграфик битик деб ҳисоблаш мүмкін. Афтидан, бу ҳарфий белгилар чизмалар орасыда хронологик маънода умумий мажмуага нисбатан кейингироқ даврга хос. Бизнингча, бу ҳарфий белгилар қаторида орамий ҳарфлари тизимидағи гимал, йот, коф ёки ро, тау, нун кабиларни таниш мүмкін. Улар, бизнингча, муайян шартли белгилардир. Орада такрорланувчи белгилар ҳам учраши битикларни дастлабки ёзув деб ҳисоблашга асос бергандек туюлади. Қолаверса, ушбу битик белгиларининг айримлари Қозоғистоннинг Алмати шаҳри яқинида очилган, “Иссик” деб ном берилған құрғон типидаги қабрдан топилған күмуш идиш сиртидаги битик белгиларига үхашаш чизгиларга ҳам эга. Хоразмда ёзувнинг алифбели ҳарф-товуш, фонетик босқичи мил. авв. IV-III асрлардан бошланған. Ойбуйирқала номли археологик ёдгорликдан топилған сопол парчасидаги ёзув ҳозирча хоразмий алифбели ёзувнинг энг қадимги намунаси деб ҳисобланади. Фонетик ёзув босқичига кириш аввалғи ёзув яратышға қаратылған уринишларға чек қўйиб, мазкур илк босқичнинг ёзув чизмалари унутилишига олиб келган. Чунки янги алифбе, ҳар бир ҳарф муайян бир нутқ товушига тўғри келишига асосланған эди. Бинобарин, ёзув инсон нутқининг энг биринчи унсурини, яъни нутқ товушини тушуниш каби мұхим эмпирик ва назарий хулоسага таянған буюк қашфиётдир. Бевосита Хоразм воҳаси ҳудудларидан Қўйқирилған қала, Қалали қир 2, Говур қала 3, Бурли қала, Хумбуз тепа, Якка Порсон, Миздаҳкан каби археологик ёдгорликларни қазиб ўрганиш давомида топилған хоразмий ёзувнингкўплаб ёдғоликлари бу воҳанинг қадимий ёзув маданияти ҳақида аниқ тасаввур беради. Араб истилосигача ёзув маданияти соҳасида эришилған юксак даражада ҳақида, араблар томонидан унинг йўқ қилингани ҳақида Абу Райҳон Беруний ачиниш билан бундай сўзларни ёзиб қолдирган: “Қутайба хразмликларнинг ёзувини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганған, билимини ўзгаларга ўргата оладиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилған эди. Шу сабабли ... ҳақиқат билиб бўлмас даражада яширин қолди”. Шу фикрнинг давомида Беруний яна бундай деб ёзади: “Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолдилар. Ўз эҳтиёжларида хотира қувватига суюнадиган бўлдилар...”. Чиндан ҳам қадимги хоразмий ёзувида бутун ҳолда этиб келган бирорта китобат ёдгорлиги йўқ. Маълум ёдгорликлар эса, ёғоч тахтачалар, таёқчалар, тери, сопол буюмлар ёки

уларнинг синиқ парчалари, майитларнинг этдан тозаланган устихонлари солиб қўйиладиган астодонлар сиртига битилган эпиграфик битиклар, қадимий иморатларнинг деворларида сақланган ёзувлардан иборат. Хоразмий ёзувнинг қадимий тангаларда етиб келган шакли палеографик маънода маҳсус тадқиқот обьекти бўлмоғи лозим. Чунки бу ёзувлар танга матрицаларига қўзгудаги акс усули билан ўйиб туширилган. Натижада ҳарф белгиларининг шакли қўлёзма ёки эпиграфик чизгилардан фарқли кўриниш касб этади. Бу ёзувларнинг ахборий аҳамияти ҳам катта. Улардаги сулолавий сиёсий маълумотлар, ономастик хабарлар тарих учун муҳимдир. Миздаҳкан, Тўққала каби ёдгрликлардан топилгпи қўплаб астодонларнинг сиртларида хоразмий ёзувининг ўзига хос эпитафий битиклари етиб келган. Уларда асосан антропонимларни ўқиш мумкин. Ёзувнинг хусусияти архаик. Хусусан, Тупроққала ҳужжатларидаги қаби равон хат усулида эмас. Миздаҳкан астодонларидаги ёзув нисбатан равон ва югурук туслики, бу мажму Тўққаладан хронологик жиҳатдан ёшроқ деб баҳоланиши мумкин. Хоразмий ёзув ёдгорликларининг энг йирик гурӯҳи Тупроққала архиви номи билан машхур. Архив таркибидан 8 та чармга битилган ҳужжат парчалари сақлаган. Булардан ташқари бир қанча чарм юзасидаги ҳужжатлар ўрамлар шаклида хумда сақланган экан. Хум эса иморат вайрон бўлган пайтда тупроқ билан тўлган. Ўрамлар орасига кирган тупроқ намлиқ таъсирида лойга айланган. Чарм эса чирий бошлаган. Унинг юзасидаги ёзув излари лой қабати юзасига сингиган ҳолда сақланган. Тупроққала қазишмалари давомида шартли равища 90-рақам билан белгиланган хонада шу қаби ёзув акси сингиб қолган кесак бўлакларидан 18 таси, 93-хона харобалридан 17 та ёзув қолдиқлари сингиб қолган кесак парчалари топилган. Бу қаби йирик парчалардан ташқари мингга яқин майда кесак парчаларида битта-иккита, баъзан учта ҳарф қолдиги сақланган ҳоллар ҳам бор. Уларни қўзгу орқали ўнглаб ўқишига ҳаракат қилинган. Кесак парчалари юзасидаги ушбу ёзувлар шартли равища “Г”(яъни, глина “лой”) туркуми деб белгиланган. Кесак парчаларидаги ёзувлардан маъно боғликлигидаги парчаларни бир-бири билан боғлаб йиғиш мураккаб ва, умуман археология ҳамда палеография тарихида илгари учрамаган ноёб операцияга айланган. Бунинг уситига, кесак парчаларида ёзув икки ёқлама бўлиб чиққанки, бу чириб битган чарм ўрамининг бир-бири билан боғлиқ бўлмаган сатрларини акс эттирган. Натижада ёзув қолдиги ўқилган тақдирда ҳам ҳужжат мазмунини тиклашда мураккаблик мақланаверади. Шу сабабли лой(кесак) парчаларидаги ёзув қолдиқлари асосида тугал маъноли ҳужжат матнларини тиклаш деярли мумкин бўлмади. Шу сабабли лой(кесак) парчаларида излари қолган чарм ҳужжатлар сони аслида қанча бўлганини аниқ айтиш қийин. Юқорида қайд этилган 8 дона чарм юзасидаги ҳужжат парчалари матни нисбатан сақланиб қолгани туфайли қимматли ёдгорлик сифатида алоҳида ўрганилган[19]. Чарм

парчаларидаги ҳужжатлар шартли равища К ҳарфи билан К-1, К-2, К-3...К-8 деб белгиланган. Улардаги ёзувларни илк бора ўқишига С.П.Толстов ҳаракат қилган. Дастреб ўқилган сўзлардан бири BŠNT бўлиб, бу орамийча гетерограмма деб топилган. Яъни “йил”, фалон йили деган маънони билдириб, муҳим бир йўлни очиб берган. BŠNT сўзи чармдаги ҳужжатларнинг санаси ҳақида маълумотдастагини тадқиқотчи қўлига тутқазгандек бўлган. Шу каби BŠNT сўзи билан бошланувчи ҳужжатларда рақам билан кўрсатилган саналардан 188, 204, 207 ёки 209, 223, 231, 252 каби йиллар Қадимда Хоразмда амал қилган маҳаллий йил ҳисобига, яъни хоразм эрасига тегишли саналар бўлиб чиқди. В.А.Лившицнинг фикрича, Хоразм эрасининг биринчи йили ҳозирги амалдаги милодий эранинг 10-30 йиллари орасдаги бир йилдан бошланган. Шундан келиб чиқиб чарм парчаларидаги хоразмий ҳужжатларнинг санаси милодий III асрта тўғри келади.

Чарм парчаларидаги ҳужжатлардан К-1 айрим шахслар томонидан давлат омборхонасига топширилган маҳсулотлар рўйхати деб тушунилган. Ҳужжатнинг сақланиш ҳолати ўта nocturne. Мсалан, 1-қаторда MN “дан” сўзи, 2-қаторда X III SMYD’ “ун”, 3-қаторда яна MN ... br[... “дан ...келтирди” ва ҳоказо. Кейинги қаторларда шу каби “Фалон куни, фалонча шунча миқдорда ун келтирди” каби маълумотлар жами бўлиб 20 қатордан жой олган. Парчадаги SMYD сўзи Парфиянинг Ниса харобаларидан топилган архив ҳужжатларида ҳам орамийча “ун” маъносига учраган. Бу ҳужжатда Кундака, Марғва, Абғупарн, Нерса, Рихимак ва бошқа бир қанча шахс исмлари қайд этилган. Булар тарихий ономастика, хусусан антропонимика учун қизиқарли манба бўлиши мумкин.

К-2 рақамили ҳужжатнинг бошланишидан 4 қатори сақланган. Undagi тарихий сана 231 йил деб кўрсатилган. “231 йилда Друк Парғартав (ўғли)га Шираптавдан 10 (дона) ғилдирак(?) [етказиб берилди]. Бу каби талқин бир қатор таҳминга асосланган. Чунки Друк сўзи ававестада “ёғоч, дараҳт” маъносига эга. Шахснинг исми балки лақаб исмдир? Ғилдирак масаласи Хоразм учун тасодифий эмас. Маълумки, ҳозирга қадар, Хоразм гужум, қайрағоч дараҳти билан машҳур. Бу дараҳт қаттиқ ва чидамли ёғоч беради. Айни шу дараҳт ёғочидан арава ва унинг ғилдиракларини и ясаш қадимдан хоразм учун анъана ҳисбланади. Шу туфайли ғилдирак ясовчи устага солиқ ҳисбидан давлатга ғилдирак ятпшириш мажбурияти юкланган бўлса керак. Чармдаги ҳужжатларда турли маҳсулотлар қаторида ёғ, май, сопол буюмлар кабилар қайд этилган. Пармтар атамаси назоратчи, хўжалик бошлиғи маъносини билдирган. Бу атама суғд ҳужжатларида прамандар шаклида учрайди. Ёғоч таҳтачалар, таёқчаларга ёзилган ҳужжатларнинг аксарияти оиласвий рўйхатлар. Уларда қадимги Хоразмнинг ижтимоий ҳолатига бевосита даҳлдор маълумотлар акс этган. Орамийча ‘BD “кул”, BYT “уй, хонадон”, ‘NTTYH “хотин” , BRY “ўғил”,

BRTYH “қиз” ва бошқалар рўйхатларда уларга тегишли қулларнинг номлари билан бирга берилган. Рўйхатларда ‘ғд атамаси рўйхатга биринчи бора киритилган оила аъзоси маъносида ишлатилган. Демак, ёғоч ва тахтачалардаги рўйхатлар аҳолининг йиллик рўйхатлари бўлиб, ижтимоий меҳнат мажбуриятларини ташкил қилишда муҳим роль ўйнаган. Ночор аҳволда етиб келганига қарамай, хоразмий ёзув ёдгорликлари XX асрнинг қарийб 70 йили давомида ва XXI асрнинг бугунги кунигача тадқиқотчилар диққатини тортиб келмоқда. Ўнлаб Европа ва Россия олимлари хоразмий ёзув ёдгорликларининг тили, палеографик хусусиятлари, лексикаси, тарихий манба сифатидаги аҳамияти каби масалалар билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борганлар Толстов С.П., Лившиц В.А., Хенning В.Б., МакКензи Д., Исхаков М.М:

Хоразмий ёзуви тарихини пиктографик илк даврдан ташқари икки босқичга бўлиб қарашиб лозим. Биринчи босқич мил. авв. IV-II асрлардан мил. VIII-IX аср бошларигача илк хоразмий алифбели ёзув босқичидир. Иккинчи босқич IX-X аср дан XIV аср бошларигача даврни ўз ичига олган араб алифбеси графикасидан ўзлаштирилган ёзувдир. Хоразмий ҳарф-тovуш ёзув белгиларининг биринчи босқичи генетик жиҳатдан орамий ёзуви заминида пайдо бўлган. Унинг алифбеси орамий прототип алифбедаги каби 22 ҳарф асосига қурилган. Лекин орамий алифбесининг цадде ҳарфи хоразмий алифбесида йўқ. Орамийча ‘айн, қоф, тет(итқи) ҳарфлари хоразмий матнларида фақат орамийча сўз сигнал вазифасини ўтовчи гетерограммаларда ишлатилган. Матнни ўқишида бу каби гетерограммалар хоразмий тилдги сўз билан алмаштириб ўқилган. Ҳарфлар асосан ундош товушларни ифодалаш учун хизмат қилган. Қисқа унлилар ёзувда ифодаланмаган. Чўзиқ унлилар вов, йот, алиф ҳарфлари ёрдамида берилган. Шин ҳарфи икки вазифада, гоҳ ш учун, гоҳ ч учун ишлатилган. Бу амалда сўзнинг маъносига қараб аниқланган. Аҳмонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган қадимги Эрон салтанати (мил. авв. 559-330 йй.) Марказий Осиёнинг катта қисмини ўзига тобе қилган. Ўша даврда улкан салтанатнинг ёзувга бўлган эҳтиёжини Месопотамиядан ўзлаштирилган понасимон белгиларнинг турли комбинациялари шаклидаги, фақат хотирот(монументал) мақсаддаги битикларга хизмат қилган мураккаб ёзув билан қаноатлантириш қийин эди. Шу сабабли Эрон слтанатининг маъмурий иш бошқаруви сомий халқлардан бўлмиш орамийларнинг 22 ҳарфдан иборат ёзувини расмий ёзув сифатида жорий этиш йўлидан борди. Қолаверса, орамий халқи ҳам Куруш(Кир) ва Камбужя(Камбиз) подшолик қилган даврда Эронга тобе қилинган эди. Давлат маҳкамаларида дастлаб барча ҳужжатчилик ишлари орамий котиблари томонидан орамий тилида олиб борилган. Тузилган ҳужжатлар Эрон маъмурларига оғзаки таржима орқали тасдиқлаттирилган. Бу каби иш усули Эрон салтанатининг барча сатрапликларида амал қилган. Вақт

үтгани сари орамий хаттолар камайиб, уларнинг ўрнини маҳаллий котиблар эгаллай бошлаган. Уларнинг аксарияти энди орамий тилини билмайдиганлар эди. Натижада маҳаллий котиблар орамий ёзуви ҳарфлари билан ўз тилларида ҳужжат тузиш амалиётини йўлга қўя бошлаганлар. Шу йўл билан Марказий Осиёда парфиёний, хоразмий, сұғдий, бохтарий, ўрта форс – паҳлавий, кейинроқ эса монийвий, сурёний, қхароштхи ёзувлари пайдо бўлган. Сұғдий ёзувнинг югурик варианти асосида туркий(уйғур), мўғул ва бошқа ёзувлар яратилган. Ўрхун-Енисей, яъни қадимги туркий ёзув алифбесининг ҳам генезиси орамий ёзувига сұғдий, хоразмий, парфиёний ёзувлари тажрибалари орқали боғланиб кетган[Клосон, Лившиц, Исхаков]. XX асрнинг 30-йилларидан бошланган археологик ва этнографик тадқиқотлар қадимги хоразмий ёзувнинг қўплаб ёдгорликларини топиб, тадқиқотлар доирасига олиб кирган. Булардан ташқари Хоразм воҳасидан четда турли архелогик объектларда бир қатор кумуш ва бошқа металл буюмларда сақланган хоразмий ёзувнинг эпиграфик ёдгорликлари ҳам мавжуд ва улар илмий нашрлар орқали фанда маълум. Хоразмий алифбели ёзувнинг ҳарфлар қатори алиф, айн, бе, ғайн, дол, ҳо, вов, зайн, хет, тет, йой, коф, лом, мим, нун, син, пе, qof, реш, шин, тау лардан иборат. Булардан айн ва қоф ҳарфлари хоразмий матнларида фақат орамийча идеограммаларда ишлатилган Ҳарфларнинг чизма шакллари, индивидуал хатнинг турли-туманлигидан қатъий назар, парфёний, сұғдий алифбе шаклларидан кўра мустақил ривожланган. Бунга Хоразм минтақасининг географик ўрни бошқа воҳалардан ажралиб тургани сабаб бўлса керак. Булардан ташқар хоразмий ёзуви унли товушларнинг чўзиқ ва қисқалик қарама-қаршилиги асосида a/ā, i/ī, ī/ē/e/ə, ő/ū, u/ӯ, чўзиқлари учун алеф, вав, уой ҳарфларидан фойдаланиш амалиётидан ҳам тўла хабардор. Масаланинг бу томони қадимги хоразмий ёзув амалиётининг чуқур анъанаси бўлгани ва орфографик меъёрларининг филологик замини яхши ривожланганидан далолатдир.

Катта Ойбуйиркалъя шаҳарчасидан (Шимолий Хоразм) топилган хумдаги ёзувни олимлар милоддан аввалги V-IV асрларга оид оромий ёзувига киритадилар. Бу Турон худудидаги оромий ёзувининг энг қадимги ёдгорлигидир. Тарихий манбаларнинг маълумотлари расмий оромий тили ва оромий идора ёзуви Хоразмнинг иш муомаласига милоддан аввалги V асрда кириб келганлиги ҳақида анча аниқлый билан гапириш имконини беради. Юонон қўшинларининг берган зарбалари остида қадимги Аҳамонийлар давлати қулагандан кейин (милоддан аввалги 330 йилда) ва империя тарқалиб кетгандан сўнг Хоразмда мустақил давлат ташкил топди. Оромий графикаси асосидаги мустақил хоразмий ёзуви шаклланишининг бошланич даври милоддан аввалги IV аср охири- III асрнинг бошларида Қадимги Хоразм давлатининг ташкил топиш даврига тўри келади. Умуман олганда мазкур ёзув тизимининг мавжуд

бўлиш ва ривожланиш даври камида ўн тўрт асрни (милодлдн аввалги IV асрдан милодий XI асригача) қамраб олади.

Хоразмий ёзуви ёдгорликларининг муҳим хусусияти шундан иборатки, уларнинг деярли ҳаммаси (айрим тангаларни эътиборга олмагандан) археологлар томонидан қадимги Хоразм ҳудудидан топилган. Йигирманчи асрнинг 30-60-йилларида Хоразмда иш олиб борган Хоразм археология-этнография экспедицияси хоразмий ёзувига оид кўпгина ёдгорликларни топган. Экспедиция раҳбари РФ Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси С.П.Толстов, Ўзбекистон фанлар академиясининг академиги Яҳё Ғуломов ва экспедициянинг бошқа иштирокчилари томонидан тери, ёғоч, сопол, оссуарийларга ёзилган ёзма манбаларни топиш, уларни ўқиши, маъносига тушуниб этиш ва изоҳлаш соҳасида жуда катта ишлар олиб борилган. 1938 йилда С.П.Толстов Хоразм тангаларини ўрганиш асосида биринчи марта Хоразм алифбесини қайта тиклашга уриниб қўрган. Хронологик принцисплардан келиб чиқиб, ҳозирги вақтда маълум бўлган хоразмий ёзувининг барча ёдгорликларини, шунингдек хоразм тили ёдгорликларини тўртта муҳим мажмуага бўлиш мумкин. Милоддан аввалги IV-III асрларга оид сопол идишлардаги қисқа ёзувларда одатда фақат Хоразм атоқли отлари ёки воқеотлари ифодаланадики, бу матнлар деярли бир хил ёзувда битилган оромий матнларими ёки хоразмий матнларими эканлигини ҳал қилиш имконини бермайди. Милоддан аввалги IV-III асрларга оид энг қадимги ёдгорликлар мажмуини эса аниқ хоразмий тилида битилган ёзувлар ташкил этади. Бу ёзув Қўйқирилганқалъа шаҳарчасидан топилган хумдаги ёзув бўлиб, фақат битта сўз -aspabarak чавандоз деган сўздан иборат эди. Проф.С.П.Толстов томонидан милоддан аввалги IV-III асрлар санаси қўйилган ва ўзига хос белгиларига эга бўлган мазкур ёзув археологик ва палеографик маълумотларга кўра энг қадимги хоразм ёзуви ёдгорлиги ва Марказий Осиё шарқий эрон гуруҳи тилларидан бирида ёзилган гетерографик ёзув тизимларининг энг қадимги ёдгорлиги ҳисобланади. «Ўн уч мари» (мари -ҳажм ўлчови) ёзуви ҳам милоддан аввалги IV-III асрларга оид бўлиб, ҳали пиширилмаган идиш сиртига ёзилган, шунингдек хом гиштга ёзилган «Нам» ёзуви ҳам шу даврга тааллуқлидир.

Милоддан аввалги I минг йилликнинг сўнгти асрларига ва милодий дастлабки асрларига тааллуқли қўплаб қадимги афригидлрлгача бўлган хоразм тангалари курсив -олди босқич хоразм ёзувида битилган ёзувларни ҳам ўз ичига олган. Булар Артаух, Вазамар, Санабар ва бошқа шохлар томонидан чиқарилган тангалар эди. Ёзув ёдгорликларининг иккинчи мажмуасини милодий II-III асрларига оид хоразм маъмурий-хўжалик ёзувига хос ёзма ёдгорликлар ташкил этади, уларни 1948-1949 йилларда археологлар Тупроққалъа шаҳарчасини қазиш чоида топган эдилар. Бу эрда тахта лавҳачаларга 18 та хужжат, терига ёзилган 8 та йирик матн парчалари, шунингдек чириб кетган тери ўрамларидаги

матнларнинг излари бўлган 114 та парча бўлиб, улар бир вақтлар мазкур ўрамларни қоплаган ва улар оралиида иккиламчи лой қаватлари ҳосил қилган лой туфайли бизга қадар этиб келган бўлиб, уларда матннинг бир неча ёрқин излари сақланиб қолган эди. Қадимги Марказий Осиё ёзув тизимлари палеографиясини тадқиқ қилган М.М.Исҳоқовнинг қайд қилишича, Тупроқ-қалъадан топилган ёзув ёдгорликларида «курсивлик (ёзма ҳарфларга ўхшашлик) даражаси анча юқори» бўлган. «Тупроқ-қалъадан топилган ҳужжатларга қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, -деб таъкидлайди М.М.Исҳоқов, -хоразм ёзуви милодий III асрга келиб ўзининг курсивлик босқичига этган ва график томондан «имперча оромий ёзувидаги белгилардан кўп жиҳатдан узоқлашган...» Хоразмий ёзуви ёдгорликларининг учинчи мажмуи унинг ривожланишидаги анча кейинги даврни, ёзув графикаси эркин ривожланган курсив босқичига ўтган даврни акс эттиради ва VI-VIII асрлардаги хоразм ёзуви ёдгорликларини қамраб олади. У VI-VIII асрлардаги кумуш қадаҳлардаги ёзувлардан Тўққалъа қабристонидан топилган оссуарийлардаги ёзувлардан, Гиёвур қалъадаги (Миздахкон) ёзувлардан ташкил топган. Кейинги ёзувлар VI-VIII асрларга оидdir, ўтган асрнинг 60-йилларнинг бошларида қабристонларда ўтказилган дастлабки қазиш ишлари натижасида 100 дан ортиқ ёзувлар топилган бўлиб, улар орасида бутунлигича сақланиб қолган бир қатор матнлар хам бор эди. Ёзувларни ўқиш фанга Хоразмдаги мусулмон давридан олдинги замон ва зардуштийлик дини, жамиятнинг тузилиши, оиласалар таркиби ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тарихи тўтрисидаги оят қимматли манба бўлиб, бетакрор илмий материал берди, Хоразмнинг ўзига хос йил ҳисоби - Хоразм тақвими, хоразм тили лексикаси ҳақидаги маълумотларни жиддий равища тўлдирди. Қадимги Хоразм ҳудудида ўтказилган шундан кейинги археологик қидирув ишлари, шак - шубҳасиз, янгидан - янги тарихий материалларни беради, хоразм ёзувининг ривожланиши босқичлари ҳақидаги тассавуримизни янада бойитади. Тадқиқотчилар А.В.Гудкова ва В.А.Лившицнинг ёзишларича, «Тўққалъадаги кўмиш камераларида, чамаси, бутун бир «кутубхона» жойлашган бўлиб, у ўзининг тузилиши, мазмuni ва Ўрта Осиё халқлари маданияти тарихида тутган аҳамиятига кўра бутунлай ноёбdir».

Қадимги Хоразмнинг Тупроқ-қалъа сарой ҳужжатлари-Эллик-қалъа туманидан 1938-1949 йилларда академик С.П.Толстов томонидан олиб борилган қазишима ишлари натижасида топиб ўрганилган. Тупроқ-қалъа сарой битиклари милодий I-IV асрларга оид бўлиб, жами 166 тани ташкил этади, шулардан 30 таси яхши сақланган. Буларнинг 18 таси ёғоч тахтача ва таёқча-чўпхатга битилган. 1947 йилда ёғоч тахтачага ёзилган 1 та, 1948 йилда 7 та ёғоч ва 1949 йилда 6 та ёғоч тахтачага ёзилган қадимги хоразмий ёзув намунлари топилган. Ушбу ҳужжатлар ҳозирда Россия Фанлар Академияси тасарруфидаги Шарқ

қўлёзмалари институти фондида сақланмоқда. Тупроққалъа саройи хужжатларининг ёғоч тахтачалар ва чўпхатларида олди-берди, молиявий ҳисоб-китоб, ҳисобга олишга доир маълумотлар проф. В.А.Лившиц томонидан ўқилган.

Ёзув ёдгорликлари тўртинчи мажмуининг қолган барча ёдгорликлардан фарқи шундаки, унга XI-XIV асрларда яшаб ўтган муаллифларнинг араб ёзуvida битилган асарлари киритилган, уларнинг матнига араб графикасида ёзилган хоразмча шарҳлар ҳам илова қилинган. Бу босқич хоразм тилининг секин -аста барҳам топиб бориши натижасида тарихан узилиб қолган. Буюк қомусий олим, келиб чиқиши жиҳатидан хоразмлик бўлган Абу Райхон Беруний (973-1048)нинг эътироф қилишича, хоразм тили унинг учун «она тили» бўлган. У ўзининг «Осор ул-боқия» (Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар ёки, Хронология) асарининг бобларидан бирини хоразмликларнинг байрамлари ва тақвимини тасвирлашга башшлаб, унда хафта қунларининг, ойлар, юлдузлар туркуми, байрамларнинг хоразмча номларини келтириб ўтарди. V-VIII асрлардаги. араб муаллифлари Мақдисий, Ибн Фадлан, Истахрий, Муқаддасий, ас-Саолибий, Ёкут Ҳамавий-нинг жуғрофия, филология ва тарихга оид асарларида, Абул Фазл Байҳақийнинг «Тарихи Масъудий» асари ва бошқаларда ўнлаб хоразмча сўзлар учрайди. Хоразмлик аз-Замахшарий XIII асрда яратган арабча - форсча лугат «Муқаддимат ал-адаб» («Яхши хулқларга кириш»)да 40 га яқин хоразмча сўзлар (13 ибора) учрайди. XII асрнинг биринчи ярмига мансуб бўлган араб тилида ёзилган фикҳга доир хоразм тилидаги бир қанча юридик формулалар таржимасиз шундоқ келтириб ўтилган. Лекин энг кўп хоразмча шарҳлар - қарийб икки ярим мингта хоразмча айрим сўз, ибора ва ҳатто бутун-бутун диалоглар XII асрда Хоразмда яшаган қонуншунос Мухтор аз-Зоҳидийнинг «Кунъат ал-муниъат...» («Исталган нарсага эга бўлиш...») китобида мавжуддир. XIV асрда қайта кўчирилган бу асар қўлёзмасини 1936 йилда Собиқ Иттифоқ ФА Шарқшунослик институти қўлга киритган эди. Бу қўлёзма асар араб тилида ёзилган бўлиб, форс тилига ўгирилган ва унинг асосий матнига хоразмча иборалар ҳам киритилган. Китобнинг боблари никоҳдан ўтиш ва уни бекор қилишга, қасамёдга, хулқ-атвор ва тақво қоидаларига бағишлиланган. Қўлёзмага Жалол ал-Имодийнинг асари (асосан лугат ва шарҳлар) битилган дафтар илова қилинган эди. Асар «Кунъат ал-муниъат» китобида хоразмча келтирилган сўзларни тушунириш» деб аталарди. Лугат муаллифи бундай ёзади: «Бу хоразмча иборалар мазкур тилга мансуб бўлмаганлар учун тушунарсиздир ва қийинлик қиласи, ва уларни таржима қилиб беришга эҳтиёж сезилади... Муаллиф ўзи учун ноаниқ туюлган сўзларни бу тилни яхши биладиган кишилардан сўраб билиб олмагунча уларнинг таржимасини ёзмаган. Бу тилнинг нозик томонларини ва хусусиятларини яхши биладиган кишиларга мурожат қилиб, қандай маъно сўзининг ҳақиқий маъносини

англатишини билиб олгандан кейингина уни ўз асарига киритган». Ушбу лугат муаллифини 1335 йилда Урганчда араб сайёхи Ибн Батутта кўриб қолади. «Кунъат ал-мунъат» китобида мавжуд бўлган ҳар бир хоразмча сўзнинг батафсил шархланиши ва тушунтирилишига, сўз ва ибораларнинг, никоҳ, ажралиш, қасамёд шакллари, хоразмча ўзига хос ахлоқий ва маънавий тушунчаларнинг таржимасига қараб, Жалол ал-Имодий Хоразм тарихини, хоразмча турмуш тарзининг нозик томонларини, Хоразм ижтимоий -маданий мухити ва хоразм тилини яхши билганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Араб ёзувида битилган хоразмийча матнлар эроншунос М.Н.Боголюбовнинг маҳсус ўрганиш обьекти бўлиб хизмат қилди, у мазкур матнларни алоҳида араб графикасидаги хоразмий ёзуви намунаси сифатида қараган. «Хоразм тилидаги араб-хоразмий алифбесида ёзилган талай материалларнинг имловий усуллари ўзининг бир хиллиги билан ажралиб туради, -деб таъкидлайди М.Н.Боголюбов. - Бу нарса шундай хулосага келишга имкон берадики, мазкур материаллар муайян имло тизимиға изчиллик билан амал қиласди, бу тизим хоразмликларда арабча алифбе ёзуви амалиёти жараёнида вужудга келган. Мазкур тизимнинг шартли томонлари бирмунча қийинчилик билан очиб берилади, чунки улар айни вақтнинг ўзида хоразм тилининг товуш таркиби тўрисидаги, бу тилдаги сўзлар, урулар ва иборалар фонетикаси ҳақидаги тасаввурларимизнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қиласди. Фонетик жиҳатлар хоразм тилида жуда муҳим рол ўйнаган. Хоразмийча матнлардаги ўзлаштирма сўзлар ёзилишининг ўзгариши ана шундан далолат беради. Хоразм имлосидаги ёзувнинг фонетик жиҳатлари тархий-морфологик принципдан устунлик қилган». Профессор А.А.Фрейман хоразмча тил материалини ўз ичига олган арб ёзуви манбалари асосида 1951 йилда Хоразм тили товуш таркиби ва морфологиясининг асосий хусусиятларини тиклашга биринчи марта уриниб кўрган. Ҳозирги вақтда хоразмий ёзувига оид кўплаб ёдгорликлар мавжуд бўлишига қарамасдан, хоразм тилининг фонетик ва грамматик тузилишига доир батафсил диахроник тавсиф мавжуд эмас. Олимларнинг бу масалага доир мулоҳазалари ҳам изчилликдан йироқ. Бироқ, В.Б.Хенning, Д.Н.Маккензи, В.А.Ливщицнинг асарларида Хоразм грамматикасининг асосий назарий масалалари амалий жиҳатдан ишлабчиқилгашгини қайд этиб ўтиш керак. Бу ҳол мазкур муаммонинг яқин келажакда ҳал этилишига умид тутдиради.

Ҳозирги вақтда у илк босқичдаги ёдгорликларнинг батафсил илмий обзорини тузиб чиқсан, хоразмий ёзувининг курсив босқичига доир материаллар тўплаш, уларни бир тизимга келтириш ва палеографик жиҳатдан тавсифлаш ишларини давом эттироқда.

## **Турон халқларининг қадимги сак (иссиқ) ёзуви, қадимги туркий-руний ёзувларининг ватани – Ўзбекистон**

Туркий-рун ёзувларига тегишли фикр-мулоҳазалар «Иссиқ ёзуви»дан олдинроқ, 1954 йилда француз археологи А.Марик томонидан бир идиш парчасида битилган ёзув асосида қилган тадқиқотидан бошланди. Бу битик илк бор «номаълум ёзув» номини олган. 1966 йилда Г.А.Пугаченкова ҳам Холчаёндан номаълум ёзув лавҳасини топади. Бу ёзув ҳам анча вақтгacha ўқилмай, номаълумлигича қолди. 1967 йилда франциялик геолог А.Бутнер Афғонистон ҳудудидаги (Қобулдан 70 километр шимолий-гарбда) Даشت Навур қоясига ўйиб битилган катта ҳажмдаги номаълум ёзув намунасини топган. 1969 йилда Ж.Фюсман бу битикни ўқишига киришади. Унинг фикрича, бу битик милодий биринчи асрга тегишли бўлиб, у уч тилда, яъни юхарошта, юононча графика асосидаги бақтарча ва номаълум тилда ёзилган эди. Бақтар ёзуви эса 279 йилда битилганлиги қўрсатилган экан. Санкт-петербурглик олим «номаълум ёзув» хақида фикр билдириб, уни милоддан аввалги В-ИВ асрларга хос бўлган «Иссиқ ёзуви»ни ўзида гавдалантиради, деб ҳисоблайди. Машҳур тилшунос олим Ж.Фюсман бу хат ўнгдан чап томонга қараб ёзилишини, Сурх-Котал ва Холчаён ёзувлари билан бир эканлигини исботлайди. 1972 йилда археолог К.Акишев машҳур «Иссиқ» қўргонидан топилган милоддан аввалги IV-III асрларга тегишли кумуш косага битилган ёзувни аниқлайди. Тилшунослар эса уни ҳам «номаълум ёзув» сирасига қўшадилар. Бу ёзувнинг битилган даври ва ўқилишида мутахассислар орасида ҳар хил фикрлар бўлса-да, «Иссиқ» қўргони тарихи милоддан аввалги III асрдан кам эмаслиги масаласида иккиланиш бўлмади. «Иссиқ ёзуви» “номаълум ёзув” тарқалган тарихий-маданий минтақалар географиясига ҳам аниқлик киритди. Бу ёзув намуналари жанубий Ўзбекистоннинг Хотинработ, Қоратепа, Фаёзтепа, Тўққизтепа, Кампиртепа, Шимолий Афғонистоннинг Ойхонум битик ёдгорликларида акс этган.

«Иссиқ ёзуви» («номаълум ёзув») ёдгорликларини академик Э.В.Ртвеладзе юечжи қабилалари билан боғлайди. В.А.Лившиц эса, сакларга тегишли, дейди. Шу билан бирга, «Иссиқ» ёзуви Кушон империяси ёзув тизимининг расмий шаклларидан бири, деган хulosага келади. Кейинги йилларда тадқиқотчилар бу ёзув энг қадимги туркий ёзув бўлиши керак, деган фаразларни ўртага ташлади. Масалан, А.С.Осмонжўлов «Иссиқ ёзуви” туркий ёзув эканлигига шубҳа қилмайди.

Э.В.Ртвеладзе «номаълум ёзув» тилини аниқлаш атрибутикасига тузатишлар киритади. Ҳар ҳолда «номаълум ёзув»нинг тарқалиш географияси ҳам унинг юечжи номли туркий қабилаларга мансублигига шубҳа уйғотмайди, дейди. Чунки юечжи қабилалари туркий бўлиб, аслида Марказий Осиёда

(Туркистон ва Қанғ, Даван давлатларида ҳам) яшаганлиги, уларнинг қариндошлари хуннларнинг сиқуви остида аввал Еттисувга, сўнг Бақтрияга келиб қолганлиги тарихий манбалардан маълум. Э.В.Ртвеладзенинг ёзишича, «номаълум ёзув»нинг асосий ватани Тоҳаристон бўлиб, давр жиҳатидан милоддан аввалги V-IV асрдан милодий VII-VIII асрларни қамраб олади.

Қадимги аждодларимиз саклар мил.авв. VII асрда Марказий Осиёда ўз давлат уюшмасига эга халқ бўлган. Улар ўз тили ва ёзувига бўлган. Бир қатор олимлар сакларни қадимги туркларнинг бир қисми бўлган деб ҳисоблайди. Сак тилидаги энг қадимги манба Олмаота атрофидаги Иссик қўргондан топилган кумуш идишдаги ёзувдир. У мил. авв. V асрга тегишли бўлиб, 1972 йилда археолог К.Акишев олиб борган археологик изланишлар натижасида топилган. Олимлар ушбу битикни қадимги туркий-рун ёзувига ўхшатиб, Марказий Осиё туркий-рун ёзуви деб қарашган. Илм-фанда “Иссик ёзув” ёки, “Иссик қўргони ёзув” номи билан машҳур ушбу “номаълум ёзув” ҳали мазмuni тўлиқ ўқилмаган. Битикни 28 та олим, қадимги 6 та тилда ўқиб кўришга ҳаракат қилган. Академик Э.Ртвеладзе иссиқ ёзувини юечжиларга (кушонлар) боғлади, В.А.Ливщиц эса саклар тегишли деб ҳисоблаган. Таниқли турколог А.С.Омонжалов эса, битикни қадимги туркий ёзув эканлигига шубҳа қилмайди. Олимлар иссиқ ёзувини 1966 йилда Г.А.Пугаченкова Холчаёндан топган (Денов тумани), 1967 йилда француз геологи А.Бутнер Дашиб Навурдан топган (Қобул атрофи) “номаълум ёзувлар”га алоқадор ҳисоблайди. Профессор М.М.Исҳақов иссиқ ёзувини мил. авв. I минг йилликда Марказий Осиёда яшаган прототуркийларнинг 26 белгилан иборат ноёб ёзуви деб ҳисоблайди. Сўнгти пайтда ушбу кумуш идиш сиртидаги ёзув қуидагича талқин этилди: “Қаҳрамон қиз, ўқ-ёйни қўйиб, кўчиб юрганимизни ёдга олганда ичинг” Qi'z-er, ićiq, oqu-sunugti cezib, / kocī aqsag.

### **Қадимги бохтариј (оромий бохтаријиси) ва юонон–бохтариј ёзуви Ўзбекистон халқларининг бой ёзув маданияти белгиси**

Қадимги Бақтрия тили, унга яқин бўлган шарқий эрон (Туронзамин) шевалари («Бақтрия гуруҳи»га кирувчи тиллар, хусусан бақтрия, тоҳар, эфталит, мунжан тиллари) қадимги замонлардан тортиб, то милодий VII асргача тарихий Бақтрия ҳудудида муомалада бўлиб келди. Бақтрия тили, чамаси, милоддан аввалги III-II асрлар чегарасида расмий тил мақомига эга бўла бошлаган ва табиий равишда (хоразмий ва парфия тиллари ва ёзуви билан содир бўлгани каби) идорадаги иш юритишда имперча оромий тилининг ўрнини эгаллаган. Археологлар оромий графикасидаги ёзувга эга бўлган уч тўлиқ сатр ва қўшимча («ёки анча илк, лекин ўчиб кетмаган матн»)ни ўз ичига олган Ойхоним

шаҳарчасидан (Шимолий Афғонистон) топилган сопол парчасини милоддан аввалги II асрнинг биринчи ярмига тааллукли деб ҳисоблайдилар. Француз археологи П.Бернар ва В.А.Лившицнинг фикрича, хўжалик мазмунидаги бу қиска матннинг тили «оромий тили эмас, балки кўпроқ бақтрия тили», Э.Ртвеладзе билан В.Лившицнинг таъкидлашича, «Ойхоним топилмаси шуни кўрсатадики, Юнон-Бақтрия подшолигида, чамаси, унинг бутун тарихи мобайнида юон тили билан бир қаторда оромий-бақтрия идораси ҳам амал қилиб келган ва у аввало маҳаллий ахолига хизмат қилган бўлса керак» .

Қадимги Жиатепа қишлоғи (Дилбержин яқинида, Афғонистон) ва Фаёзтепадаги буддавийлар ибодатхонаси (Термиз яқинида)ни қазиш чофида милодий I-III асрларга оид қатламлардан археолог Л.И.Албаум ёзувли яна иккита сопол парчасини топганки, уларни В.А.Лившиц «бақтрия оромий» тилига мансуб деб таърифлайди. Оромийчадан келиб чиқсан боҳтарий ёзувининг алифбе таркиби ва график шакллари хусусияти ҳақида фақат айрим тахминларгина айтиб ўтиш мумкин. Бу ёзув ёдгорликларининг кам сонли эканлиги, уларнинг мавжуд таркиби мазкур ёзувнинг ривожланиш жараёнини ўсиб боришда, шунингдек вужудга келган пайтдан бошлаб, йўқ бўлиб кетгунга қадар бўлган босиб ўтган йўлини тўлиқ тасаввур қилиш имконини бермайди. Бу ёзув тизимининг мавжуд бўлган даврини топилмалар асосида милодд, ан аввалги II асрдан милодий III асргача деб белгилаш мумкин.

Бақтрияда юононча- шарқча давлат бошқаруви шаклини ўрнатилди, бунинг натижаси ўлароқ давлат бошқаруви соҳасида юон ёзуви ва тили расмий тарзда жорий этилди. Ана шу даврдан бизгача кўп миқдордаги тангалар этиб келганки, уларда юон ёзувлари акс эттирилган ва турли буюмларда ёзувлар сақланиб қолган. Юон ёзуви ва тили расмий ёзув ва тил сифатида дастлабки Кушон подшолари Куджула Кадфиз ва Вима Кадфиз давридаги айрим тангаларда фойдаланилган. Бу подшоларнинг бошқа мамлакатлар билан алоқаларида хинд ёзуви ва тилидан ҳам фойдаланилган, Куджула Кадфиз тангаларининг тузилиши юон, хинд-сак ва рим тангаларига тақлид сифатида белгиланган. Уларда акс эттирилган ёзувлар кўпинча икки тилда-хинд ва юон тилларида бўлган. Б.Я.Ставискийнинг изоҳлашича, бу «Кушон империясини жаҳон миқёсида қарор топтиришга уринишдан гувоҳликдир..» Бундан ташқари, шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, дастлабки кушон подшолари эллинлар билан алоқаларни ўз ҳокимиятининг таянчи деб билган ва Ҳиндикушдан жанубгача чўзилиб кетган забт этилган эрларни сақлаб қолиш воситаси ҳисоблаб, ички ва ташқи сиёсий йўлда шунга амал қилган. Бироқ ҳокимият тепасига подшо Канишка келган вақтдан буён (милодий 78 йили) Кушонлар Бақтриясидаги ички ва ташқи вазият кескин ўзгарди. Кушон давлатининг таъсири Марказий ва Шарқий Туркистонга, Шимолий ва Шимоли -арбий Ҳиндиқонга ҳам ёйилди. Ўша вақтта келиб Рим

империясининг Шарқда Аршакидлрнинг Парфия салтанатига қарши сиёсий даъволари чекланди. Бақтрияниң ички иқтисодий аҳволи анча мустаҳкамланди. Жамиятнинг тутган мағкуравий йўлида янги тамойиллар пайдо бўлди. Булар ҳаммаси маданий қадриятлар тизимини қайта кўриб чиқишга, шу жумладан ёзув маданиятини қайта ташкил этишга олиб келди. Масалан, Канишканинг тангаларида бақтрия тилида юон имлосида битилган ёзувлар ўзига хос ислоҳот рўй берганлигини ва унинг бақтрия ёзув материалини қайд қилишга мослашганлгини билдирар эди. Олимларнинг аниқлашларича, бунда юон алифбеси ан-анавий таркибда сақланиб қолган, фақат «Р» ҳарфининг вазифаси ўзгарган, у бақтрия тилида Ш товушини англатган.

Тангалардаги ёзувлардан ташқари бизга қадар кўп миқдордаги қисқа-қисқа ёзвлар ҳам этиб қолган. Булар орасида милодий ИИ асрларда қора бўёқ билан сопол парчаларига битилган ёзувлар, эски Термиздаги Қоратепа орида жойлашган будда ибодатхонаси деворига ёзма ҳарфлар билан битилган III-IV асрларга тааллуқли ташриф ёзувлари.

Юон-боҳтари ёзувига оид энг йирик ёдгорликлар орасида катта Сурх - Кўтал ёзуви (у 1957 йилда Шимолий Афонистоннинг Болон вилоятида топилган бўлиб, у тош тахтага ўйиб ёзилган ва 25 қатордан иборат<sup>1</sup> дастлабки анча равон ва кўзга кўринарли матнdir), шунингдек Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги Айритом шаҳарчасидан топилган олти қатор ёзув бор бўлиб, у монументал юон- боҳтари ёзувида мергели оҳангиди ишланган ҳайкаллар тўплами постаментига битилган (1979 йилда археолог Б.Турсунов томонидан топилган). 1980 йилларнинг бошларига қадар топилган юон-боҳтари ёзуви ёдгорликлари Х.Хумбах, Г.Давари, И.Гершевич, В.А.Лившиц, Я.Харматти, В.Б.Хеннинг, Н.Симс-Вилямс асарларида тўпланган ва тушунирилиб берилган. Юонча асосдаги боҳтари ёзувининг ҳозирги кунгача энг муҳим намуналаридан бири Термиздан ўттиз километр арбда жойлашган қадимги Кампиртепа шаҳарчасида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида кашф этилган. Бу эрда милодий II асрга оид археологик қатламларда чинакам нодир топилма-қайнин пўстлоига битилган бақтрия қўлёзмоларидан парчалар топилган. Бу ҳақдаги биринчи хабар «Сурхандаринская правда» вилоят газетасида (1984 йил август) босилди. «Кампиртепа қалъаси» номли мақолада археологлар Э.Ртвеладзе ва С.Савчук мазкур топилмани қуйидагича тасвирлаб берганлар: «Дастлабки парчалар тупроқдан ҳоли эди, гарчи материал (бу, чамаси, қайнин пўстлоқса битилган эди) яхши сақланмаган бўлса-да, қўлёзмаларнинг ўзи жуда яхши сақланган: хатнинг ўта чиройлилиги, хусниҳат кўчирган хаттотнинг тажрибали эканлигини кўрсатади ва бу борадаги мавжуд узоқ анъанадан гувоҳлик беради. Ёзув ўрамига назар ташлаб, бу эрда бир-бирига

ёпишиб кетган ва найча шаклида ўралган бирнеча варақ бўлганлигига ишонч ҳосил қиласиз, шу билан бирга ёзувлар ҳар иккала томондан горизонтал қаторлар билан бир-биридан ва варақ четидан жой қолдирган ҳолда берилганди. Ҳарфлар этарли даражада йирик бўлиб, бир-бири билан қўшилиб кетганди- бу қия ҳарфларда битилган ёзув эди». 1983 йилги бу ноёб топилма ҳақида анча батафсил ахборот Э.Ртвеладзе ва В.Лившицнинг «Қадимги ёзув ёдгорликлари» номли китобчасида келтирилган: «Қайин пўстлои парчалари биноларнинг деярли бутун поллари сиртидан буюмлар остидан ва орасидан топилган, лекин уларнинг қўпчилик қисми бинолардан бирининг шарқий девори ёнида тўпланган эди. Ҳаммаси бўлиб турли катталиқдаги (2,2x1,6 см; 2,9x1,2-1,3 см; 0,8x0,3 см ва ҳоказо) 30 га яқин парчалар, шунингдек бир-бирига ёпишиб кетган ва найча қилиб ўралган ҳамда тозалаш вақтида бўлакларга бўлиниб кетган бир қанча юпқа варақлар топилган, Варақларнинг кенглиги тахминан 5,0 см. бўлиб, қалинлиги 0,1-0,2 см.,ъ чап томонида 1,5 см.гача ҳошияси бор эди. Ёзувлар икки томондан қора туш билан равон қаторларда ёзилган, улар уч -тўрт ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ сатр бўлиб, улар оралии 2,0 - 2,5 см эди. Ҳарфларнинг баландлиги 3-6 мм келарди. Ёзувлар бақтрия қия ҳарфларида ёзилган. Хусусан, айrim қўшимчалар ва бақтрия тилига хос бўлган «да» қўшимчасини ёки «сув» маъносини ифодаловчи сўз мавжуд. Битта бўлакда мансабдор шахсларни ифодалашда ишлатиладиган бақтрия қўшимчаси мавжуд бўлган иккита сўзнинг бирикмаси сақланиб қолган. Бинобарин, бу сўзда қандайдир бир мансабдор шахс ҳақида гап борган. Бошқа бир бўлакда катта Сурх-Кўтал ёзувидан маълум бўлган сўзлар ва қўшимчаларнинг қолдиқлари сақланиб қолган. Яна бир икки ҳарфли ва бирнеча ҳарфли кўргина парчалар ҳам бор, лекин умуман олганда парчалардан бирортаси ҳам равон ўқиш имконини бермайди. Лекин ишонамизки, ўтказилаётган таъмирлаш ишлари ҳамма матнларни бўлмаса ҳам, айrim гаплар ва сўзларни ўқиш имконини беради».

Туронзаминдаги бошқа ёзув тизимлари каби юонон-бохтари ёзувининг тарихий тараққиётида ўзига хос иккита босқични ажратиб кўрсатиш мумкинки, уларга иккита ёзув варианти ёки тури мос келади: монументал (ҳашаматли), аниқ ва ёзма ҳарфли ёзув. Биринчи вариантга ҳарфларни алоҳида - алоҳида ёзиш, белгиларнинг ўткир учли ва думалоқ шакллари алмасиб ва аралаш келшипи хосдир. Иккинчи вариант учун матнни қўшиб (баъзан сўзларни бақтрия тилида бўлганидек, ажратмасдан) ёзиш хосдир. Юонон-бохтари ёзувининг ривожланишидаги биринчи тарихий босқич милодий I-II асрларига тўрри келади. Юонон-бохтари ёзувидаги Кушон даври ўрталарида, Кампиртепа қалъасидан топилган топилмаларга қараганда, ёзма ҳарф тамойили устунлик қилган. Кушон давридан кейинги (милодий IV асрдан бошлаб) ёзма ҳарфларнинг анча ривожланиши Бақтрия худуди эфталитлар хукмронлиги

остида бўлган даврига тўрри келади. Бу ёзув фанда «эфталит ёзуви» деб ном олган ва милодий IX асргача мавжуд бўлиб келган. Хитойлик сайёҳ будда монахи миссионер Сюан-Цзян тахминан 629-630 йилларда Туронзаминнинг айrim минтақаларида бўлган вақтида айнан эфталит ёзуви ҳақида қуйидагиларни ёзган: «Тил таркиби бўйича (Тохаристон) бошқа салтанатлардан бирмунча фарқ қиласи, Ёзувдаги ҳарфлар сони йигирма бештадан иборат, улар бир-бири билан қўшилиб турли комбинациялар ҳосил қиласи, улар ёрдамида ҳамма нарса тасвирланади. Ёзув горизонтал бўйича, чапдан ўнг томонга қараб ўқиласи. Адабий асарлар катта миқдорда яратилади ва ҳажм жиҳатидан суд тилидаги асарлардан устунлик қиласи...». «Сўнгроқ Сюан-Цзяннинг қайд этишича, 25 та ҳарфдан (чамаси, юонча ҳарфлардан) иборат алифбедан Ту-холо мамлакатидан ташқари Бамиан, Шунон, Читрал ва бошқа қўшни мамлакатлар ҳам фойдаланишган»<sup>2</sup>, деб ёзади И.М.Стеблин-Каменский. XII асрдаги араб тарихчиси ас-Самъанининг гувохлик беришича, китоблар ёзилган алоҳида алифбе «исломнинг ilk даврида», яъни араблар истилосидан кейин ҳам (VIII аср) Хутталиёнда мавжуд бўлган. Хуллас, юонон-боҳтари ёзувини бирмунча кечроқ ҳам мавжуд бўлганлигини IX асрга оид айrim ёдгорликлар, чунончи Точи водийсидан топилган ёзувлар ва 1905 йилда Туёка водийсида (Шарқий Туркистон, Турфон воҳаси) ибодатхона вайроналаридан фон Ле Кок томонидан топилган ва фанда «Берлин эфталит парчалари» деб номланган- қайнин пўстлоига, қоозга ва палма япроига ёзилган матнларнинг эттига парчаси ҳам тасдиқлайди.

Тангалардаги ёзувларга асосланиб айтиш мумкинки, Канишка даврида юонон алифбоси бақтрия тилига мослаштирилган. Тангаларнинг юзасига юонон тилидаги ёзувлар ўрнига бақтрия тилидаги ёзувлар ёздирилган. Юонон алифбоси асосида бақтрия ёзувининг шакланиши Канишка давридан аввалроқ Вима Кадфиз даврида пайдо бўлган дейиш ҳанузгача ўз тасдиғини топгани йўқ. Бақтрия тилидаги сўзларни ёзишда юонон алифбосининг танланиши эрамизнинг биринчи асрларида Бақтрияда эллинистик анъаналарнинг, юонон маданияти ва тилининг мустаҳкам ўрин топганлигидан далолат беради. Бақтрия номларини юонон ҳарфлари орқали акс эттиришга бўлган уриниш Канишкагача бўлган даврдаёқ бошланган. Юонон ҳарфларидан нафақат номларни ва мансабларни ёзишда, балки юонон тилида бўлмаган сўзларни ёзишда фойдаланила бошланган. Натижада юонон ҳарфлари орқали юонон тилида бўлмаган товушларни акс эттирадиган белгилар тизими – бақтрия алифбоси яратилган. X.Юнкер, Э.Херсфелд ва Р.Кюриел асрларида бақтрия ёзуви юонон курсив ёзувларидан келиб чиқсан деб эътироф қилинган эди. Бақтрия ёзуви палеографиясига Р.Кюриел, А.Марик, X.Хумбах, Р.Гёбл, И.Гершевич ва В.А.Лившицларнинг асрларида маҳсус бўлимлар ажратилган. Бақтрия ёзувининг икки тури – монументал ва курсив турлари ажратиб кўрсатилади. Монументал ёзувларга

белгиларнинг ўзаро уланмаслиги, ҳарфларнинг бурчакли (қиррали) ва думалоқ шаклда ёзилиши хос бўлиб, бу сўзларни ўқишида енгиллик туғдиради. Курсив ёзув сўздаги ҳарфлар бири иккинчисига уланиб ёзилиш услубидир. Бунда ўқиш анча мушкуллик туғдиради. Монументал ёзув кушонлар даври ёдгорликлари учун хосдир. Бу ёзув намуналарини Сурх-қўтал ва Дилбержиндан топилган матнларда кўриш мумкин. Курсив усулда ёзиш тенденсияси монументал ёзувларга нисбатан қучайиб боради. Ва ниҳоят, Эфталийлар даврига келиб, курсив ёзув услуги тамоман ғалаба қиласди. Баъзи муҳрларда ҳам курсив, ҳам қиррали ёзув шакли қўлланилган. Ривожланган бақтрия курсив ёзуви Эски Терmez - Коратепа будда монастир деворларида, кушон-сосоний ва эфталий тангаларида, Урузгандаги девор ёзувларида ва Точи водийсидан топилган битикларда учрайди. Буюк Кушонлардан кейинги давр тангалардаги ёзувларда курсив усулга ўта бошлаган. Бу ёзувларни ўқиш ниҳоятда қийин эди. Кушон-сосоний скифат тангаларидаги, кидарий ва эфталийлар тангаларидаги, сосоний тангаларидаги эфталит ва араб-ефталит тангаларидаги юнон алифбосига бориб тақалувчи курсив ёзувли ёзувлар турлича талқин қилинади. Тангалардаги унвонлар ва шахс номлари ўрта эроний тил ҳолатини акс эттиради, бошқалари эса хинд ва турк тилидан келиб чиққан. Мавжуд ёзувлар орқали эфталийлар тили тўғрисида аниқ фикр айтиш қийин, лекин шунга қарамасдан тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бақтрия тили эфталийларга қарашли бўлган Тоҳаристон вилоятида ҳам маъмурий бошқарув доирасида амал қилган. Тоҳаристон эса туркий ёбғулар томонидан бошқарилган. Кушон-сосоний тангалари Суннингҳам 1893, Ҳерзфелд 1930, Луконин 1967), А.Бивар (Бивар 1968) каби олимлар томонидан ўрганилган. Кейинги пайтда ўзбек олимларидан Ғайбулла Бобоёров бу соҳада иш олиб бормоқда. Муҳрларда ва геммаларда 12 бақтрия ёзувлари сақланиб қолган. Буларнинг наъмуналари Англия, Афғонистон, Покистон, Хиндистон ва бошқа мамлакатларнинг музейларида ва коллексияларида сақланмоқда. Мазкур матнларни Бивар “Корпус иронаязничих надписей” китобининг жилдларидан бирида нашр қилдирган (Бивар 1968). Ленинграддаги Эрмитажда сақланаётган гемма-муҳрда битилган бақтрия ёзувларини Б.Я.Ставиский 1961, 1962-йилларда нашр қилдирган эди. Аксарият ёзувлар курсивда битилган, лапидар ёзувлари жуда кам. Қуйида бақтрия ёзувли гемма наъмуналаридан бир нечтасида ўқилган исмларни ва мансабларни келтирамиз:

Асбаробидо - “кавалерия бошлиғи”, аҳмонийларнинг маъмурий бошқарув тилидаги асбар тарихан аспабара “отда юрувчи”, “суворий” сўзидан олинган.

Борсогоиго – “Бурзго ўғли” атамаси В.А.Лившиснинг фикрига кўра кушоншоҳ Вараҳран даврига тааллуқли.

Финдофаррис – “забт этувчи, ғолиб фарр”. Фарр түшүнчәси фаррахлик, баҳтлилик демакдир. Зеро, Фарр самовий, илохий баҳт маъносидаги фариштанинг номидир.

Фреихоадео (фрея-хватавеа – фdtсn. Фрей- азизам, ёқимтойгинам, др.ир. хва-тавя- хукмдор). Геммалардаги баъзи унвонлар ғарбий эрондан олинганлиги аниқланган. Бақтрия ёзувли муҳр ва геммаларни А.Бивар билан X.Хумбах тўплаган. Унга қадимги Панжикент харобаларидан топилган курсив ёзувдаги олтита булла парчаларидаги ёзувни ҳам қўшиш мумкин. Сюан Сзян ва ХИИ аср араб муаллифи ас-Самаънининг маълумотларига кўра, бақтрия тилида жуда қўп адабиётлар ва ёзма манбалар бўлган. Бу қўлёзма бойликлардан фақат бир нечта бўлакларгина, ҳаммаси бўлиб 50 қаторча ёзув сақланиб қолган, лекин у ҳам бўлса тўлиқ эмас. Палеографик ва археологик маълумотларга кўра, энг қадимги ёзув бу IV асрга тааллукли “Лондон парчаси” ёки “Лоу-Ландан топилган фрагмент” деб номланиб, у А.Стейн томонидан Шарқий Туркистондаги Лоу-Лан харобаларидан топилган ва Ф.Томас нашр қилдирган. Бу бўлак ўн қатор ёзувдан иборат, унинг на боши ва на охири бор. 1905-йилда А. Фон Ле-Кок Шарқий Туркистоннинг Турфан водийсидаги Туёк дарёси воҳасидаги ибодатхона харобаларидан қоғоз, береста ва пальма баргларига ёзилган манихей, христиан ва будда қўлёзмаларини топган<sup>13</sup>. Улар орасида еттита “оқ хунлар” ёки эфталийларнинг ёзувлари ҳам бўлган<sup>14</sup>. Ўша жойда топилган VIII-IX асрлар қўлёзмалари ва бошқа ашёвий материаллар, бақтрия ёзувлари “Берлин (эфталит) фрагментлари” ёки Берлин музейи ҳинд санъати обидалари номи остида сақланмоқда.

Бақтрия худудидан бақтар ёзувидаги биринчи топилма 50-йилларнинг бошига тўғри келади. Бу давр Амударёнинг ўнг соҳилида (Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубида) олиб борилган археологик тадқиқотлар билан боғлиқ. Биринчилар қаторига 1951-йилда Душанбедан топилган хумнинг оғзига ёзилган битик парчасини киритиш мумкин. Унда ягона сўз – ҳарфлари ўзаро уланмаган ҳолда (лапидар усулда) “задо” сўзи битилган. Бунинг маъноси “даражат елими” демакдир. 1952-йилда Кўлоб вилоятининг Дашибижум туманидан бронза қўнғироқча топилган. Унда юонон ҳарфига ўхшаш бўлган (ёки) белгидан иборат ёзув ўйилган эди. Бу ёзув ҳанузгача ўқилмаган. Шуни таъкидламоқ керакки, Бақтрия худудидан шунга ўхшаш бир қатор ёзувлар топилган бўлиб, ҳанузгача ўқилмаганлари мавжуд. Б.И.Маршак Варахша деворидаги расмга эътиборни жалб қилган. Расмда олим филга ташланаётган афсонавий қуш - грифоннинг қанотлари патларида юонон ҳарфларига ўхшаш белгиларни кўрган, лекин ҳанузгача уни тушуниб етилмаган. Археологик тадқиқотлар натижасида Марказий Афғонистондан бақтрия эпиграфик ёдгорликлари ҳамда Қандаҳорнинг шимолий-ғарбидаги Урузганда қоя ёзувлари ҳам топилган. Бу

ёзувлар 1954- йилда нашр қилинган. Ноширлар бир-биридан узоқ бўлмаган тошга ўйилган иккита курсив хатини топишган. Матнларнинг бошидаги биринчи белгилари бир хил бўлган, лекин охири бир-биридан фарқ қилган. Иккинчи ёзувни А.Бивар қуийдагича таржима қилган: “Илохийвор ва шухратли Забул шоҳи Михира (кул)” ва ҳужжатнинг санасини эрамизнинг 500-йили билан белгилаган. Санага оид баъзи сўзлар ҳали аниқланмаган. Маю “ой” сўзи аникроқ ўқилган. Биринчи ёзувни қуийдагича миурод (о) мафую зиниго – Қуёш ва ой ҳимоясида деб ўқиши тавсия қилинган. Бақтрия ёзуви бўйича дастлабки нашр Сурх-Кўтал тепалигидан қазиб топилган Кушон даврига оид ибодатхона мажмуи асосида яратилди. Уни франсуз археология миссияси бошлиғи Даниел Шлюмберже раҳбарлигига Раул Кюриел эълон қилди. “Паламеда ёзуви”нинг биринчи икки қатори шарқий Эрон ёки шартли равища “тоҳар” тилига мансуб деб айтади. Ва ниҳоят, 1957-йилда “Катта Сурх-Кўтал ёзуви” очилди. Топилган ёзув тўлиқ сақланган. Матн 25 қатордан иборат бўлиб тоштахтага ўйиб туширилган. 1958 -йилдаёт А.Марик ушбу ёдгорлик ҳақида мақола эълон қилди. У ёдгорлик ёзувини “Бақтрия тили”да эканлигини аниқлади, лекин уни “етеотоҳар” деб номлашни таклиф қилди. Тоштахтадаги ёзув мазмунини В.Б.Хеннинг тўғри ва равон таржима қилиб, тушунтириб берди. Барча грамматик парадигмалари, боғловчилар, ёрдамчи сўзлар, сўз туркумлари, синтаксис қурилмаларини ўрганиб, В.Б.Хеннинг Сурх-Кўтал ёзуви “қурилиш” хотираномаси эканлигини англади. Милодий 31 йилда Сурх-Кўтал ибодатхонаси ҳовлисида қурилган ва таъмирланган сув иншооти қудуқ билан боғлиқ экан. Бу таржималарнинг тўғрилигини эса археологик топилмалар исботлаган. А.Марик ва В.Б.Хеннингдан кейин X.Хумбах ўз таржималарини китоб шаклида чоп эттирган. Лекин унинг фаразлари илмий жиҳатдан асосли эмас эди. Яъни X.Хумбахнинг фикрича, ёзув – Қадимги Эрон тилида зардуштийлар илоҳи Митрага бағишиланган мадҳиялар эмиш. 1958-1959-йилларда Сурх-Кўталда олдинги топилган ёдгорликнинг икки нусхаси топилди. Аввалгидан фарқли равища нусхаларнинг хulosаси қисми ва сўзлари алоҳида ёзилган. Дастлаб бу нусхалар Э.Бенвенист томонидан ўрганилган. Сурхкўтал ёдгорлигидан топилган барча тоштахта ёзувлар палеографияси бўйича Р.Гёбл маҳсус изланишлар олиб борган. Изланишлар натижаси унчалик ишончли эмас эди. Р.Гёбл ва X.Хумбахнинг нотўғри таржимаси бўйича Гершевич танқидий мақола эълон қилди. Катта Сурхкўтал ёзувининг учта нусхасидан ташқари, Сурхкўтал ибодатхонасидан “Тугатилмаган ёзув”, “Деворий ёзув”, “Паламеда ёзуви” бўлаклари (унда фақат сўнгги уч қатор ёзувлар сақланиб қолган) ҳам топилган. Бақтрия тилидаги ёдгорликларнинг ёмон сақланганлиги, уни ўқиши ва таржима қилиш билан боғлиқ бир қанча муаммоларни ўртага қўйган. “Катта Сурхкўтал ёзувлари” яқингача ягона манба ҳисобланар эди. Қуйида ёзувнинг лотин

ҳарфларга ўгирилган транслитератсиясини ва олимлар гурухлари В.Б.Хеннинг, И.Гершевич, В.А.Лившиц, Н.Симс-Виллиамс, Ян Харматталар томонидан амалга оширилган таржимани келтирамиз.

## **Қадимги сұғд тилидаги архивлар – муштарак тарихимиз ва билингвизм тимсоли, Сұғдий ёзув – орамий ёзувнинг янги авлоди**

Мил. авв. II минг йиллик ўрталарида хинд-европа тиллари деб аталувчи лингвобирлиқдан ҳиндуарий тил умумийлигига эга қабилалар ажралиб чиққан. Кейинчалик, бу қабилаларда ҳам навбатдаги бўлиниш рўй берган. Натижада бир тармоқ ўзини “арянаму”, яъни “арий деб номланувчилар”, ҳозирги Эрон ҳудудларига келиб жойлашган. Иккинчиси эса “аръялар” номи билан Ҳиндистон яrim оролининг шимоли томон миграция қилганлар ва кейинчалик пашту, ҳинд, ўрду сингари ҳалқларнинг аждодлари бўлиб қолганлар. Бу тафсилот схематик содда тарзда берилмоқдаки, бундан мақсадимиз шарқий эроний тилли қавмларнинг мазкур миграцион жараёнларда ҳозирги Ўзбекистоннинг Зарафшон воҳаси, Қашқадарё воҳаси, Тожикистоннинг Суғд вилояти, Помир, Бадахшон тоғлари бўйлаб тарқалгани ҳақида тасаввур беришdir. Шу жумладан, ўзларини *сөудик ноб*, яъни “суғдий қавмлар” деб атаган суғдий тилли ҳалқнинг тақдири ўзига хос кечган. Бу ҳалқ ўзи келиб жойлашган ҳудудларда туб прототуркий аҳоли билан асрлар оша қарийб икки яrim минг йил давомида ёнма-ён яшаб, суғдий ва туркий тарихий-маданий симбиози шаклланишида алоҳида роль ўйнаган. Айниқса, мил. авв. I минг йилликнинг сўнгги чорагидан милодий VIII-IX асрлар ораси суғдий ҳалқнинг тақдирида алоҳида даврга айланган. Бу ўртада Буюк ипак йўли тармоқлари бўйлаб суғдийлар ҳалқаро савдо-иктисодий, маданий ва маънавий муносабаатларнинг энг фаол иштирокчиларига айландилар. Бу даврда суғдий тил эса ҳалқаро муомала тили вазифасини ўтай бошлади. Шу жиҳатдан олганда ёзув мавжудлиги цивилизациядан дарак берар экан, цивилизация ёзувсиз мавжуд бўлолмаслигини инкор этиб бўлмайди.

Марказий Осиё ҳалқларининг VI-VIII асрлар даври маданияти, иқтисодиёти ва сиёсий ҳаётини ўрганишда нумизматик материаллар муҳим аҳамият касб этади. Кейинги даврдаги суғдий тангаларнинг тадқиқ этилиши натижасида нафақат Суғдининг ички сиёсий ҳаёти, балки унга туташ ва ҳамкор бўлган Бухоро, Қашқадарё, Чоч, Тароз, Ўтрор, Еттисув, Фаргона, Уструшона, Хоразм, Шарқий Туркистон каби тарихий-маданий минтақаларнинг ички алоқалари ва сиёсий ҳаёти янада ойдинлашди. Суғдий тангалар ёки суғдий ёзувли тангаларнинг бу каби катта ҳудудда тарқалиши суғдий маданиятнинг қўшни минтақаларга жадал кириб боргани ва уларга таъсиридан далолат беради.

Қадим ва илк ўрта асрлар даврида Суғд Самарқанд (Зарафшон дарёси воҳаси), Бухоро ва Қашқадарё (Кеш ҳамда Нахшаб) воҳаларидан иборат бўлган. Ҳар учала минтақа айни пайтда умумий сиёсий бирлик ва ички конфедератив алоқадорлик тизими сифатида ўз маҳаллий танга зарбларига эга эдилар. Танга зарблари ўзига хос жиҳатлар билан ўзаро фарқли бўлгани билан бир вақтда суғдий ёзувли ривоятлари уларни ягона маданий моҳиятини белгилаб берган. Нумизматик материалларда бу ҳолат аниқ кўзга ташланади. Айниқса, Қанғ давлатининг парчаланишидан кейин ҳар минтақанинг умумий тарихи-маданий майдонда нисбий мустақил ривож йўлига кириши, кейинчалик Турк хоқонлиги ялпи хукмронлиги даврида ҳам ҳар уч воҳада мустақил танга зарбининг давом эттирилиши муаммонинг муҳимлигини янада аниқроқ кўрсатади. Ёзув ва унинг метал (танга) юзасидаги амалий қўлланиши зарб техникасининг мукаммаллик даражаси билан боғлиқ ҳолда ўқилиши ва аниқ талқин қилиниши қийин бўлган эпиграфик муаммоларни келтириб чиқаради. Таҳлиллар бу даврда нафақат Самарқанд, Бухоро, Кеш каби йирик марказларда, балки уларга тобе маҳаллий мулк ҳукмдорлари томонидан ҳам ўз номларидан танга зарби эмиссиялари бўлганини кўрсатади<sup>5</sup>. Бу тоифа тангалардаги ёзув палеографияси ҳам ўзига хос мураккаб муаммо сифатида яхлит мустақил тадқиқотни кутмоқда.

Суғдий ёзма ёдгорликлар палеографияси Р.Готьо, Э.Бенвилист, В.Б.Хеннинг, К.Г.Залеман, В.Зундерман, А.А.Фрейман, В.А.Лившиц, Н.Симс-Виллиямс, М.Исҳоқов каби суғдшунослар томонидан анчайин ўрганилгани ҳолда<sup>6</sup> бу масала доирасида тангалардаги ёзувларнинг хусусиятлари, уларнинг қачон, қаерда ва ким томондан зарб этилгани, танга зарби муҳрасига тескари туширилган ботиқ ёки бўртма ёзувларни ишлаган усталарнинг хат (хаттотлик) услублари, танга ёзувлари асосида даврий кетма-кетлик, яъни ёзув графикаси такомили динамикасини хронологик кузатиш ва худудий хусусиятларини аниқлаш, маълумотларни тизимли тартибга солиш, таҳлил этиб, ёзув белгиларини, асосан, ҳарфлар ва уларнинг таркибий унсурларини ҳамда фарқловчи белгиларини аниқлаш орқали нумизматик материалларнинг тарихий жараённи ўрганишдаги асл моҳиятини очиб бериш уни чуқур таҳлил этиш учун муҳим ва долзарб масала ҳисобланади<sup>7</sup>.

Ўз даврида суғдшунос А.А.Фрейман ушбу масалага эътибор бериб, ўз тадқиқотларида келажакда топилиши мумкин бўлган тангалардаги ҳарфларнинг

<sup>5</sup> Илк ўрта асрлар Суғдда асосий танга кумушдан ишланган (4- 4,25 гр кумуш) драхма (*δρυμ*) бўлиб, *rpy* деб номланган бронза пул (1-1,5 дан то 4-5 гр оғирлиқда бўлган) бирлиги ҳам ички бозорда ишлатилган.

<sup>6</sup> Gauthiot, 1911; Gauthiot, 1912; Benveniste, 1929; Benveniste, 1959; Henning, 1946; Livshitz, 1970; Sundermann, 1973; Sims-Williams, 1975; Исҳаков, 1992.

<sup>7</sup> Нумизматик материаллардаги суғдий ёзув хусусиятлари ва палеографияси масалалари алоҳида тадқиқот обьекти ҳисобланади. Нумизматик палеография архаик хусусиятни ўзида жамлаган бўлиб, чуқур таҳлил этилиши лозим – И.М., F.Б.

график хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим самара беришини ва эроний тилларнинг Шарққа ёйилишини янада ойдинлаштиришини таъкидлаган. Ўз фикрига асос сифатида олим орамий тиллардан маҳаллий тилларга ўтиш жараёнидаги оралиқ давр хусусиятлари тангаларда сақланиб қолганини келдиради<sup>8</sup>. Яъни, илк суғдий тангалардаги ҳарфларнинг график кўринишлари орамийчани сақлаган ҳолда давом эттирган ҳолатлар кўзга ташланади.

Таъкидлаш жоизки, тангалардаги ёзув бир марталик техник ишлов бериладиган статик ҳолатни акс эттиради ва бошқа ўзгармайди. Бир мартада қолипда босилади. Аслида тангадаги ёзув ўйма қолип (матрица)да тескари турган. Уни қайта ишлаш имконияти бўлмаган. Шунинг учун ҳам тангалардаги ёзувларнинг архаик ҳолати яхши сақланган. Аммо мазкур ҳолат суғдий тангаларда даврий ўзгариб борган, архаизм қолиб кетиб илк ўрта асрларнинг сўнгги босқичида тангаларга ҳам суғдий курсив ёзув кириб келган. Бу ҳолатни таҳлил қилиш тангалардаги ёзувларнинг график шаклларини тадқиқ этиш, Суғд ҳукмдорликларидаги танга зарбининг хусусиятларини очиб беришда қўл келади. Яъни, илк Суғд тангаларидағи ёзувларнинг қандай шаклдалиги, ёки Чоч тангаларидағи ёзувлар қандай хусусиятда бўлгани, Бухоро тангаларидағи ёзувларда архаизм қанчалик сақланиб қолганлиги маълум бўлади. Бу ҳолатни тадқиқ этиш эса тангалардаги суғдий ёзувларнинг динамикасини ва даврий хусусиятларини очиб бериш имконини беради.

Суғдийлар ўзларининг тиллари талабларидан келиб чиқиб, мил. авв. III-II асрларда ёқ Аҳамонийлар Эрон салтанати ва унга тобе сатрапликларда, жумладан, Суғдда ҳам амал қилган орамий ёзуви алифбесининг график шаклларидан фойдаланиб ўз алифбеларини яратганлар.

Суғдий алифбенинг чизма шакллари ўзига хослигидан ташқари, ундаги ҳарфларнинг суғдий тил товуш тизими билан функционал боғлиқлигидаги универсалия ёзма ёдгорликларни ўқиши ва талқин қилишда аввало техник, қолаверса илмий-назарий муаммоларга сабаб бўлиб келмоқда. Бунинг устига қарийб барча ҳарфларнинг матнлардаги шакллари бирор стандартга жавоб бермайди. Шакл хилма-хиллиги суғдий ёзувнинг иллати, камчилиги эмас, балки суғдий ёзув маданиятининг юксаклигидан далолат деб баҳоланади. Чунки, суғдий ёзув оммавий тус олган, ҳалқнинг саводхонлик даражаси баланд бўлган ҳамда эркин равища ўз индивидуал дастхатига эга одамлар ҳам жамиятда кўп бўлган. Бизгача етиб келган суғдий матнлар орасида касбий котибият хат намуналаридан ташқари суғдий хатти муллойи шаклларининг қўплиги шундан далолат беради. Унинг бир неча кўринишлари мавжуд. Бу ҳолат минг йил аввал

<sup>8</sup> Фрейман, 1951: 26-42.

муомала доирасидан чиқиб, “ўлик” ҳолатга келган сүфдий тилли ёдгорликларни ўқиши ва талқин қилишда мураккаблик туғдиради.

Шу жиҳатдан сүфдий ёзувни талқин этишда унинг ўтмишдошлари бўлган орамий ва финикия ёзувларидағи ҳарфларнинг чизма шаклларини солиштирган ҳолда талқин қилиш ушбу ёзувни ўқишини ва ҳарфларни эслаб қолишини осонлаштиради. Соҳага доир қарийб барча тадқиқотларда сүфдий ёзув орамий ва ўз навбатида орамий ёзув финикия ёзуви асосида шаклланганлиги келтирилган бўлса-да, бу фикрнинг мукаммал назарий *графемологик* асосларини кучайтириш лозим.

Сүфд “миллий” ёзуви мил. авв. III-II асрда оромий ёзуви асосида шаклланган. Милодий I асрлардан бошлаб минтақамизда ҳарф-товушли сүфд ёзуви кенг тарқалган. Сүфд ёзувининг милод бошларига оид энг қадимий намунаси Самарқанд яқинидаги Талибарзу тепали-гидан топилган. Сүфд тилидаги манбалар IV-IX асрларга оид бўлиб, турли мазмундаги юрдик хужжатлар (аҳдномалар, никоҳ ҳақидаги шартномалар, олди-сотди хужжатлари, тилхатлар) хукмдорлар ўртасидаги ёзишмалар, кундалик турмушга оид хужжатлар ва фармонлардан иборат.

Сүфд ёзуви консонант ёзув, яни ҳарфлар, асосан, ундош товушларни ифода этган. VII-VIII асрларда сүфдлар ўз алифболарини 23 ҳарфдан, IV асрнинг бошларидан айрим ҳарфлар алифбодан чиқиб кетган, шу тариқа сүфд алифбоси 17 ҳарфдан иборат бўлиб қолган. Сүфдий тилли ёзма ёдгорликлар нафақат, асл Сүфд ёки, Уструшона, Чоч, Ўрта Сирдарё каби унга қўшни ёки нисбатан яқин ҳудудларда, балки Мўғулистан, Шимоли-Фарбий Хитой, Шарқий Туркистон, Еттисув ва ҳоказоларда ёйилганлиги бугунги кунда мазкур тарихий ҳудудларда топилаётган ўнлаб топилмалар асосида ўз тасдиғига эга. Улар орасида Буғут, Корабалғасун (Мўғулистан), “Эски хатлар” (Шимоли-Фарбий Хитой), Или битиктоши, Чинанчканд хужжати, сүфдий-моний матнлар (Шарқий Туркистон) ҳамда Терек-сой ва Кулан-сой (Еттисув) қоя битиклари алоҳида ажралиб туради. Уларнинг яратилиш даври милодий III асрлардан то IX-X асрларгача бориб тақалади.

Афросиёб деворий суратларидаги сүфдча ёзув намуналари 1965 йили В.А.Лившиц томонидан ўрганилган. 1961-1965 йилларда Ўзбе-қистон Фанлар академиясининг Тарих ва археология институти экспедицияси Афросиёб саройи суратларини ва унда Чаганиён элчиси этагидаги 16 сатрдан иборат сүфдча ишонч ёрлигини топган. Ургутга яқин жойдан “Хахсар ҳукмдори Афшундан Картёга мактуб” (Самарқанд давлат музейида чармга ёзилган, Ф.Гренэ ўрганган), милодий IV асрга оид “Кавч томонидан Пачпарга берилган тилхат” Афрасиёбдан топилган хатчўп, шу ердан топилган сополдаги ёзув “Рамадвандак яъни, ҳаттот” номи, “Канак номи битилган хум”, лой муҳрда “Чочнинг бош моний руҳонийси-

Санак”, Пермдан топилган идишда ва Чоч тангларида “Чоч халқининг йўлбошчиси”, “Суғдча ёзувли Нахшоб мухри”(Ерқўргон), Олтойдан “Килич эгасига зиён етмасин” суғдча ёзувли дудама қилич, Нашхобнинг Кунжутлитепасидан топилган кумуш идишда “Ушбу коса Падаржанинг шахсий мулкидир” битил-ган. Булар юртимиз тарихига оид сугдий ёзув акс этган тарихий битиклардир.

Турк хоқонлигига сугдийларнинг тутган ўрни юқори бўлганини “Буғут ёдгорлиги” тасдиқлайди. Ушбу сугдий ёзувдаги ёдгорликнинг ўрнатилган вақти милодий 581-587 йиллар деб топилган. Биринчи Турк хоқонлиги ҳукмдорларидан бири Муған ҳоқоннинг таҳтдош иниси Махан тегин хотирасига ўрнатилган эпитафия (қабртош битиги) бўлиб, матни 30-32 қатордан ташкил топган. 2000 йилларнинг дастлабки йилларида археолог олимлар томонидан Култўба (Арис дарёси/Жанубий Қозогистон) шаҳар харобасидан 6 дона сопол лавҳада сугдий жумлалар ўрин олгани аниқланиб, 2005 йилда инглиз эроншуноси Н. Симс-Виллямс томони-дан мазкур битикларнинг ўқиб чиқилиши натижасида<sup>9</sup> Суғд конфедерацияси, ўтроқ ва кўчманчи этносларнинг қадим даврлари ҳақида муайян тарихий тасаввурларга эга бўлиш имконияти туғилди. Жумладан, битикларда “Чоч лашкарбошиси” билан ҳамкорликда “Самарқанд ҳукмдори” (*symrkntč MR'Y*), “Кеш ҳукмдори” (*kšynk MR'Y*), “Нахшаб ҳукмдори” (*nxšruk MR'Y*), “Бухоро ҳукмдори” (*nw(k!)mytnk MR'Y*)ларининг даштлик кучманчиларга қарши курашганликлари ҳақида гап боради. Қирғизистоннинг Эски шаҳар харобасидан сўғдий битик топилган бўлиб, ёзув хум оғзи айланасига “Баданкат бошқарувчиси ҳукморидан Фри-тегинга” жумласи ўқилган. Бундан ташқари, сугдий ёзув Чоч воҳасида зарб қилинган Ғарбий Турк хоқонлиги тангларида ҳам ифодангани проф. Ф. Бобоёров тадқиқотларидан маълум бўлди.

И.Е.Гельб, И.Фридрих, В.В.Струве, Д.Дирингер, Н.А.Павленко, М.Исҳоқов каби олимлар ушбу ёзувларнинг индивидуал график шаклларини кўрсатишган. Хусусан, ушбу тадқиқотнинг биринчи муаллифи сугдий ёзув тараққиётининг динамикасини кўрсатишга бағишлиланган махсус тадқиқотларида масаланинг асосларини кўрсатиб берган. Лекин мазкур ёзув шаклларининг тадрижий ўзгариши, ҳарфларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳамда уларнинг номланишига асос бўлган омиллар, ҳар бир ҳарфнинг хусусиятлари ва ниҳоят сугдий ёзувнинг орамий ёзув асосида шаклланганлигининг назарий асослари ва тарихи, айниқса, матнлардаги график шакллар хилма-хиллиги, котибларнинг касбий ҳусниҳат намуналааридан ташқари индивидуал хатнинг кундалик оммавий амалиётдаги ва маҳкамачиликдаги хиллари графемологик чуқур тадқиқотга муҳтож. Тадқиқотларда сугдий ёзув орамий асосда ва орамий

<sup>9</sup> Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe // Shygys, 2006. – №1. – Р. 95–107.

финикия ёзувидан келиб чиққан маъносидаги фикр исбот талаб қилмас ҳақиқат деб қаралиб, унинг назарий асосларига эътибор берилмаган. Аслида, финикияликлардан орамийлар қачон ва қайси омиллар асосида ёзувни қабул қилишган ёки орамийлар қачондан ва қайси сабаблар билан ўз ёзувларини сұғдий ёзувга бўшатиб беришган каби саволлар билан боғлиқ масалаларда ҳали чалкашликлар мавжуд. Бу эса танланган муаммонинг долзарб эканлигини кўрсатади.

Марказий Осиё халқлари ёзув маданиятининг фонетик алфавитли тизимларига мил. авв. VII-V асрлардан бошлаб ошно бўлдила. Дастрлаб, улар қадимги халқаро муносабатлар доирасида Олд Осиёга тарқалган орамий ёзуви билан танишганлар. Кейинчалик қадимги Эрон салтанати таркибиға кирган ҳолда орамий ёзуви аждодларимиз ҳаётига расмий давлат ёзуви сифатида кириб келган. Мил. авв. IV – III асрларда эса орамий ёзувини маҳаллий хоразмий, парфиёний, сұғдий, бохтарий тилларга мослаштириб, янги ёзув тизимлари пайдо бўлган. Ушбу ёзувларда битилган ёдгорликларнинг тарихий грамматологик талқини ўта мураккаб вазифа бўлиб келмоқда. Гап шундаки, ҳар тўрттала ёзув асосидаги қадимги тиллар унутилган. Улар ёзма ёдгорликлар матнлари кўринишида сақланиб қолган “ўлик” тилга айланган. “Ўлик” тилларни ёзувда ўқиш уларнинг ташқи аломатларини, агар маълум бўлса, аждод ёзув билан солиштириш орқали ҳал қилинади. Бироқ ўлик тилнинг қандай тил экани масаласи мураккаб тарихий-киёсий лингвистик тадқиқотлар усули билан аниқланади. Суғдий матнлар масаласида ҳам худди шу икки иш усулидан фойдаланилган ва ҳар ҳолда ишончли яхши натижаларга эришилган.

Замонавий суғдшунослик салкам 150 йиллик тарихга эга. Бу даврда мазкур “ўлик” суғдий тил ўқилдигина эмас, унинг грамматикаси ҳам мукаммал тикланди дейиш мумкин. Бу жараён бошида Э.Готьо, Ф.В.К.Мюллер, Э.Бенвенист, Х.Рейхалт, Т.Тедеско, В.Б.Хеннинг, В.А.Лившиц, И.Гершевич каби олимлар туришган. Уларнинг ишларини Д.Мак-Кензи, В.Зундерман, Н.Симс-Вильямс, Ф.Грене, Ю.Йошида, Этиен де ла Вэссиер, Эронда Б.Фарид, З.Заршинос, Ўзбекистонда М.Исҳоқов ва унинг шогирдлари давом эттироқмокдлар.

Марказий Осиё қадимги ёзув ёдгорликларини ўрганиш эроний ва туркий қадимги тиллар соҳасида маълум билим, тасаввур ва қўникмалар бўлишини талаб қиласи. Энг муҳими, ўша қадимий ёзув ва тил материалларидан керакли тарихий маълумотларни чиқара билиш ва янада жиддий равишда бу маълумотларнинг объективлигини таъминлаш лозим бўлади.

Орамий ёзув асосида шаклланган алифбели ёзувлардан бири суғдий ёзув бўлиб, бугунги қунда бошқа туркум (хоразмий, парфиёний, бохтарий) ёзувларга нисбатан унинг ёдгорликлари анчайин кўп етиб келган. Ушбу ёзма ёдгорликларнинг катта қисми илк ўрта асрлар (V-VIII)га оид. Суғдий ёзув

шаклланган дастлабки даврга яқин ёдгорликлари мил. авв. II–I асрларга оид илк суғдий тангаларда сақланган. Орамий ёзув анъанаси тутаган мил. авв. IV – III асрларга оид суғдий ёзма манбалар фанга маълум эмас. Милодий дастлабки асрларга оид сопол парчаларидағи суғдий ёзувлар график тараққиётнинг ярим курсив намуналари ҳисобланади. Шундай қилиб, қадимият ва илк ўрта асрлар орасидаги узилиш суғдий ёзув динамикасини ўрганишда айрим мураккабликларга сабаб бўлмоқда.

Соҳа мутахассисларининг фикрлари ва илмий адабиётда келтирилган маълумотлар қуйидаги фикрларни илгари суриш имконини беради:

*Биринчидан*, Аҳамонийлар салтанати бутқул инқирозга юз тутган даврга қадар орамий ёзув бу давлатда маҳкамада ишлатилган. Фақатгина мил. авв. III – II асрга келиб орамий ёзув ўрнини маҳаллий ёзувлар эгаллаган. Суғд хукмдорлари томонидан зарб қилинган илк тангалар Юнон-Бақтрия давлати (мил. авв. 250 – 125) хукмдорларига, кўпроқ Евтидем (мил. авв. 235 – 200), Евкратид (мил. авв. 171 – 145) ва Гиркод тангаларига ўхшатиб<sup>10</sup>, уларга тақлидан зарб қилинган<sup>11</sup>. Ушбу Суғд тангаларидаги ёзувлар минтақадаги илк суғдий ёзувли тангалар ҳисобланади<sup>12</sup>. В.Б.Хенning берган маълумотларга кўра Кўйқирилганқалъадан топилган илк суғдий тангалари ҳам мил. авв. II асрга дахлдор бўлиб<sup>13</sup>, бу орамийдан суғдий ёзувга ўтиш жараёни айни даврдан бошланганлигини англатади;

*Иккинчидан*, ушбу маълумот фақат Суғд ва унга туташ ҳудудларга дахлдор бўлиб, келиб чиқиши орамий асосда бўлган ўртаэроний гетерографик ёзувларни фундаментал ўрганган В.Б.Хенning ўрта эроний ёзувларнинг пайдо бўлишини, ушбу туркум ҳужжатчиликнинг мил. авв. II асрга келиб ўрта эроний тилга ўтиши билан изоҳлашга ҳаракат қиласи. М.Исҳоқов ушбу фикрга қўшимча сифатида Форс хукмдорлари (Фратарак) томонидан зарб қилинган тангалардаги орамий жумлаларнинг хронологик даврини айни шу даврга оидлигини асос сифатида келтиради<sup>14</sup>. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ушбу тангалар асосан Аршакийлар (мил. авв. III – милодий III аср) даврида зарб этилган. Тангаларни (I ва II тип) даврий таснифлаган Дж.Хилла ва В.Б.Херцфельд уларни мил. авв. III – II асрга оид деб тахмин қилишади. Тангалардаги ёзувлар палеографик жиҳатдан Аҳамонийлар давридаги империя маҳкамасида ишлатилган орамийга ўхшаш. III тип тангаларидаги ёзувлар эса мил. авв. II аср охирига оидлиги мутахассислар томонидан аниқланган<sup>15</sup>;

<sup>10</sup> Фойибов, 2020: 28 – 30, 41 – 42.

<sup>11</sup> Зеймаль, 1983а: 71 – 76.

<sup>12</sup> Зеймаль, 1983: 269 – 273.

<sup>13</sup> Henning, 1958: 25.

<sup>14</sup> Исҳаков, 2008: 25 – 26.

<sup>15</sup> Зеймаль, 1983: 283.

*Учинчидан*, В.Б.Хеннинг томонидан илгари суралган ушбу фикр В.А.Лившиц ва В.Г.Луконин томонидан қўллаб-қувватланган бўлиб, олимлар мил. авв. ИИ асрга оид орамий ёзувидаги тангалардан гетерографик ўрта форсий ёзувига аллоқачон ўтилганлигини эътироф этишади. Улар бу борадаги Р.Гиршманнинг талқинларини ўрта форсий тил орфографик қоидалари ва лексик қоидаларга мувофиқ келмаслигини таъкидлашади<sup>16</sup>. Демак, мил. авв. ИИ асрга келиб минг йил давомида мавжуд бўлган орамий ёзув ўз ўрнини маҳаллий ёзувларга бўшатиб берган. Айниқса, сұғдий ёзма ёдгорликларнинг бевосита айни даврдан бошлаб маълум эканлиги, Суғдда мил. авв. II асрдан бошлаб ўзларининг маҳаллий ёзувларига ўтганликлари тўғрисидаги фикрни янада кучайтиради;

*Тўртингидан*, археологик тадқиқотлар ҳам орамий ёзувнинг мил. авв. II асрларга келиб сұғдий ёзув минтақа тарихига кириб келганлигига ишора беради. 1973 йилдан Ч.Валихонов номидаги Тарих ва археология институти (Қозоғистон) Туркистон археологияси бўлими ходимлари томонидан Култўба шахри бир неча босқичларда ривожланганлиги археологик тадқиқотлар натижасида аниқланган эди. Култўбадаги археологик ёдгорликлардан Қанғ давлати ҳукмдорлиги даврига (мил. авв. II – милодий IV асрлар) оид қатлами муҳим материалларни берди. Шулардан бири сұғдий ёзувли сополга битилган эпиграфик ёзма манбалар ҳисобланади. Сопол парчаларидағи ёзувлар таҳлили уларнинг орамий эмас сұғдий эканлигини кўрсатади. Жумладан, |9| ҳарфини ифодалашда *m <taw>* ишлатилиши ва *δ <ламедχ>* ҳарфининг бошқа сұғдий манбаларда учраши мисолида ўз тасдиғига эга. Шунингдек, *г* (*γ*), *й*, *n*, *ş* (=*č*), *š* каби ҳарфларнинг аниқ кўриниши ҳам Култўба эпиграфик манбаларини орамий эмас балки сұғдий эканлигини яққол кўрсатади<sup>17</sup>;

*Бешинчидан*, бугунги кунга қадар муаммога доир амалга оширилган тадқиқотларда асосан эътироф этиб келинган И.Е.Гельб изланишларида ҳам олим ўзининг асосий эътиборини қадимий ёзув тизимларидағи ўхшашиб ва фарқли жиҳатларга қаратган ҳолда, финикия ёзуви асосидаги алифбеларни таҳлил қилган ва орамий ёзувнинг шаклланишига қадар бўлган жараёнларни келтириб ўтади. Унинг ишида сұғдий ёзув ва алифбедаги ҳарфларнинг хусусиятлари кўрсатиб берилмаган. Бундан ташқари, ишда сұғдий ёзув алифбе тизимидағи ҳарфларнинг орамий ва унинг ўтмишдоши финикия ёзувидаги ўхшашлик (Қаранг: Илова-5) ҳакида маълумот берилмайди<sup>18</sup>. Бу эса муаммонинг долзарблиги масаласини янада кучайтиради. Баъзи ҳарфларини ҳисобга олмагандан сұғдий ёзувли ёдгорликларда мавжуд ҳарфларнинг график шакллари уларнинг қарийб бир хил асосли эканлигини кўрсатади. Жумладан, Турфон воҳасидан граф Отани Кудзуй (1876

<sup>16</sup> Лившиц, Луконин, 1964: 156 – 173.

<sup>17</sup> Лившиц, 2015: 59 – 66.

<sup>18</sup> Гельб, 1982: 132 – 138.

– 1948) томонидан топилган<sup>19</sup> яна бир сүгдий алифбе эълон қилинган эди<sup>20</sup>. Ушбу коллекция ҳамда сүгдий алифбе К.Кудара, В.Зундерман ва Ю.Йошида томонидан япон тилида эълон қилинган<sup>21</sup>. Алифбе қофозга битилган бўлиб, таҳлиллар натижасида вояга етмаган ўқувчи томонидан ёзилганлиги маълум бўлади.

### Моний ва сурёний-сүғд ёзуви намуналари

Моний ибн Фатак (216-277) монийлик (эзгулик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат дуализми) таълимоти асосчиси, Эрон, Марказий Осиё, Ҳиндистонга сафар қилиб буддизм, брахманизм билан танишиб, сўнгра христианликни ўрганиб, ўз таълимотини яратган. Зардушт қоҳинлари тазъийқига учраб, Эрондан қочган, унинг тарафдорлари Миср, Шарқий Туркистон, Рим империясининг шарқий вилоятларида тарқалган. Моний истеъдоли наққош ва рассом бўлган. Олимлар фикрича, Моний ўз таълимотини ёйиш учун оромий-сурёний алифбоси негизида янги хат турини, чиролий ҳуснихатда кашф этган, бунда ўша давр идеографик паҳлавий ёзувининг оддийлиги ҳам роль ўйнаган. Моний ёзуви, аввал, тор доирада, фақатгина моний роҳиблари орасида маълум бўлган. Кейинчалик эса, бу ёзувни моний жамоа аъзолари ҳамда оддий топинувчилар ҳам ўрганиб, асарлар кўчирган ва мутолаа қилган. Ушбу ёзув чиройли ва қулай бўлган ҳамда фонетик ёзув эканлиги унинг устунлигини оширган. Тарихда моний ёзуви моний мазмунли асарларни кўчиришдан ташқари васиқаларни кўчиришда ҳам қўлланилгани тўғрисида маълумотлар бор. Моний ёзувидаги матнлар қадимги эроний (паҳлавий, парфиёний, сүғдий ва туркий) тилда баъзи манбаларда ўрта форс, бохтарий, илк янги форс тилларида ҳам ёзилгани қайд этилган. Моний ёзувли манбалар, асосан, VIII–IX асрларда кўчирилган. Кўк турк ёзувли турк-моний манбалари сирасига қофозга битилган “Ирқ битиги”, Турфондан топилган кўк турк ёзувли матн парчалари, Уйғур хоқонлиги даврида (744–840) яратилган эпиграфик ҳамда Сибирдан топилган эпитафик ёдгорликлар киради. Турк-моний муҳитида яратилган эпиграфик матнлар орасидаги энг йириги ва аҳамиятлиси Корабалғасун ёдгорлигидир. Корабалғасун битиги трилингва: туркий, хитойча ва сүғдча матндан иборат. Турк-моний муҳитида яратилган уйғур ёзувли бошқа ёдгорликлар классик услубда. Ёзувнинг бундай услубда қўлланиши турк-моний матнларигагина эмас, балки турк-будда матнларига ҳам хос. Бу диний-фалсафий асарларга эътибор катта бўлганидан, улар муқаддас саналганлиги билан изоҳланади. Монийчилар тавбаномаси “Хуастуанивт” уйғур хатининг классик услубида, унинг Санкт-Петербург ва Лондон нусхалари мавжуд.

<sup>19</sup> Ҳозирда Киото (Япония)даги Рюкоку кутубхонасида сақланади.

<sup>20</sup> Ушбу алифбе Панжикент алифбесининг яна бир кўриниши бўлиб, ҳарфлар палеографик жиҳатдан фарқ килади – И.М., Ф.Б.

<sup>21</sup> Kudara, Sundermann, Yoshida, 1997.

Туркий матнларда қўлланган моний ёзуви ҳарфлари сони турличадир. Моний ёзуви оромий тармоғидаги бошқа ёзувлар сингари ўнгдан чапга қараб ёзилган. Моний ёзувида араб хатига ўхшаб бир ҳарфнинг уч кўриниши йўқ. Турк-моний ёзувида ундош товушларнинг ингичка-йўғон вариантини англатувчи белгилар йўқ. Моний хатида икки хил ёзув тури бор: биринчиси ва қўп қўлланилгани ёзувнинг классик услубидир. Ёзувнинг ушбу турида ҳар бир ҳарф чиройли ва дона-дона қилиб қоғозга ёзилади. Бундай матнни ўқиш ўқувчига қийинчилик туғдирмайди. Бу турдаги ёзув матнда безак вазифасини ҳам ўтаган. Моний ёзувида етиб келган туркий матнларнинг кўпчилиги шу турдаги хатда битилган. Ёзувнинг кейинги тури курсив кўринишга эга бўлиб, унда ёзилган ҳарфлар бироз чап тарафга қиялатиб битилган. Илк ўрта асрларда уйғур ёзуви кўк турк хати билан бир қаторда параллел қўлланилган. Шу билан бирга, моний ёзуви туркий тилли матнларда ҳам қўлланилди. Турк-моний муҳитида яратилган ёзма ёдгорликлар бизгача жилд, ўрама қоғоз, потхи, дафтар, алоҳида варақ ҳамда эпиграфик матн кўринишида етиб келган.

Келиб чиқиши ва генетик илдизларига кўра парфиялик бўлган, лекин семит маданий муҳитида ўсиб улайган Патикнинг ўли Монийнинг (216-277) диний таълимоти ўша вақтдаги маърифатли дунёда олиб борилган жадал диний изланишлар авж олган тарихий даврда вужудга келди. Бу таълимот шахснинг ички моҳияти намоён бўлишининг ўзига хос шакли сифатида унинг маданий оламига хос барча томонларни акс эттирган эди. Моний ўз таълимотида Яқин Шарқ, Юноистон, Рим, Ҳиндистон, Эрон ва Ўрта Осиё қадимги халқлари илмий - бадиий тафаккури ютуқларини ижодий жиҳатдан қайта ишлади ва таҳлил қилди. Бутун инсоният учун ягона диний таълимот яратишга интилиш Монийнинг қўп асарларида акс этган бўлиб, мазкур оя уни ўша замонда мавжуд бўлган зардуштишшк, христианлик каби диний қарашлардан кўпгина нарсаларни ўзлаштиришга унади. «Моний асарларига қомусий тафаккур хос бўлиб, уларни ўқишида шарҳларга эҳтиёж сезилади, - деган эди И.С.Брагинский. У ўз даврининг афсонавий ва илмий, тарихий ва фалсафий билимларини (фалакиет, жўрофия, алкимё, астрономия, математика, ботаника, тиббиёт ва ҳоказолар) қамраб олишга ҳамда уларни ўзининг олам табиати фалсафаси билан том маънода ёритиб беришга ҳаракат қилган, ўзи амал қилган яхшилик одоби ва инсонсеварлиги билан одамлар оммасини ҳаётга яқинлаштиришга уринган». Моний ёзувининг яратилишини анъанавий равища паямбар Моний билан болайдилар. Бу ёзув эрамиз III асрининг биринчи ярмида оромий ёзувининг палмирча қия ёзуви асосида яратилган ва факат монийчилар динига доир матнларни кўчириш учун ишлатилган. Моний ёзуви алифбеси бошқа оромий ёзувига асосланган тизимлардан фарқли ўлароқ 29 та ҳарфдан ташкил топган, яъни у ундош товушларни анча тўлиқ акс этгиришга мослашган. Моний

имлосининг фонетикаси ўз табиатига қўра сўзларни ўз даврида қандай талаффуз қилинган бўлса, ёзувда ҳам худди шундай акс эттириш имконини берган, бунда, албатта иложи борича ёзувнинг қисқа ундошлар учун махсус белгилар ва шу кабиларнинг йўқлиги каби хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш кўрилган<sup>1</sup>. Бу тилда гетерограммалар йўқ. Ҳарфларнинг график шакллари қўпгина элементлар ва уларнинг бирикмаларини бир хиллаштириш тамойилига эгадир. Чамаси бу ҳол монийчилар паямбарининг ўзи томонидан яратилган ёзувга илохий мўъжиза сифатида муносабатда бўлиши билан болиқдир. Иккинчи томондан, бу монийчилар жамоаларида ёзувга ва ҳуснихатга ўргатишнинг барқарор анъаналари мавжуд бўлганидан далолат беради.

Моний янги диний таълимотини ёйиш мақсадида унинг тарафдорлари ва издошлари монийчиликнинг мутсадлаг китобларини ва диний тариботларини кўчирганлар ва Турон ҳамда Эрон халқларининг турли тилларига-парфиёний, ўрта форсий, судий, қадимги туркий, уюр тилларига таржима қилганлар. Манийчиликни тариб қилувчилар орасида қўпгина рассомлар ва касби китобларни чиройли кўчиришдан иборат бўлган ҳуснихат ҳаттотлар ҳам бўлган. Таълимотчи Моний ўзи ўта маҳоратли мусаввир сифатида ном чиқарган. Монийчилар жамоаларида китоблар ва тасвирий санъатга эътиқод кучли эди. Монийчиларнинг китоблар ва тасвирий санъатга бўлган муносабатидан улар барпо этган ибодатхоналарнинг тузилиши ҳам гувоҳлик беради. Бу ибодатхоналарда бешта асосий залдан бири, албатта, муқаддас китобларга ва тасвирий санъат асарларига ажратилган. Туронзамиллик буюк олим Абу Райхон Берунийнинг гувоҳлик беришича, «турли динларга эътиқод қилувчи кишилардан кўплари, чунончи: яхудийлар, христианлар ва кейин эса айниқса монийлар китобларда ва ибодатхоналарда тасвиirlар яратишга мойилдирлар». Турли-туман манбаларда сақланган айrim маълумотларга қараб фикр юритиладиган бўлса, монийларнинг китоблари миниатюралар (мўъжаз расмлар) билан безатилар, уларда одамлар ҳам (ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳам, геометрик ва ўсимлик орнаментлари ҳам акс эттирилар, китоблар чарм муқовалар билан зийнатланарди. Монийчиларда уларнинг ўzlари томонидан ишлаб чиқилган турли таркибдаги бўёқлар, сиёхлар, уларнинг ўzlари маъқул кўрган оҳанглар ва нақш композитсиялари мавжуд эди. Моний диний қонунларини қамраб олган этии муқаддас китобдан иборат тўлиқ тўпламни X асрдаёқ Туронзамин шаҳарларидан бемалол топиш мумкин эди.

Моний ёзуви ёдгорликларига аввало таълимотчи Моний томонидан ёзилган китоблар мансуб бўлиб, улардан эттитаси манихей диний қонунларига киритилган, шунингдек унинг издошлари томонидан ёзилган ўnlаб асарлар ҳам мазкур ёдгорликлар сирасига киради. Улардан бизгача айrim парчалар ҳолида этиб келган китобларга қараб муаллифнинг ва асарнинг номини билиб олиш

қийин албатта, бироқ улар М.Бойснинг «Каталог»ида алоҳида қайд этилган. Моний китоблари ҳакида хам деярли пгундай фикр билдириш мумкин. Унинг асарларидан бирортасининг хам матни бизгача тўлиқ этиб келмаган, улар ё умуман сақланмаган, ёхуд парча-парча холдаги қўлёзмалар шаклида сақланган, баъзи парчалар христиан ва мусулмон муаллифларнинг асарларида келтирилган. Шунга қарамасдан, олимлар томонидан узоқ вақтлар мобайнида олиб борилган тарихий-филологик изланишлар натижасида Мони асарларидаги монийлик қонунларининг номлари ва жойлаштириш изчиллигини аниклаш билан бир қаторда, унинг айрим китоблари мазмунини очиб беришга ва тафсифлашга хам муваффақ бўлинган. Шундай қилиб, моний диний қонунига Монийнинг қуидаги китоблари кирган: «Инжил» китоби, Ўрта Осиё халқарига бу китоб парфия, ўрта эрон ва суд тилларида юононча-эронча «Авангелон зиндиг» — «Жонли инжил» номи остида маълум; «Хаёт хазинаси асари (Шарқий Туркистондаги ўрта эрон ва суд тилларида фақат оромийча «Симтиха» ва эронча «Нияне зиндеган» номлари билан тилга олинади; «Прагматея»; «Сирлар китоби» (ўрта эрон ва парфияча номлари «Разан»-«Сирлар»); «Паҳлавонлар ҳақида китоб»; «Хатлар», манихейлик қоидалари тўрисидаги хитой хужжатида ўрта эрон тилларидағи мактублар тўпламига «Ниван», яъни «Диван» деган ном берилган; у «див» (хат) сўзининг кўплик шаклидир; «Диван» сўзи тўпламнинг номи сифатида суря ва мандей тилларига ўртаерон тилидан ўзлаштириб олинган, шунга асосланиб олимлар бу Моний хатларининг паямбарнинг ўзи томонидан биринчи марта берилган чинакам номидир, деган хulosага келганлар; «Оятлар ва дуолар» : Моний асарлари рўйхатидан шу нарса маълумки, у айрим ибодат асарлари хам яратган, лекин буларни паямбарнинг ўзи мустақил китоб қилиб бирлаштирган, деб айтиш қийин; ҳар ҳолда монийча «Оятлар китоби» ўртаерон тилида «Афринсар» номи билан, парфия тилида эса «Афринвансар» номи билан машхур бўлиб, IV асрдаёқ мавжуд бўлган. О.Ёзбердиевнинг ёзишича, диний қоидалар тарзидаги асарлар жумласига эттига асардан ташқари, Моний асарлари мазмунига мос келадиган расмлар китоби ҳам киради, мазкур расмларни унинг ўзи ишлаган эди. Парфия тилида бу китоб «Аржанг» деб аталарди. Мазкур китоб қанчалик ўзоқ вақт сақлангани тўтрасида Абу-л-Маъалининг берган маълумоти асосида ҳукм чиқариш мумкин. У эрон тилидаги нодир асар ҳисобланган «Беяне ал-айдан» («Дин ҳақида ҳикоялар») асарининг муаллифидир. Мазкур китобда у қуидагиларни таъкидлдган: «Айтишларича, Моний бир парча оқ шоҳига расм чиза олардики, бордию, ундан ақалли битта ип сууриб олинса, барча чизилган нарсалар йўқ бўлиб қоларди; у хилма-хил расмлар солинган китобнинг муаллифи бўлиб, бу китобни «Аржанг Моний» деб аташарди: бу китоб, азна шахрининг хазинасида сақланади». Бу сўзлар 1092 йилда ёзилган. «Аржанг», шак -шубҳасиз, буюк санъат асаридир, чунки унинг

номи кейинчалик «Эронда ва бутун Яқин Шарқда санъат дурдонасини ифодалайдиган турдош отга айланиб кетди». «Аржанг» китобига киритилган расмлар мазмунини очиб берадиган мустақил бир китоб ҳам бор эди. Бу китоб «Аржанг вифраз» («Аржанг талқини») деб аталарди. Бу китобдан олинган парчалар парфия тилида бизнинг қунларимизгача этиб келган. Диний қоидаларга тааллуқли бўлмаган китоблар жумласига «Шапуракан» китобини («Шопурнинг китоби») киритиш мумкин. Унда Мони ўз таълимоти қоидаларини маҳсус тарзда Шопур И нинг ўзи учун баён қилиб берган. «Кефалая» китоби эса Монийнинг ўз асрлари асосида унинг таълимотига якун ясайдиган китобдир. Мазкур китоб таълимочининг шогирддари томонидан IV асрда тузилган эди.

### **Раватак архиви – Кушонлар салтанати ҳужжатлари**

XX асрнинг 80-йилларида Қадимги Бақтрия ҳудудларида, ҳозирги Афғонистоннинг Раватак қишлоғида Кушонлар салтанати даврига оид қадимги ҳужжатлар архиви топилди. Унда юздан ортиқ ҳужжатнинг барчаси юонон-бохтар алифбосида ёзилган. Уларнинг тили кушонлар давридаги бохтарий тил бўлиб, кейинчалик пушту тилининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган. Кушонлар даврида шаклланган юонон-бохтар ёзуви ўлкамиз маданияти тарихида муҳим рол ўйнайди. Бу ёзув ижтимоий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида кенг қўлланган. Мазкур ёзув орқали бизгача кўплаб ноёб ҳужжатлар этиб келган. Шуниси дикқатга сазаворки, Кушонлар салтанати даврига қадар давлат маҳкамачилигида юонон алифбосидан фойдаланилган бўлса, Канишка даврида ислоҳот рўй бериб, юонон алифбоси бохтар тилига мослаштирилган. Канишка даври тангаларида ёзувлар бохтар тилида ёзила бошланган. Монументал ёдгорликларда ҳам юонон-бохтар ёзуви намуналари учрайди, жумладан, Айритомдан топилган буддавий ҳайкаллар гуруҳи таг курсисидаги ҳамда Сурх Кўтал ибодатхонасидаги тошга ўйилган хотирот битиги ҳам шу тилда ёзилган.

Раватак архивидаги ҳужжатлар тери, мато ва тахтачаларга ёзилган. Инглиз олими Николас Симс Вилямс мазкур ҳужжатларни 4 туркумга ажратган: 1. хуқуқий ҳужжатлар; 2. аналогик, санаси аниқ бўлмаган ҳужжатлар; 3. рўйхатлар ва ҳисботлар; 4. ёғочдаги ёзувлар. Бақтрия архив ҳужжатлари Николас Симс Вилямс томонидан Оксфорд университетида нашр қилинган. Китобда биринчи туркумга кирувчи хуқуқий ҳужжатлар хронологик тартибда “А” дан “Й” гача алифбе ҳарфлари асосида шартли равишда белгиланган. Бир йилда ёзилган иккита ҳужжат “И” ва “Ии” тартибида жойлаштирилган. Биринчи ва иккинчи туркумга тааллуқли ҳужжатлар бир хил бичимли терига ёзилган. “1а” туркумдаги ҳужжатлар бир бўлак матога икки нусхадан ёзилган.

Раватак архиви хужжатлари асосан олди-сотди далолатномалари, ер мулкини мерос қолдириш, солик түлаш, қул савдоси далолатномаси ва тилхатлар, сарф-харажат ҳисбетлари ҳамда ягона намуна сифатида сақланган никоҳ шартномасидан иборат. Хужжатларнинг аксариятида Канишка эраси асосида саналари белгиланган, яъни хужжат тузилган йил, ой ва куни кўрсатилган. Баъзи хужжатларда эса куни кўрсатилган, аммо йили ва ойи ёзилмаган. Хужжатларда 110 йидан то 549 йилгача саналар қўйилган. Архив хужжатларининг эътиборли томонларидан бири шулки, далолатномани тузиш чоғида икки тараф вакиллари билан бирга гувоҳлар ҳам қатнашган. Албатта тузилган хужжатда икки томон вакиллари, гувоҳларнинг исми, шарифи албатта кўрсатилган ва улар далолатномада ўз розилигини билдирган. Далолатномалар ип билан боғланиб, сургуч суртилиб, муҳрланган.

Раватак архиви хужжатлари орқали Кушонлар даврида маҳкамачилик анъаналари анча тараққий қилганлигини қузатиш мумкин. Юнон-бохтар ёзувида битилган Раватак архиви хужжатлари орасида ижтимоий-хўжалик муносабатларини ўзида акс эттирган туркум материаллар мавжуд. Шулардан бири, 379 йилнинг Аб ойида Варну шаҳрида тузилган шартнома бўлиб, инглиз олими Николас Симс-Вилямснинг китобига шартли “Л” ҳарфи билан киритилган. Бу даврда Кушонлар маҳкамачилик ишларида аҳмонийлар давридан етиб келган маҳкамачилик анъаналаридан кенг фойдаланилганлиги кўзга ташланади.

1993 йилда топиб ўрганилган Рабатак архиви хужжатлари ҳам қадимги юнон-бохтари ёзувда битилган. Рабатак архиви хужжатларида Кушон ҳукмдорлари шажараси рўйхати, салтанатнинг жанубий ҳудудлари чегараси ва унга тобе йирик шаҳарлар (Паталипутра, Сакета, Каусанби, Шри-Чампа-Жангро-Чампа) рўйхати келтирилган.

Ҳозирги Музработ тумани ҳудуди жойлашган Кампиртепа ёдгорлигидан Миср папирусига ёзилган юнон-бохтари ёзувидаги 30 дан ортиқ фрагмент, хужжатлар топилган. Ушбу хужжатларни Э.Ртвеладзе Канишка I (78-123) даврига тегишли деб хулоса берган, папируслардан “сув”, “отлик қўшин бошлиғи”, “бошлиқ”, “қурол-аслаҳа омбори бошлиғи” сўzlари ўқилган. Термиз шаҳрига яқин Айритом ёдгорлигидан баландлиги 78 см тош устунда 6 қатор юнон-бахторий ёзув топиб ўрганилган. Э.Ртвеладзе 1979 йилда бу битикни кўриб, матн “буни Мирзод Шодиянинг буйругига кўра ёзганини”, “Ҳукмдор Хувишқа ҳукмронлиги 4-йил Багом ойи, Ормозд кунида зилзила бўлгани, Ш/Родия жуда чиройли ибодатхонага келгани, Кушон ҳукмдори у қалъани қайта тиклаб, шаҳарнинг бу қисми сувсиз қолгани, Йима ва Нани тасвири шарфлангани” деб ўқилганини ёзган.

## **Кхароштхи ва брахми ёзувлари – Кушонлар даврида ўзлаштирилган ёзув**

Брахми ёзуви Ҳиндистоннинг қадимий ёзуви бўлсада, унинг тарқалиш ҳудудлари Ўзбекистон, Шарқий Туркистон, Тожикис-тоннинг жануби, Афғонистон кенгликларидан иборат. Брахми ёзуви ёдгорликлари асосан буддавий дини ва панднома ахлоқий матнлардир. Кейинчалик, сак-хўтан, санскрит билан чатишган тил, брахми-туркий матнлари ҳам пайдо бўлган. Кхароштхи ёзувини сиқиб чеклаб қўйишига қодир бўлган брахми ёзуви милодий асрдан мінтақамиз ёзув маданиятида сезиларли из қолдирган. Мил. авв. V асрдан Ҳиндистоннинг шимолий-гарбида оромий ёзув асосида яратган инсон номи билан янги ёзув- кхароштхи пайдо бўлган. Ушбу ёзувнинг намуналари Ўзбекистоннинг Қоратепа, Фаёзтепа буддавийлик ибодатхоналари сопол парчалари, иморат деворларида мавжуд. 1972 йил Сурхондарё вилоятининг Далварзинтепа (Кушон салтанатининг дастлабки пойхати) ёдгорлигидан топилган хазина таркибидаги буюмлари ва тангаларда кхароштхи ёзуви битилган. Хусусан, кхароштхига “Куджула Кадфиз Кушон ҳукмдори” деб ёзилган танга бизгача етиб келган.

Ҳинд ёзуви кўринишлари Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон, Непал ва Шри Ланканинг ўзидан ташқари уларга қўшни ҳудудларда -Тибет ва Марказий Осиёда, Бирмада, Ҳиндихитой ярим ороли ҳамда Индонезияда ҳам тарқалган. Ҳинд ёзувининг асосан мил. 1-минг йилликда Ҳиндистонга чегарадош мамлакатларга кириб келиши бу ҳудудларга будда дини ва адабиётининг тарқалиши билан боғлиқ. Ҳинд ёзувининг кўринишлари сони 20-30 та оралиғида бўлиб, жадвалда уларнинг баъзи муҳимларигина кўрсатилди. Ҳиндистонда ёзув камида 5 минг йиллик тарихга эга. Дастреб ўқилган ёдгорликлар (мил. авв. III мансуб) кейинги ёзувлар учун асос бўлган бўғинли браҳми ёзувида битилган бўлиб, бу ёзув чапдан ўнгга қараб ёзилган. Ҳиндистоннинг шимолий-гарбида мил. авв. III асрдан мил. V асртаги браҳми билан бир қаторда кхароштхи ёзуви ҳам мавжуд бўлган, лекин кейинчалик секин-аста браҳми томонидан сиқиб чиқарилган. Браҳми ёзувининг ilk ёдгорликларида ёзувни маҳаллий кўринишлари ажрала бошлайди. кейинчалик улар асосида Ҳинд ёзувининг 3 асосий; шимолий, жанубий ва жанубий-шарқий тармоғи шаклланади. Алифбо ҳарфлари қатъий вертикал ва горизонтал чизиқлардан бурчак ҳосил қилиб ёзиладиган шимолий тармоқка қуйидаги ёзувлар киради:

- 1) VI-X асрларда Марказий Осиёда санскрит, сак ва бошқа тиллардаги матнларни ёзиш учун қўлланган гупта ёзуви;
- 2) VII асрдан ҳозиргача бир неча кўринишда ишлатилган тибет ёзуви,
- 3) VII-VIII асрларда шаклланган ва қўлёзмаларда қайд этилган нагари ёзуви; унинг кейинги даврдаги шакли-деванагари Шимолий Ҳиндистондаги

асосий ёзувга айланади, ҳиндий, маратхий ва бошқа тилларда, санскритча матнларни ёзиш ва нашр этишда қўлланади;

4) VIII асрдан Кашмирда ишлатиладиган шарада ёзуви;

5) XII асрдан Непалда қўлланган ва ҳозирги кунларда деванагари томонидан сиқиб чиқарилаётган невари ёзуви;

6) XV асрда шаклланган ва бенгал, ассом, санскрит тилларида қўлланадиган бенгал ёзуви;

7) бошқа алифболардан ҳарфлар устидаги горизонтал чизик ўрнига ёй шакли қўлланиши билан фарқ қиласидиган ория ёзуви;

8) нагарининг курсив шаклидан келиб чиқсан ва ҳарфлар устида чизикнинг йўқлиги билан ажралиб турадиган гужарот ёзуви;

9) XVI асрда сикхлар томонидан жорий этилган панжоб ёзуви-турмуҳи. Булардан ташқари, турли ёзишмаларда, савдо ва иш юритиш соҳаларида ишлатиладиган кайтхий, маҳажаний (Ражастҳан штатида ва шу ердан чиқсан савдогарлар орасида); ланда (Синд ва Панҷобда), мўдий (Маҳараҷтрада) ёзув турлари мавжуд.

### **Сурёний-туркий ёзув ҳақида**

Сўғд тили ёзма ёдгорликларининг каттагина гуруҳи мазмунига қўра, христиан динига мансуб. Милодий V асрдан христиан динининг несториан мазҳаби туркий ва сұғдий жамоалар ўртасида тарқалганда, сурёний ёзув сўғд ва туркий тилларга мослашган ҳолда христиан адабиётларини ҳам ушбу ёзувда тарқалишига сабаб бўлган. Сурёний ёзув Сурияда амал қиласидиган маҳаллий ёзувнинг ҳусниҳат шаклларига асослангани сабабли, туркий ва сұғдий қўллөзмалар мазкур ёзувнинг гўзал намуналарини ўзида мужассам этди. Асл сурёний алифбоси 22 ҳарфдан иборат бўлиб, унли товушлар ёзувда акс этмаган. Марказий Осиёда сурёний ёзув туркий ва сұғдий эпиграфик ёдгорликларда, илк ўрта асрлар қабр тошларида сақланиб қолган, ўйма усулда битилгани сабабли асл ҳусниҳат шаклини бироз йўқотган.

Сурёний -туркий ёзуви сурия қия (курсив) ёзуви (шунингдек генетик жихатдан оромий ёзувига яқин) асосида яратилган бўлиб, XII-XIV асрларда несториан мазҳабидаги Марказий Осиё христианлари шу ёзувдан фойдаланганлар. Бу ёзув кундалик маданий муомалада қўлланилган, хар хил мазмундаги матнларни қайд этиш учун ишлатилган. Туркий ёзувдан фойдаланувчи христианлар ўзларининг қўллөзма китобларига, илоҳий ва бошқа турдаги адабиётларга ҳам эга бўлганлар. Бу жихатдан Н.В.Пигуловская ининг маҳсус мақоласида баён қилинган хуносалар кўп маълумотлар беради. Мақолада айтилишича, Хара-Хотодан топилган сурёний-туркий қўллөзма туркларнинг китоб ҳолидаги ёзма ёдгорликлари мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Бироқ қоозда ёзилган бир нечта матн парчаларини ҳисобга олмаганда, сурёний-туркий

ёзув намуналари бизгача асосан Шарқий Туркистон, Қиризистон (Еттисув) ва Ўзбекистондан топилган қабрусти тошларидағи ва бошқа тошлардаги турли ёзувлар орқали этиб келган. Сурёний-туркий ёзувига оид эпиграфик ёдгорликларнинг батафсил обзори Ч.Жумагулов тадқиқотларида келтирилган.

### Қадимги уйғур-туркийси ва мұғул ёзуви

Уйғур-туркий ёзуви бевосита сүғд ва сурёний ёзувларининг Буюк ипак йўли бўйлаб тарқалган ҳусниҳат шакллари асосида шаклланган. Туркологияда ушбу ёзувли ёдгорликларнинг аксарияти уйғур тилли бўлгани сабабли, ёзув номи ҳам уйғурча номини олган. Қадимги уйғур ёзувидаги ёдгорликларнинг аксарияти диний тусда бўлиб, буддавийлик, монийлик ва ислом ақидаларини акс эттирган. Уйғур-туркий ёзувининг яратили-шини ҳоқон Мўюнчур номи билан боғлашади, лекин уни Уйғур ҳоқонлигининг (744-840) эҳтиёжи ва тарихий зарурати билан бошлаш лозим. Уйғур ёзувидаги энг қадимги ёдгорликлар VIII-IX асрларга оид. Уйғур ёзуви дастлаб, худди сүғд ёзуви каби, соф консонант(ундош) ёзув бўлган, алифбоси 23 ҳарфдан ташкил топган. Ҳарфлар 3 хил график шаклга эга бўлган, яъни ҳарфларнинг сўз бошидаги, ўртасидаги ва охиридаги шакллари фарқланган. Уйғур ёзуви, асосан, вертикал ҳолатда юқоридан пастга қаратиб ёзилган. Қадимда “туркча ёзув”, “уйғур хати”, “мұғул хати” деган номлар билан аталган. Ушбу ёзув турининг номи тарихий эмас. Ёзилишига кўра, уйғур хатининг икки хил кўриниши: майда курсивли (яъни, югурик) ҳамда классик (йирик) услуби фарқланади. Майда курсивли кўриниши, асосан, тез битиш, матнни майда қилиб ёзишга қулай бўлиб, ундан қўпроқ туркий васиқалар, йирик асарларда фойдаланилган. Ёзувнинг классик услуби ҳусниҳат билан, йирик кўринишда, ҳарфлари ҳам дона-дона, жимжимали қилиб ёзилган. Монийчилар тавбаномаси “Хуастуанивт” уйғур хатининг классик услубидадир. “Меърожнома”, “Ўғузнома”, Аҳмад Юғнакийнинг “Хибат ул-ҳақойик”, Юсуф Хос Ҳожибининг машҳур “Қутадғу билиг” каби асарлар уйғур ёзуvida кўчирилган. Уйғур-туркий ёзуви XVI асргача қўлланилган, Лутфий, Атоийнинг баъзи ғазаллари ушбу хатди битилган. Уйғур-туркий ёзуви Темурийлар даврида ҳам расман ишлатилган. Амир Темурнинг Қоратовдаги хотирот битиги (1391 йил Тўхтамишхонга қарши юриши), Абу Сайд Мирзонинг ёзишмалари ҳам ушбу хатда битилган.

Бир неча минг йиллар давомида шаклланган туркий ёзувлар тақдири Шумер миҳнатлари каби узоқ вақтгача жамоатчиликка маълум бўлмай келди.

XVIII асрда туркий халқлар ёзувлари ҳақида дастлабки маълумотлар пайдо бўлди. Лекин ёзувлар қайси халқка мансуб эканлиги муаммолигича қолаверди. Чунки бу ёзувларни хеч ким ўқий олмади. 1691 йилда ўз даврининг йирик олими,

Москвадаги Голландия элчихонаси аъзоларидан бири Николай Видзен Верхотур шаҳридан унча узок бўлмаган жойда номаълум алифбода ёзилган битигтошларни топди. Н.Видзеннинг бу соҳага қизиқишига Сибир вилояти бошлии Головин сабабчи бўлган эди. У Сибир бўйлаб саёҳат қилиб юрганида Об дарёсининг ўтирилган жойидан одам суюклари сақланган ёғоч қути, кумуш болдоқ, идишлар топади. Бу топилмаларни у Н.Видзенга совға қиласи. Лекин бу топилмалар ва ёзувлар қайси халққа тегишли эканлиги номаълум эди. Орадан 5 йил ўтгач 1696 йилда Тоболслик бояр ўли Семен Ремезов ҳам Сибир эрларининг ҳаритасини чизаётib, бир пунктига Урхун тоши деб белги қўяди. Номаълум ёзув битилган бу тош ҳаритада чегара вазифасини ўтай бошлайди. Бундай ёзувлар хақида 1710 йилда асирикка тушган швед зобити Филипп Иоганин Страланберг тўликроқ маълумот беради. Асирикда у 13 йил яшаб номаълум ёзувнинг жадвалини ҳам чизиб олади. Унингча бу ёзувлар рун ёзувлари деб атала бошланди. Рун деб аталишига сабаб, хот ёзувига ташки жиҳатдан ўхшашлигидир. Руна-сир маъносини билдиради. Қадимги олмонларнинг рун ёзуви милодий II-III асрларда келиб чиқсан. Туркий ёзувлар эса ғарбдаги рун ёзувлари пайдо бўлгунга қадар ҳам мавжуд эди.

XIX асрнинг II ярмида «Славян назарияси» унутила бошланди. Бу даврларда қадимшунослар Энасой, Абакан дарёси қироқларидан, Олтинкўл яқинидан, Булук дарёси бўйларидан кўплаб тошга ёзилган ёзувларни топдилар. Лекин бу ёзувларнинг тақдири ҳам авалги ёзувларнинг тақдирига ўхшаб номаълумлигича қолаверди. Ёзувларнинг туркий халқларга тегишли эканлигини биринчи бўлиб Н.Ядринцев исботлаб берди. У топилган ёзувларнинг тахминан 2000 йиллар илгари яратилганини, туркий халқларнинг скиф ва готларга қўшни бўлганлигини, бу ёзувлар туркий халқларга таалуқли эканлигини аниқлади. Лекин бу битигтошларда нималар ифодалангандиги номаълумлигича қолаверди.

Н.М.Ядринцев бошлиқ экспедициянинг Урхун ва Тула дарёларига қилган сафарлари рун битигларини бутун дунёга машҳур қиласи. У топган «тангача» ли битигтошлар кўпчилик тарихчиларнинг диққатини ўзига жалб қиласи.

Култегин битигида хитойча ёзув матнлари ҳам бор эди. Бу матнлардан маълум бўлишича, битигтошларнинг бири Билига хоқон ва иккинчиси укаси, лашкарбоши Култигин шарафига битилган экан. Н.Ядринцев топилмасидан сўнг бу ёзувлар Урхун- Энисей ёзувлари деб номланди. Баъзи олимлар бу ёзувларни рун ёзувларига ўхшашлигини назарда тутиб, туркий-рун ёзувлари деб атайдилар. 1891 йили Н.Ядринцев Унгин дарёси бўйидан яна бир битигтош топади. У фанда Унгин битигтоши деб атала бошлади. Кейинчалик Еттисувдан битигтошлар топилди. Улар шакл жиҳатидан Урхун ёзувларидан бир оз фарқ қиласи. Ёзувларни ўқиши даниялик олим В.Томсон ва россиялик олим В.Радловлар зиммасига тушди. 1893йил баҳорида Томсон Урхун дарёси бўйидан

топилган ёзувларни ўқиганлиги ҳақида Дания қироллиги Фанлар академияси йиилишида ахборот беради. Унинг бошқа халқлар ёзувини дешифровка қилиб ўқишида қўллаган тажрибаси Урхун ёзувларининг калитин очишда ҳам қўл келади. У ёзувлардан турли белгиларнинг қандай товуш ифодалашини билиб олгач, унга таянган холда, Урхун ёзувларидағи бутун алифбони аниқлайди ва биринчи марта «Тангри», «Турк» сўзларини ўқийди. Бу битиктошларнинг туркий халқларга мансублиги аниқ исботлаб беради.

Томсондан кейин В.Радлов ҳам 1894 йил 19 январ куни Россия Фанлар академияси йиилишида Култегин битигини ўқиганлиги ҳақида маълумот беради. В.Радълов бу битиктошлардаги туркий ёзувлар алифбосининг 15 ҳарфни 1893 йил кузида, яъни, Томсон ўқишига қадар аниқлаб бўлган эди. Шундай қилиб, икки олимнинг саъи-ҳаракатлари билан бу ёзувлар – рун, яъни сир эмаслиги исботланди. Бу битиктошлар туркий ёзувда битилганлиги исботлангандан сўнг, яна бир муаммо пайдо бўлди: Урхун – Энисей ёзувлари қайси ёзув асосида келиб чиқсан: Лекин олимлар ҳалигача бу хусусда бир тўхтамга кела олганлари йўқ. В. Томсон бу ёзувдаги айрим ҳарфларнинг селий – пахлавий ёзувидағи ҳарфларга ўхшашлигини топди. Кейинроқ туркий алифбодаги 23 ҳарфнинг оромий алифбосига ўхшашлиги аниқланди. У туркий тилнинг товуш қурилишига мос холда қайта ишланган ва оромий алифбосидаги бир неча белгилар билан тўлдирилган деган хulosага келди. Оромий ёз уни мил. авв. I минг йиллик бошларида вужудга келган. Бу ёзув дастлаб Сурия ва Месопотамияда пайдо бўлган. Дастребки оромий ёз уни финикия ёзувидан деярли фарқ қилмаган. Кейинчалик мил. авв I минг йиллик ўрталарида оромийлар финикия ёзувига айрим ўзгартиришлар киритганлар. Ҳарфлар сони қисқартирилиб, шаклини ҳам соддалаштирганлар. Мил.авв. VIII асрдан бошлаб кўпгина халқлар: яхудийлар, вавилонликлар, ассирийлар, форслар ва араблар оромий ёзувини ўз тилларига мослаштирганлар. Қозоистонлик олим А.С.Омонжоловнинг фикрича, туркий алифбо мил. авв. I минг йилликда шакланиб бўлган эди. Бу фикрда жон бор. 1970 йил Олма-отадан топилган (Иссикдан) ашёвий далиллар буни исботлади. Бу эрдан топилган четларига туркий – руний ёзувларига ўхшаш белгилар битилган кумуш косача ҳамманинг диққатини тортади. Қазилма раҳбари ашёвий далиллар жойлашган қабр мил. авв. V-IV асрларга тегишилдири. 1960 йилларда Туркистон шахрига яқин бир жойда лойга битилган битигтош топилади. Учта белгини хисобга олмаганда битик Урхун ёзувига мансуб. Бу лой битиг ўзига хос тумор бўлган. Хўш бу янги белгилар қаердан келди. Бу белгилар ижодкори номаълум, лекин, бу белгилар ўша давр билан шуулланувчи олимларнинг айтишича юонон алифбосидан олинган. Э.Д. Паливанов турк – юонон ёзувларини туркий мухитнинг ўзида пайдо бўлганлиги ҳақидаги фикрни билдиради. Энди қадимги туркий ёз уни ҳақида:

Қадимги Туркий ёзуви 38 ҳарфдан иборат бўлиб, 4 ҳарф унли, қолган 34 ҳарф унсиздир. Яна баъзан а – э, о – у, у – ю ҳарфлари учун бир ҳарф қўлланилган. Бу қадимги ёзув ўнгдан чапга қараб ёзилган ва сўзлар орасига икки нуқта (:) қўйилган. Демак, шуни хулоса қилишимиз мумкинки, қадимги турк ёзуви мил.авв. В асрда пайдо бўлган ва асосан оромий ёзуви асосида шакллангандир.

### **Қадимги тангаларда Ўзбекистон халқлари ёзув маданиятининг акс этиши**

Марказий Осиё халқларининг VI-VIII асрлар даври маданияти, иқтисодиёти ва сиёсий ҳаётини ўрганишда нумизматик материаллар муҳим аҳамият касб этади. Кейинги даврдаги суғдий тангаларнинг тадқиқ этилиши натижасида нафақат Суғднинг ички сиёсий ҳаёти, балки унга туташ ва ҳамкор бўлган Бухоро, Қашқадарё, Чоч, Тароз, Ўтрор, Еттисув, Фарғона, Уструшона, Хоразм, Шарқий Туркистон каби тарихий-маданий минтақаларнинг ички алоқалари ва сиёсий ҳаёти янада ойдинлашди. Суғдий тангалар ёки суғдий ёзувли тангаларнинг бу каби катта ҳудудда тарқалиши суғдий маданиятининг қўшни минтақаларга жадал кириб боргани ва уларга таъсиридан далолат беради.

Қадим ва илк ўрта асрлар даврида Суғд Самарқанд (Зарафшон дарёси воҳаси), Бухоро ва Қашқадарё (Кеш ҳамда Нахшаб) воҳаларидан иборат бўлган. Ҳар учала минтақа айни пайтда умумий сиёсий бирлик ва ички конфедератив алоқадорлик тизими сифатида ўз маҳаллий танга зарбларига эга эдилар. Танга зарблари ўзига хос жиҳатлар билан ўзаро фарқли бўлгани билан бир вақтда суғдий ёзувли ривоятлари уларни ягона маданий моҳиятини белгилаб берган. Нумизматик материалларда бу ҳолат аниқ кўзга ташланади. Айниқса, Қанғ давлатининг парчаланишидан кейин ҳар минтақанинг умумий тарихи-маданий майдонда нисбий мустақил ривож йўлига кириши, кейинчалик Турк хоқонлиги ялпи ҳукмронлиги даврида ҳам ҳар уч воҳада мустақил танга зарбининг давом эттирилиши муаммонинг муҳимлигини янада аниқроқ кўрсатади. Ёзув ва унинг метал (танга) юзасидаги амалий қўлланиши зарб техникасининг мукаммаллик даражаси билан боғлиқ ҳолда ўқилиши ва аниқ талқин қилиниши қийин бўлган эпиграфик муаммоларни келтириб чиқаради. Таҳлиллар бу даврда нафақат Самарқанд, Бухоро, Кеш каби йирик марказларда, балки уларга тобе маҳаллий мулк ҳукмдорлари томонидан ҳам ўз номларидан танга зарби эмиссиялари бўлганини кўрсатади<sup>22</sup>. Бу тоифа тангалардаги ёзув палеографияси ҳам ўзига хос мураккаб муаммо сифатида яхлит мустақил тадқиқотни кутмоқда.

Суғдий ёзма ёдгорликлар палеографияси Р.Готьо, Э.Бенвилист, В.Б.Хеннинг, К.Г.Залеман, В.Зундерман, А.А.Фрейман, В.А.Лившиц, Н.Симс-

<sup>22</sup> Илк ўрта асрлар Суғдда асосий танга кумушдан ишланган (4- 4,25 гр кумуш) драхма (*drum*) бўлиб, ру деб номланган бронза пул (1-1,5 дан то 4-5 гр оғирликда бўлган) бирлиги ҳам ички бозорда ишлатилган.

Виллиамс, М.Исхоқов каби сүғдшунослар томонидан анчайин ўрганилгани ҳолда<sup>23</sup> бу масала доирасида тангалардаги ёзувларнинг хусусиятлари, уларнинг қаочон, қаерда ва ким томондан зарб этилгани, танга зарби муҳрасига тескари туширилган ботик ёки бўртма ёзувларни ишлаган усталарнинг хат (хаттотлик) услублари, танга ёзувлари асосида даврий кетма-кетлик, яъни ёзув графикаси такомили динамикасини хронологик кузатиш ва худудий хусусиятларини аниқлаш, маълумотларни тизимли тартибга солиш, таҳлил этиб, ёзув белгиларини, асосан, ҳарфлар ва уларнинг таркибий унсурларини ҳамда фарқловчи белгиларини аниқлаш орқали нумизматик материалларнинг тарихий жараённи ўрганишдаги асл моҳиятини очиб бериш уни чуқур таҳлил этиш учун муҳим ва долзарб масала ҳисобланади<sup>24</sup>.

Ўз даврида сүғдшунос А.А.Фрейман ушбу масалага эътибор бериб, ўз тадқиқотларида келажакда топилиши мумкин бўлган тангалардаги ҳарфларнинг график хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим самара беришини ва эроний тилларнинг Шарққа ёйилишини янада ойдинлаштиришини таъкидлаган. Ўз фикрига асос сифатида олим орамий тиллардан маҳаллий тилларга ўтиш жараёнидаги оралиқ давр хусусиятлари тангаларда сақланиб қолганини келдиради<sup>25</sup>. Яъни, илк сүғдий тангалардаги ҳарфларнинг график кўринишлари орамийчани сақлаган ҳолда давом эттирган ҳолатлар кўзга ташланади.

Таъкидлаш жоизки, тангалардаги ёзув бир марталик техник ишлов бериладиган статик ҳолатни акс эттиради ва бошқа ўзгармайди. Бир мартада қолипда босилади. Аслида тангадаги ёзув ўйма қолип (матрица)да тескари турган. Уни қайта ишлаш имконияти бўлмаган. Шунинг учун ҳам тангалардаги ёзувларнинг архаик ҳолати яхши сақланган. Аммо мазкур ҳолат сүғдий тангаларда даврий ўзгариб борган, архаизм қолиб кетиб илк ўрта асрларнинг сўнгти босқичида тангаларга ҳам сүғдий курсив ёзув кириб келган. Бу ҳолатни таҳлил қилиш тангалардаги ёзувларнинг график шаклларини тадқиқ этиш, Суғд ҳукмдорликларида танга зарбининг хусусиятларини очиб беришда қўл келади. Яъни, илк Суғд тангаларида ёзувларнинг қандай шаклдалиги, ёки Чоч тангаларида ёзувлар қандай хусусиятда бўлгани, Бухоро тангаларида ёзувларда архаизм қанчалик сақланиб қолганлиги маълум бўлади. Бу ҳолатни тадқиқ этиш эса тангалардаги сүғдий ёзувларнинг динамикасини ва даврий хусусиятларини очиб бериш имконини беради.

<sup>23</sup> Gauthiot, 1911; Gauthiot, 1912; Benveniste, 1929; Benveniste, 1959; Henning, 1946; Livshitz, 1970; Sundermann, 1973; Sims-Williams, 1975; Исҳаков, 1992.

<sup>24</sup> Нумизматик материаллардаги сүғдий ёзув хусусиятлари ва палеографияси масалалари алоҳида тадқиқот обьекти ҳисобланади. Нумизматик палеография архаик хусусиятни ўзида жамлаган бўлиб, чуқур таҳлил этилиши лозим – И.М., Ф.Б.

<sup>25</sup> Фрейман, 1951: 26-42.


## **ХУЛОСА**

## **МАВЗУГА ОИД МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**


1. Аманжолов А. С. Теория и история древнотюркской письменности. - Алматы.: 1992.
2. Бобоёров F., Фойибов Б. Сүғдшуносликка кириш. И. Сүғдий тил ва нумизматика / Масъул муҳаррир М.Исҳоқов. Тошкент. 2018. Б. 7.
3. Гельб И.Е. Опыт изучения письма (основы грамматологии) / Перевод с английского языка Л. С. Горбовицкой и И. М. Дунаевской; Под редакцией и с предисловием И. М. Дьяконова. Москва: Радуга, 1982. С. 134 – 137.
4. Исхаков М.М. Преемственность в истории древних тюркских систем письменности (согдийско-туркские контакты) // Ўзбекистон тарихи. Тошкент: 2000. №4. С. 46 – 57.
5. Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой пысменной культуры. – Ташкент: УМЭД, 2008.
6. Исхаков М.М. Письменная культура на великом шелковом пути. Материалы международной конференции. Ташкент-Сеул.: 2008.
7. Исҳоқов М., Содиқов Қ. Қадимги ёзма ёдгорликлар. Т.: 2000.
8. Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент: Фан, 1992. Б. 45.
9. Исҳоқов М., Фойибов Б. Туркий ва суғдий ёзувлар яратилишининг тарихий бирлиги асослари // Ўзбекистон тарихи. 2023 йил 2-сон. Б. 10-22.
10. Кошеленко Г.А. Новые письменные документы по истории Центральноазиатского региона в древности / Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган халқаро конференция материаллари. Тошкент-Самарқанд: Фан, 2007. С. 52 – 54.
11. Лившиц В.А. Надписи на фресках Афрасиаба // Тезисы докладов сессии, посвященной истории живописи стран Азии. Ленинград, 1965. С. 6 – 7.
12. Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: 2008. С. 305.
- 13.Лившиц В. А. Документы. В книге: Топрак-кала. Дворец. - М.: 1984.
14. Лившиц В.А., Кауфман К.В., Дьяконов И.М. О древней согдийской письменности Бухары // ВДИ. 1954, №1. С. 150 – 163.
15. Лившиц В.А., Луконин В.Г. Среднеперсидские и согдийские надписи на серебряных сосудах // ВДИ. Москва: Наука, 1964, №3. С. 156 – 173.
16. Павленко Н.А. История письма. Издание второе, переработанное и дополнение. Минск: Вышэйшая школа, 1987. С. 123.
17. Согдийские документы с горы Муг. Вып. ИИ / Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. Москва: ИВЛ, 1962. 21, 23, 181.
18. Шайдуллаев Ш., Шайдуллаев А. Туроннинг энг қадимги ёзув тизими, Т., “Фан”, 2024, 79 б.
19. Фрейман А.А. Хорезмийский язык. Материалы и исследования. И. Москва-Ленинград: Изд., АН СССР, 1951. С. 26 – 42.

20. Фридрих И. История письма / перевод с немецкого, вступительная статья и комментарии И.М.Дьяконова. Москва: Наука, 1979. С. 103 – 104, 281.
21. Ҳеннинг, W.Б. Тҳе дате оғ Согдиан Аңсient Леттерс // БСОАС. 1948. вол. 12. Р. 3 – 4.
22. Henning, W.B. The date of Sogdian Ancient Letters // BSOAS. 1948. vol. 12. R. 3 – 4.
23. Henning, W.B. Mitteliranisch // Handbuch der Orientalistik. 1958, Abt. 1, Bd. 4, Absch. 1. S. 25
24. Kudara, K., Sundermann, W., Yoshida, Y. Iranian Fragments from Ôtani Collection: Iranian Fragments unearthed in Central Asia by the Ôtani Mission and kept at the Library of Ryûkoku University. Facsimile Volume. Text Volume. Kyoto, 1997. (in Japanese).
25. Sundermann, W. Mittelpersische und parthische Kosmogonische und parabeltexte der Manichäer. – Berlin, 1973.
26. Sims-Williams, N. Notes on sogdian paleography / BSOAS, 1975, v. 38, pt. 1
27. Skjærvø, P.O. Aramaic Scripts for Iranian Languages / The World's Writing Systems // edited by Peter T. Daniels and W. Bright. New York and Oxford: Oxford University Press, 1996. R. 530.
28. Yoshida, Y. Sogdian miscellany IV, Studies in the Inner Asian Languages X (1995). R. 75 – 79.
29. Мамбетуллаев М. Хум с городища Большая Айбуйиркала с древнейшей надписью в Средней Азии// Вестник Каракалпакского филиала АН УЗ, 1979. № 1(75). –С.46-48. Яна қаранг: Лившиц В.А., Мамбетуллаев М.М. Памятники истории и культуры Востока. М.: 1986. –С 42-43. Фридрих И. История письма. М: 1979.
30. Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: 1948. –С. 40-41.
31. В.А.Лившиц. Надписи на оссуариях. Приложение к книге: Ягодин В.Н., Ходжаёв Т.К. Миздахкан. Ташкент,1977. –С.
32. Лившиц В.А. Глава шестая. Документы. В книге: Топрак-кала. Дворец. М.: 1984. –С.251-252.
33. Henning W.B. The Khorezmian documents. Asia Major. Neu series. London. 1965, v. XI, part 2. –P. 168-170; MacKenzie D.N. The Khorezmian Glossary// BSOAS (Bulletin of the School of Oriental and African Studies). London. 1970; 1971, volume XXXIII. - pp. ; volume XXXIV. - pp.
34. Clauson D. The origin of the Turkish “runik” alphabet// Acta orientalia. – 1970. –Р. 70-78 ; Лившиц В.А. К вопросу о происхождении древнетюркского рунического алфавита. Советская тюркология. 1978. № 3. –С.
35. Фрейман А.А. Хорезмийский язык. М.: 1951. -118 с. - ; Лившиц В.А., Луконин В.Г. Среднеперсидские и согдийские надписи на серебряных сосудах// Вестник древней истории, 1964. № 3. – С.
36. Фрейман А.А. Хорезмийский язык. М.: 1951; Эдельман Дж. И. Хорезмийский язык. В книге: Основы иранского языкоznания. Древнеиранские и среднеиранские языки. М.: 2011. – С. 11-12.

## ИЛОВАЛАР



Қадимги аждодларимиз тафаккури натижаси бўлган Авесто китоби,  
Зардуштийликнинг ушбу муқаддас китобида фойдаланилган 51 та ҳафри  
авесто ёзуви акс этган.




Ўзбекистон қадимги туркий-руник ёзувининг ватани,  
Лўмбитепа, Кўхна Кеш, Чашмимирон ёдгорликларидан топилган сопол  
парчаларидаги ёзувлар шунга далолат қиласди.




**XORAZM YOZUVI ALIFBOSI**

TRANSKRIPT	BELGILAR
b	ب
g	گ
d	د
h	ه
w	و
z	ز
h̄	ن
y	ي
k	ک
l	ل
m	م
n	ن
s	س
c	چ
r	ر
ḡ	غ
s̄	ف
t	ت
‘w	ع
‘y	ئ
‘n	ئ
br	ب
tn	ت
t...	ئ
nb	ى
sy	ە
‘r	ە
tk	ك
sr	ە
‘l	ل
wz?	


Қадимги хоразмий ёзув намуналари Катта Ойбуйирқалъа, Қўйқирилган қалъа, Тупроққалъа, Миздаҳкон, Хумбузтепа, Ақчахонқалъа, Тўққалъа, Аёзқалъа, Яккапарсон, Бурликальалардан топилган.




Қадимги хоразмий ёзув намунаси, Тупроққалъа





Қадимги сакларнинг “иссиқ ёзуви”



Бугут ёдгорлиги




Қадимги моний-туркий ёзув намунаси,  
“Хуастуанифт” – монийлар тавбаномаси, 115-129-сатрлар




Термиз яқинидаги Айритом ёдгорлигидан топилган  
қадимги юнон-бохтарий ёзувидаги битик




Корабалғасун битиги




Қадимги туркий-уйғур ёзуви намуналари




Кхароштхи ёзуви намунаси



Түрк аслзодаси Уттегин ва сүфдий аёл Дүгдүнча ўртасидаги  
никох шартномаси, қадимги сүфдий ёзувидаги хужжат




Қадимги сүфдий ёзув намунаси



Извините за отсутствие в тексте ссылок на источники. Всё что я могу сказать, это то, что я сама не могу вспомнить, откуда я это знаю.

## Рабатак архиви, Қадимги Бақтрия, юнон-бохтарий ёзуви



Ирқ битиги